

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎҚУВЧИЛАРНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК
КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ**

(МОНОГРАФИЯ)

Наманган – 2023

УДК: 372.8+81.27

ББК: 74.2

И - 80

Аббос Эрмирзаев. Ўқувчиларнинг социолингвистик компетенциясини ривожлантириш усуллари / монография / Аббос Эрмирзаев; Наманган: “Arjumand media”, 2023. – 136 б.

ББК: 74.2

Масъул муҳаррир: Мисиров С.А.- Наманган давлат чет тиллар институти доценти, педагогика фанлари номзоди.

Такризчилар: Тажибаев Г.- Наманган давлат университети доцент.

Якуббаев М.М.- Наманган давлат чет тиллар институти жаҳон тиллари факультети декани, PhD.

Мазкур монографияда юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини мамлакатшуносликка оид матнларни ўқиш орқали ривожлантириш технологиясига доир берилган илмий назариялар ва фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Компетенция – бу шундай психологик имкониятлар мажмуи, муайян шароитда унда шахсдаги билим, кўникма ва малакалар амалга ошади ва муваффақиятли уйғунлашади. Турли методик адабиётларда «Коммуникатив компетенция» (Compétence communicative) нинг турлича таърифлари баён этилган;

“Социолингвистик компетенция” тушунчаси тил соҳибларига хос тарзда мулоқот қила олиш компетенцияни қамраб олади.

Ушбу монография барча умумтаълим мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасаларининг педагогика, чет тил йўналиши талабалари учун методик манбаа бўлиб хизмат қилади.

Монография Намаган давлат университети Кенгашининг 2023 йил 8 июндаги 6-сонли йиғилиш қарори билан нашрга тавсия этилган. (Баённома № 6)

ISBN: 978-9943-5945-7-9

© Аббос Эрмирзаев, 2023

© “Arjumand media”, 2023

КИРИШ

Жаҳонда дунё халқларининг ижтимоий, маиший ва маданий ҳаётини лингвистик қиёслаш, интерпретацион таҳлил усули асосида ўрганиш масалаларини самарали ҳал этиш, демократик жамият қуришда хорижий тилларни мукаммал даражада биладиган юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг амалий аҳамияти беқиёсдир. Умумевропа CEFR (Common European Framework of Reference for Language) малака талаблари асосида умумий ўрта таълим мазмуни ва сифатини халқаро даражага кўтариш, замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш орқали юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини ривожлантириш зарурати алоҳида долзарб аҳамият касб этишини кўрсатмоқда.

Дунёда ўқувчиларнинг тил ўрганиш қобилиятини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий коммуникативлиги ва ижтимоий лингвистик тайёргарлигини ошириш, уларнинг социолингвистик компетенцияни ривожланганлик даражасини аниқлаш, ўқитишда инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш йўналишидаги монографияларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқувчиларнинг социолингвистик компетенциясини ривожлантиришда таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш, лойиҳалаштириш, инглиз тилида креатив фикрлашни ўргатиш, мулоқотни тўғри, аниқ ва раван олиб бориш, тил билиш техникасини чуқур эгаллаш каби индикаторлар муҳим аҳамият касб этади.

Хорижий тажрибаларни ўрганиш, замон талабига мос келадиган таълим технологияларини ишлаб чиқиш, ҳар бир шахснинг интеллектуал ва психологик салоҳиятини намоён этиш, юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик коммуникативлигини ошириш, ижтимоий лингвистик тайёргарлигини фаоллаштиришни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек: “Биз рақобатдош давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, бундан буён мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юрти битирувчилари камида иккита чет тилини мукаммал билишлари

шарт. Бу қатъий талаб ҳар бир таълим муассасаси раҳбари фаолиятининг асосий мезонига айланиши лозим”¹. Шу нуқтаи назардан, юқори синф ўқувчиларининг ижтимоий лингвистик тайёргарлигини оширишда мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишни ўргатишга доир вазифаларни ишлаб чиқишга замонавий тарзда инновацион ёндашув самарадорлигини ошириш бугуннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон “Таълим муассасаларида хорижий тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги”, “Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги қарор ва фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни таъминлашга муайян даражада хизмат қилади.

Ўзбек педагог-олимлари Ж.Жалолов, Л.Аҳмедова, Г.Бакиева, Г.Маҳкамова, Т.Саттаров, Д.Хошимова К.Рискулова, С.Зияева, З.Абдужабборова, Ш.Убайдуллаев, Ғ.Таджибаев ва М.Рўзметовалар томонидан мазкур масала бўйича илмий изланишлар олиб борилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) олимлари Е.Пассов, С.Фоломкина, Т.Николаева, И.Гальперин, Х.Вайнрих, Г.Колшанский, С.Васильев, Н.Аршинова, Т.Густомясова, И.Зимняя, Н.Беленюк, В.Беликов, В.Захарова, Л.Зуева, Л.Крысин, Е.Нечаева, Л.Павлова, Ф.Шарков, А.Д.Швейцерларнинг илмий-тадқиқот ишларида чет тилда коммуникатив компетенция ва унинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган социолингвистик

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 6 майда чет тилларини ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилишида сўзлаган нутқидан.

компетенцияни ривожлантиришнинг ўзига хос методик жиҳатлари тадқиқ қилинган.

Хорижий давлатларда чет тил ўқитишда тил ва маданият муаммолари, тил ўрганишда ижтимоий, ижтимоий-маданий компетенцияларни ривожлантириш, чет тилда коммуникатив компетенцияни ривожлантиришда социолингвистик компетенциянинг ўрни ва аҳамияти масалалари R.Billington, M.Canale, V.Cronen, F.Delamare, A.Fitzsimon, L.Greensides, H.Rickheit, S.Savignon, S.Strawbridge, X.Strouner, M.Swain, M.West, H.Widdowsonлар томонидан ўрганилган.

Бироқ глобаллашув шароити талаблари асосида халқаро таълим стандартларига мос равишда умумтаълим мактаби юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишни ўргатиш орқали ривожлантириш тизими монографик аспектда тадқиқ этилмаган.

Монографиянинг мақсади юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини инглиз тилида мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишни ўргатиш орқали ривожлантириш технологиясига доир методологик таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Монография қуйидаги вазифаларни амалга оширишни тақозо этади: “компетенция, коммуникатив компетенция, социолингвистик компетенция” тушунчаларининг мазмун-моҳиятини асослаш, мамлакатшуносликка оид матнларни танлаш ва тузишга қўйиладиган методик талабларини такомиллаштириш;

юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини ривожлантиришга ҳизмат қиладиган инглизча машқ ва топшириқлар мажмуини такомиллаштириш;

юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини ривожланганлик даражаси ва таркибини (English teaching content) аниқлаш;

инглиз тили дарсларида юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини ривожлантириш жараёнида юзага келадиган қийинчилик

ва хатолар типологиясини аниқлаш.

Монографияда назарий-қиёсий, назарий-таҳлилий, диагностик (кузатиш, суҳбат, сўровнома), педагогик тажриба-синов, математик-статистик таҳлил, таҳлилларни умумлаштириш усулларида фойдаланилган.

Монографиянинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“компетенция”, “коммуникатив компетенция”, “социолингвистик компетенция” тушунчаларининг тилшунослик, лингвомамлакатшунослик ва лингводидактика соҳаларидаги мазмун-моҳияти илмий-методик жиҳатдан асосланиб, мамлакатшуносликка оид матнларни танлаш ва тузишга қўйиладиган методик талаблар ўзбек тили ва ўрганилаётган чет тилнинг маданий меъёрларини қиёслаш тамойили асосида такомиллаштирилган;

юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишни ўргатиш орқали ривожлантириш бўйича инглизча машқ ва топшириқлар мажмуи тилнинг номинатив, коммуникатив ва куммулятив функциясидан фойдаланиш орқали такомиллаштирилган;

юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясининг ривожланганлик даражаси (қуйи, ўрта, юқори) ва таркиби (English teaching content) лингвистик, психологик, миллий-маданий, геронтологик, гендер ҳамда ижтимоий соҳаларининг узвий боғлиқлиги асосида аниқланган;

инглиз тили дарсларида юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини ривожлантириш жараёнида юзага келадиган лексик, грамматик, фонетик қийинчилик ва типик хатолар типологияси аниқланган.

Монография натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Монография натижаларининг илмий аҳамияти юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишни ўргатиш мазмун-моҳияти ёритилганлиги, инглиз тилида мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишни ўргатишнинг ўқувчиларнинг лингвистик ва нутқий компетенцияларини ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамиятининг ўзига хос педагогик ҳамда методик хусусиятларини белгилаб

берилганлиги, муаммонинг ўрганишга доир ёндашувларнинг таҳлил этилганлиги билан изоҳланади.

Монография натижаларининг амалий аҳамияти юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенцияни мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишни ўргатиш орқали ривожлантиришга мўлжалланган машқ ва топшириқларга асосланган ўқув-услубий қўлланмани амалиётга жорий этилганлиги, инглиз тилида мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишни ўргатиш технологияси фаннинг ўқитиш методикаси янада такомиллашувига хизмат қилиши билан белгиланади.

I БОБ. ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ


1.1-§. Умумтаълим мактаби юқори синфларида инглиз тили ўқитишнинг илмий-назарий масалалари

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғриси”даги қонунида ўрта умумтаълим мактабларининг асосий вазифаси этиб – таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмалар ўзлаштирилишини, шунингдек таълимнинг кейинги тури танланишини ҳамда юқори малака талаб қилинмайдиган касблар эгалланишини таъминлаш лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган [1; 4].

Умумтаълим мактабларининг юқори синфларида инглиз тили ўрганиш/ўргатиш ўз хусусиятига эга бўлиб, махсус ўқитиш методикасини қўллашни тақозо этади. Ўқитиш методикаси яхлит тизим бўлиб, таълим шароити, мақсади, мазмуни, методи ва воситаси каби таркибий қисмлардан иборатдир. Монографияимизда ана шу таркибий қисмлар ҳақида фикр ва мулоҳазаларни баён қиламиз.

Шароит объектив воқеалик бўлиб, таълимда бирламчи методик ҳодиса саналади, ундан келиб чиқиб, таълим мақсадлари белгиланади. Лингвометодик термин бўлмиш шароит қаерда, кимларга ва қанча вақт инглиз тилини ўргатиш билан боғлиқ тушунчаларни ифодалайди. Янада аниқроқ айтиладиган бўлса, 1) қаерда? Саволига а) умумтаълим мактабларининг юқори синфларида, б) инглиз тили нутқий муҳити бор/йўқ ерда ўргатиш. Юқори синфларда инглиз тили суъбий муҳитда ўргатилади; 2) кимларга деганда а) 9-10-11-синф ўқувчиларга инглиз тилини ўргатиш, б) юқори синфларда уч тил -ўзбек (она) тили, рус (иккинчи) тил ва инглиз тили (чет тил) ўқитилади. Бу ўринда ўқувчиларнинг уч тилдан тўплаган тил тажрибаси эътиборга олинади; 3) қанча вақт деганда, а) ўқув режасидаги ҳафталик, ойлик ва йиллик ёки бутун синф давомидаги машғулотлар миқдори - дарс соати тушунилади (юқори синфларда ҳафтасига 2-3 соатдан),

б) интенсив (жадаллаштирилган қисқа муддатли) ёки экстенсив (вақт эътибори билан чўзилган) шароитда таълим бериш назарда тутилади. Юқори синфларда экстенсив таълим жорий этилган (1.1-расмга қаранг).



1.1-расм. Юқори синфларда инглиз тили ўқитишда “таълим шароити” тушунчасининг методик таркибий қисмлари ва уларнинг тавсифи

Юқоридаги методик тушунчаларни батафсилроқ изоҳлашга ҳаракат қиламиз. Таълим шароитининг биринчи таркибий қисми – ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва умумий савияси тушунчасидир.

Юқори синф ўқувчилари ёш хусусияти жиҳатидан ўспиринлик даврига тўғри келади. Психологик адабиётларда ўспиринлик 12 ёшдан 18 ёшгача бўлган даврни ўз ичига олади. Монографияимизнинг объекти 9-10-11-синф ўқувчилари 16-17- ва 18-ёшли мактаб ўқувчиларини ташкил этади [98; 206].

Юқори синф ўқувчиси ёшидаги чегараларни аниқлаш муайян даврда шахсни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Б.М.Бим-Бад [34], М.В. Матюхина, Т.С.Михалчик, Н.Ф.Прокина [86] ва И.С.Кон [75] каби тадқиқотчилар юқори синф ўқувчисининг ёши психофизиологик жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, рухий ривожланиш босқичи деган фикрни илгари сурдилар.

Тадқиқотчи Б.Бим-Бад ўспиринликни “12 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларнинг ривожланиш даври” деб белгилайди [34; 202-203]. Унинг фикрига кўра, “ўспиринлик ўтиш даври бўлиб, у болаликдан катта ёшга ўтиш даври сифатида тавсифланади. Ўспиринлик чегараси тадқиқотчиларнинг фикрига кўра 16-18 ёшгача давом этади. Биологик жиҳатдан, ўспиринлик даврида боланинг танасида туб ўзгаришлар юз беради, балоғатга етиш жараёни ривожланади ва танани физиологик қайта қуриш жараёнлари рўй беради [34; 201]. Психологик адабиётларда ушбу ёш даврига “юқори синф ёши— балоғатга етиш даври, шу билан бирга жисмоний камолотнинг бошланғич даври” деб таъриф берилади.

Ўспирин 16 ёшдан мамлакат фуқороси, 18 ёшидан эса сайлаш ҳуқуқига эга бўлади. Буларнинг барчаси ўспиринга фуқоро сифатида ижтимоий жиҳатдан вояга етиши, жамиятда ўз ўрнини топиши, ўз тақдирини ўзи белгилаши ва етук шахс сифатида маънавий ўсиши учун барча шарт-шароитлар вужудга келганлигини кўрсатади [44; 224].

Юқори синф ўқувчиси ҳисобланган ўспирин учун “мен” тушунчаси, ўзини ўзи билиш жараёни энг муҳим омиллардан биридир. У ўзи учун муайян қизиқиш ва фаолият соҳасини аниқлайди, келажакда қайси касбни танлаши тўғрисидаги якуний фикрга келади[36; 280].

Тадқиқотчилардан Т.С.Михалчик, Н.Ф.Прокина ва Д.Б.Элкониналар ҳам мазкур ёш бўйича ўз илмий мулоҳазаларини баён этишган. Мазкур тадқиқотларда “юқори синф ўқувчилари ёши – 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган даврни ўз ичига олиб, ушбу ёшда дунёқараш, касбий қизиқишлар, ўз-ўзини англаш, орзу ва идеаллар шаклланиш даври деб тавсиф берилади [86; 256].

Айниқса, тадқиқотчилардан И.С.Кон юқори синф ўқувчисининг ёши ўспиринлик даври билан боғлиқ масалаларни мукаммал даражада тадқиқ

қилган. Тадқиқотчи 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган даврнинг асосий вазифаси - ёшлик тақдирини ўзи белгилаши билан изоҳланиб, “шахсни шакллантиришда ўта муҳим босқич эканлигини таъкидлайди” [75; 59].

Ўспиринлик даврини ўрганишга бўлган ёндашувларнинг таҳлили катта ёшдаги мактаб ўқувчисининг жисмоний етуклиги ва ижтимоий муҳитни идрок қилиш қобилияти шаклланганлигини кўрсатади. Ўспирин аста-секин ўз қадриятларини ва ўзини англашга ҳаракат қилади. Бундан ташқари, ушбу ёшдаги руҳий жараёнлар бола танасида физиологик ўзгаришлар фонида рўй беради [41; 536].

Ўспириннинг биринчи психологик хусусияти жисмоний ривожланиш ва психо-эмоционал ҳолат ўртасидаги боғлиқликдир. Тадқиқотчи Э.А.Шумилиннинг фикрига кўра 16-18 ёшдаги мактаб ўқувчилари ўзларини улғайиб қолган деб ҳисоблашади [145; 72-80].

“Жисмоний ривожланиш муайян истиқболларни очиб беради ва шахснинг айрим белгиларининг ривожланишига таъсир қилади. Масалан, жисмоний куч, соғлиқ ва жозибадорлик йигит ва қизларда юқори ўз ўзини англаш, ўзига ишонч, қувноқлик кабиларнинг шаклланишига таъсир қилади. Аксинча, баъзан уларнинг жисмоний заифликларини англаш, ўз кучига ишончсизликка ва умидсизликка олиб келади” [36; 280]. Шу билан бирга, ўспирин танани ривожланиши билан бир вақтнинг ўзида психикани қайта қуриш, ташқи қиёфасини баҳолаш ва жисмоний ривожланишига эътибор беришга мойилдир. Шундай қилиб, жисмоний ҳолат ва ташқи кўринишдаги ўзгаришлар ўспириннинг ўзини ўзи қадрлашига таъсир қилади.

Иккинчи хусусият— қадриятларнинг шаклланиши ва ўзига хос дунёқарашнинг ривожланишидир. Тадқиқотчи Э.А.Кривопапенко илмий изланишларида “ўспирин дунёқарашини шакллантириш жараёни— ўзига ҳурмат ва ахлоқни шакллантириш, ҳаёт режаларини ишлаб чиқиш, қараш ва эътиқодларни ривожлантириш” деб тавсифланади [76; 2]. Дунёқараш ва қадриятларни шакллантириш жараёнида юқори синф ўқувчиси ижобий

инсоний фазилатларни ривожлантиришга ҳаракат қилади, улар нотўғри, ёқимсиз деб ҳисоблаган одат ва фазилатлардан халос бўлади.

Учинчи асосий хусусият – бу “мен”нинг кашф этилиши, фикрлашни ривожланиши, ўзини ўзи билишга интилишдир. Ўспиринда ўзларининг қобилият, эҳтиёж, ҳаракат, ҳулқ-атвори, ҳиссиёт ва фикрлари бўйича онгли муносабат шаклланиб боради. Бу даврда, ўз-ўзини билишга интилиш туфайли, ўспиринлар ўзларининг ижобий фазилатларини ривожлантириб борадилар [76; 198].

Э.А.Шумилин ўспирин балоғат даври арафасида эканлигини англаб етишини алоҳида таъкидлайди. Улар ўзларини ҳис-туйғу ва афзалликларини тушунишга, тўғри танлов қилишга, қайси касб-ҳунар уларга энг қизиқарли бўлишини аниқлашга ҳаракат қиладилар [145; 72-80].

Юқори синф ўқувчиси мактабни тугатгандан сўнг қандай касб-ҳунар эгаллаши, қайси олий ўқув юртига муваффақиятли кириши учун нима қилиш кераклигини тушуниб боради. У ўз ҳаётининг онгли қуришга ҳаракат қилади. Ўспирин ҳаётидаги кўп нарсалар фақат ўзига боғлиқлигини тушуниб, вазифаларни бажаришда катталарнинг ёрдамига таянишни аста-секин тўхтади. Шу билан бирга ўспиринда ҳатти-ҳаракатлари учун жавобгарлик туйғуси шаклланиб боради, ҳаётнинг турли соҳаларида аста-секин ўсиш кузатилади, мактабни битирганидан кейин қайси ўқув юртининг қандай йўналишини танлашини аниқлаб олади. Ўспирин имтиҳонга тайёргарлик жараёнида, ота-она ва қариндошлари билан мулоқот қилиш жараёнида ҳаётнинг муайян соҳаларига кириб боришни бошлайди [66; 46-49].

Тўртинчи хусусият– ўспирин келажакда муайян касб-ҳунар бўйича маълумот олиш, оила қуриш каби муайян вазифаларни муваффақиятли бажаришдир. Бу ўспиринлик даврининг асосий вазифаларидан биридир.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ўспирин учун келажак ва ўз тақдирини белгилаш билан боғлиқ сабаблар муҳимдир. Ўспирин ҳаётида нимага эришмоқчи эканлигини аниқлашга ҳаракат қилади, қаерда ва ким билан

ишлаш керак, қандай оила қуриш, қаерда яшаш керак деган саволларга жавоб қидиради [44; 103-105].


Бешинчи хусусият – ўспириннинг шахслараро муносабатларга алоҳида эътибор беришидир. 16-18 ёшли ўқувчилар чин дўстликни қадрлашади. Ўспиринда дўстлик алоҳида аҳамиятга эга бўлган бўлган ходисадир. Бу ёшда, у нафақат умумий манфаатларга асосланади, ҳаёт, қадрият ва эътиқодларга доир қарашлари ҳам ривожланиб боради [145; 72-80].

Бу даврда ўспирин ҳаётида унинг тенгдошлари муҳим аҳамият касб этади. Оилада низолар вужудга келади. Натижада, тенгдошлар гуруҳининг аҳамияти ўсиб боради. Бу ота-оналар билан муносабатларнинг заифлашишига ва ҳатти-ҳаракатларнинг янги шакллари вужудга келишига олиб келади [75; 198]. Ўспириннинг ҳаётий тажрибаси баъзан ўзини англаш, ота-она ва дўстлар билан ўзаро муносабатлардаги баъзи муаммоларни ҳал қилиш учун етарли бўлмайди.

Э.А.Шумилиннинг фикрича, ўспирини ватанпарварлик, ўз мамлакатининг тақдиридаги ўз ролини англаш, дўстлик алоқаларини ўрнатишга ёрдам берадиган фазилатлар – хушмуомалалик каби ижтимоий ва одамийлик фазилатларига алоҳида эътибор бера бошлайди [145; 80].

Олтинчи хусусият– бу мустақилликни намоёниш этиш, ота-онанинг васийлигидан воз кечиш истагидир. Бу хусусият ўспиринни тенгдошлар гуруҳида ажралиб туришга, обрў-эътиборга эга бўлишга, унинг аҳамиятини ҳис қилишга, ўзини етакчи сифатида намоён этишга доир қарашлар ривожланиб боради.

Ўспирин ота-онаси у билан ҳисоблашишни, катталар билан тенг шароитда мулоқот қилишни истади. Бу балоғат ёшининг шаклланишига олиб келади [75; 190]. Шундай қилиб, юқори синф ўқувчилари ҳисобланган ўспириннинг 6та ўзига хос психологик хусусиятлари монографияимизда таҳлил қилишга ҳаракат қилдик (1.2-расмга қаранг).



1.2-расм. Ўспирин даврининг ўзига хос психологик ва психо-физиологик хусусиятлари

Эндиги билдириладиган фикр ва мулоҳазалар ўспириннинг таълим-тарбия жараёнидаги иштироки масалаларига бағишланади. Ўспирин мазкур ёшда ўзининг ҳозирги ҳаёти ва фаолиятига келажак нуқтаи назардан қарай бошлайди. Шу сабабли ўспириннинг ўқиш ва касбга бўлган қизиқиши ўртасида бирлик вужудга келади. Танлаган касбига мувофиқ уни эгаллаш имконини берадиган ўқув фанларига нисбатан қизиқиши ортади. Назарий фикрлаш, эгалланган билимларни амалий фаолият билан боғлаш эҳтиёжи кучаяди, ҳаёт режаларини аниқлаш борасида, ким бўлиш, қандай касбни эгаллаш устида фаол фикр юритадилар. Ёш психологияси фани маълумотларига кўра ўспирин билиш қобилиятини онгли равишда тўла мустақил бошқариш имкониятига эга бўлмайди. Юқори синф таълими шароити ва мазмуни билан яқиндан танишиш натижасида уларнинг руҳиятида тушкунлик, ўзига ишончсизлик, иккиланиш каби салбий ҳис-туйғулар ҳам намоён бўлиши мумкин. Хусусан юқори синфдаги ўқув машғулотларининг хусусияти, мақсад ва мазмуни қуйи синфларникидан тубдан сифат ҳамда миқдор жиҳатидан кескин фарқ қилади. Ўқувчиларда

ўқишга, ўқув фанларига, хусусан, инглиз тили фанига нисбатан турлича муносабатлар юзага чиқади.

Ўспириннинг психик хусусиятларида сезгирлик, кузатувчанлик такомиллашиб боради, мантикий хотира етакчи роль ўйнай бошлайди [30; 121].

Уларнинг фикр юритишида бир мунча объектив ва субъектив камчиликлар ҳам учрайди. Ўспириннинг барча фаолият босқичларида мустақил фикр юрита олмаслиги унинг психикасидаги жиддий камчиликлардан биридир.

Маълумки, тафаккур бошқа психик жараёнлардан ажралган ҳолда ривожланиши мумкин эмас. Шунинг учун тафаккур ривожланиши билан баробар ўспириннинг нутқ фаолияти турларига оид кўникма ва малакалари ҳам ўсиб боради. Бу эса ўспиринларда фикрини тўғри ва аниқ ифодалаш малакасини ривожлантиради, луғат бойлигини оширади.

Ўспирин тафаккурининг сифати, унинг мазмундорлиги, чуқурлиги, кенглиги, мустақиллиги, самарадорлиги, тезлиги каби омилларда кўзга ташланади. Тафаккурнинг сифати ва мазмундорлиги деганда, ўспирин онгида теварак-атроф воқеалиги бўйича мулоҳаза, муҳокама ва тушунчаларнинг қанчалик жой олганлиги назарда тутилади. Тафаккурнинг кенглиги эса унинг мазмундорлиги, чуқурлигига боғлиқ бўлади. Юқори синф ўқувчиси нарса ва ҳодисаларнинг энг муҳим хусусиятларини тасаввурида мужассамлаштира олса, ўтмиш ҳамда ҳозирги замон, келажак ҳақидаги мулоҳазаларини ифодалай олса ўспирин ижодий фикрлай олади деб айтиш мумкин. Тафаккурнинг мустақиллиги ўспирин ташаббускорлигига, ўз олдида янги вазифаларни қўйиши, уларни амалга оширишда ўзгаларнинг ёрдамисиз оқилона усуллар билан бажара олишини назарда тутади.

Тафаккурнинг тезлиги берилган саволга айтилган жавоб вақти билан белгиланади. Ўқувчи тафаккурининг тезлиги қуйидаги қатор омилларга боғлиқ бўлади: 1.Фикрлаш учун зарур материални хотирада мустаҳкам сақланганлиги, уни тез ёдга тушира олиши, турли ҳис-туйғуларнинг

мавжудлиги, ўқувчининг диққати ва қизиқишига; 2.Ўспириннинг билим савиясига, қобилияти, эгаллаган кўникма ва малакаларига [45; 538].

Бундан ташқари, юқори синф ўқувчисининг ўқув фанларига бўлган муносабати ҳар қайси фаннинг ижтимоий ҳаётдаги роли, уни ўқитиш методикасига боғлиқ. Бунда ўрта мактабларнинг қуйи синфларида олинган билимлар юқори синфдаги таълим шароитига мослашишида ўқувчига зарурий асос бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, таълим жараёнида турли ўқув фанлари, хусусан, инглиз тилини ўқитиш туфайли кенг кўламли билимлар тизимини ўзлаштирилиши туфайли ўспиринда тафаккурнинг фаоллиги, мустақиллиги, мазмундорлиги, маҳсулдорлиги ортади. Уларда мантиқий тафаккур таркиб топиб ривожлана боради. Ўзини англаш, жамият ва табиат ривожланишининг умумий қонуниятларини билиш истаги ўспиринда илмга интилишни юқори поғонага кўтаради.

Таълим шароитининг иккинчи таркибий қисми – тил тажрибаси тушунчасидир. Ўқувчининг тил тажрибаси тил заҳирасининг лингвистик компетенцияси ҳисобланган – лексика, грамматика ва талаффуз каби материалларни билиш, муайян мавзулар доирасида гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзув каби нутқий компетенцияларни эгаллашдан иборат бўлади [57; 368].


Бир ва ундан ортиқ тилни эгаллашда ўқувчиларда муайян тил тажрибаси ҳосил бўлади. Инглиз тили ўқитишда тил тажрибасининг лингвистик ва нутқий таркиблари ҳосил бўлади. Нутқий таркиб мулоқот малакаси, яъни ахборот етказиш ва ўзгалар фикрини идрок этиб тушуниш, ахборот олиш ва бериш мақсадида тил ҳодисаларидан фойдаланиш “лингвистик жиҳат”дан тил ҳодисаларига доир компетенцияларни эгаллаш назарда тутилади. Ҳар икки қисм бир бутун “тил билиш” тушунчасини ҳосил қилади.

Тил тажрибаси, аввало, она тилида шаклланади, икки ва ундан кўп тил билганларда унинг тегишли қатламлари ошиб боради. Чет тил ўқитиш

жараёнида хотира ва тафаккурда нутқий ва лингвистик таркиблар бойишига эришилади. Фикрни ифодалашда турли тилларга оид восита ва усуллар ишга тушади [46; 125].

Ўқувчиларнинг тил тажрибаси уч тилдан йиғилган билим, кўникма ва малакалар мажмуи бўлиб, унинг ҳажми, қўлланиш қўлами, ўзаро боғлиқлиги масалалари методиканинг тил тажрибасини ҳисобга олиш принципи доирасига киради.

Илмий тадқиқотларда ўқувчилар тил тажрибаси (қуйида ТТ) бўйича қуйидаги (а) она тилидан иккинчи тилга (ТТ1дан ТТ2га), (б) она тилидан чет тилга (ТТ1дан ТТ3га), (в) иккинчи тил(рус тили)дан чет тилга (ТТ2дан ТТ3га), (с) она тили ва иккинчи тилдан чет тилга (ТТ1-ТТ2 дан ТТ3га) ижобий ва салбий таъсир натижалари тадқиқ қилинган (1.3-расмга қаранг).



1.3-расм. Она тили, иккинчи тил ва чет тилда кузатиладиган интерференция ва транспозиция ҳодисаларининг ўзаро таъсири

Таълим шароитининг навбатдаги таркибий қисми инглиз тилига ажратилган вақт (соатлар) тушунчаси билан боғлиқ. Таълим шароитининг юқоридаги умумий таҳлили шунинг учун зарур бўлдики, бирламчи лингвометодик тушунча— объектив воқеъликдан келиб чиқиб, жамият тараққиётининг мавжуд босқичи буюртмаси ўқитиш мақсадларини аниқлашда асос вазифасини ўтайди.

Монографиямиздаги кейинги назарий тушунча бу таълим мақсади тушунчасидир. Мақсад таълимда муайян мақсад ва вазифаларни ҳал этиш режасидир. Инглиз тили ўқитишда амалий, умумтаълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлар тадқиқ этилган. Монография режасига кўра инглиз тили ўқитишнинг амалий, умумтаълимий, тарбиявий ва

ривожлантирувчи мақсадлари ҳақида монографиянинг 2.2-параграфида фикр ва мулоҳазалар баён этилган.

Таълим мазмунига бағишланган масалалар бўйича мамлакатимиз, МДХ ва хориж мамлакатлари олимларининг тадқиқот ишлари мавжуд. Жумладан, педагог олимлар Ю.К.Бабанский [21], В.И.Загвязинский [60], М.Н.Скаткин [116], Н.В.Кузмина [78], В.А.Сластенинлар [117] ўз тадқиқотларида таълим тизими мазмуни, унинг таркибий қисмлари, ўқитиш назарияси ва унинг концептуал асослари каби масалаларни тадқиқ этганлар.

В.А.Кан-Калик [72], Н.В.Кузьмина [78], А.В.Мудрик [92], В.И.Байденко [23], И.А.Зимняя [63], С.А.Баландин [25], М.Е.Полякова [103] ва бошқаларнинг илмий қарашларида таълим мазмунига умумдидактик ёндашувлар илгари сурилган.

Ўқитиш мазмунининг лингвометодик муаммоси тиллар ўқитиш методист-олимларини доимо қизиқтириб келаётган масалалардандир. Ўқитиш мазмунининг методик муаммолари М.Н.Скаткин, И.Я.Лернер, В.В.Краевский каби олимларнинг фундаментал илмий-тадқиқотларида жиддий ўрганилган.

Мазкур мавзуга бағишланган В.С.Цетлин [138], Б.А.Лapidус [80], М.В.Ляховицкий [81], Ж.Ж.Жалолов [58], Ҳ.Ғ.Неъматов [46], Т.Қ.Сатторов [111], А.Ғуломов [46], С.С.Сайдалиев [108] ва бошқаларнинг илмий-тадқиқотларида ўқитиш мазмуни ва унинг таркибий қисмлари бўйича турли фикр-мулоҳазалар баён этилган.


Тадқиқотчилар ўқитиш мазмуни – деганда, муайян ўқув юрти олдида турган мақсад ва вазифаларга мос тушадиган, ўрганиладиган тилни эгаллаш сифати ва даражаси учун зарур ўқув материални тушунадилар ёки ўқувчиларни ўргатиш учун керак бўладиган ҳамма воситаларни ушбу тушунча қамровига киритиш мумкин, деган фикрни илгари сурадилар.

Яна бир гуруҳ олимлар ушбу методик атамани ўрганилиши кўзда тутилган, ўқувчилар ўзлаштиришлари учун методик жиҳатдан ишланган билим, кўникма ва малакалар тарзида тушунишади.

Яна бир тадқиқотга кўра ўқитиш мазмуни муайян мавзулар доирасида инглиз тили бирликларини қўллаб, нутқ малакаларини шаклланишини таъминлашга мўлжалланган методик ҳодиса сифатида талқин этилади.

Ўқитиш мазмуни таркиби ҳақида тадқиқотчиларнинг фикрлари турличадир: 1) уни икки қисмдан: а) тилга оид назарий билим, кўникма ва малакалар, б) ўқувчи ва ўқитувчи орасидаги муносабатлар тизими, 2) уч қисмдан, яъни ўрганилиши кўзда тутилган, ўқувчиларни ўзлаштиришлари учун методик жиҳатдан ишланган а) билим, б) кўникма ва в) малакалар тизими, 3) тўрт қисмдан, а) ўқувчилар ўзлаштиришлари зарур бўлган билимлар тизими, б) шундай билимларга мувофиқ келадиган амалий кўникма ва малакалар тизими, в) ўқувчиларни ижодий фаолият усулларига ўргатиш тизими, г) ўқувчи ва ўқитувчи орасидаги муносабатлар тизими, яна шу фикрни тасдиқлаб а) мавзу (тематика) оғзаки ва ўқиш мавзулари); б) тил материали (талаффуз, лексика ва грамматика); в) талаффуз, лексик, грамматик, орфографик кўникмаларини шакллантириш; г) нутқ малакалари(гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзув)ни шакллантириш дегучилар, 4) беш қисмдан, а) нутқ малакалари, б) тил материали(лексика, грамматика, талаффуз)га оид кўникмалар, в) график ва овозли матнлар, г) нутқ малакаларини ривожлантирадиган мавзу ва ситуациялар, д) чет тилга оид ҳодиса(қоида)лар, яна шунга ўхшаш а) коммуникатив фаолиятга оид мавзу, нутқ материали (матнлар, нутқ намуналари ва ҳ.к.) ва ситуациялар, б) тил материали ва уни эгаллаш қонун-қоидалари, в) махсус нутқ малакалари, г) тили ўрганилаётган мамлакатлар маданиятлараро мулоқотига оид нутқ малакалари, д) таълим жараёнида қўлланадиган ўқув ва адаптив малакалар; 5) олти қисмдан, а) тил материалини эгаллашга тааллуқли бўлган кўникма ва малакалар, б) ўрганилаётган тил системасига доир назарий билимлар, в) коммуникатив хусусиятга эга бўлган кўникма ва малакалар (қўл ҳаракати, мимика, имо-ишора ва б.), г) ёзма нутққа доир паралингвистик кўникма ва малакалар, д) мамлакатшуносликка оид билимлар, е) тил тушунчаларини

таърифлашда ишлатиладиган вербал қоидаларга доир кўникма ва малакалар тизимидан иборатлигини таъкидлашади (1.4-расмга қаранг) [89; 156].



1.4-расм. Инглиз тили ўқитишда “таълим мазмуни” тушунчасининг таркибий қисмлари.

Ушбу нуқтаи назарлар орасида ўқитиш мазмуни қамровига ўқитиш мавзулари, нутқ малакалари ва тил материали кабиларни киритиш, бизнингча, мақбул кўринади. Мазкур таркибий қисмлар, аввало, ўқув дастурларида ўз аксини топади. Таълим якунида нималарга эришиш кераклиги, нутқий кўникма ва малакаларнинг сифати, тилнинг лексик, грамматик ва талаффуз минимуми қай даражада ўзлаштириш лозимлиги ўқув дастурида кўрсатиб берилади.

1.2-§. Инглиз тили дарсларида юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини ривожлантиришнинг илмий-методик асослари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5117-сонли қарорини қабул қилиниши чет тилларни,

жумладан, инглиз тилини узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида мукаммал ўрганишни ташкил этиш ва муҳим аҳамиятга эга бўлди [6].

Мазкур қарор Ўзбекистонда инглиз тилини ўқитишда замонавий педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш орқали ўқитишда қатор ижобий натижаларга олиб келиши назарда тутилди. Энди юқори синф ўқувчиларининг билим даражаси В2 даражасига жавоб бериши назарда тутилган ҳолда таълим сифатини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Монографияимизда “компетенция”, “компетентлик” “коммуникатив компетентия” ва “социолингвистик компетенция” тушунчаларининг илмий талқини бўйича тўхталиб ўтишни жоиз деб топдик.

Монографияларда “компетенция” тушунчаси у ёки бу касб эгасига зарур бўлган қонуният, тамойил, талаб ва қоидалар, бурч, вазифа ҳамда мажбурият ҳамда меъёрлар йиғиндиси деган маъноларни англатиб, “самарадорлик, мослашувчанлик, муваффақиятлилик, тушунувчанлик, натижалилик, ўқувлилик, хосса, хусусият, сифат ва миқдор” каби тушунчалар асосида ҳам тавсифланмоқда [90; 36].

Ҳозирда компетенция ва компетентлик тушунчаси мамлакатимиз, МДХ ва хориж мамлакатлари олимлари томонидан ўрганиб келинмоқда. “Компетенция” ва “компетентлик” тушунчалари мазмунан бир хил мақсадга қаратилсада, моҳиятан бир-биридан фарқ қиладиган тушунчалар ҳисобланади. Амалдаги методик адабиётларнинг таҳлили “компетенция” ва “компетентлик” тушунчаларининг маъновий доиралари чегаралаб қўйилганлигидан далолат беради. Шу боисдан уларнинг талқинлари ҳажман, таркибига кўра, маъно ва мантиқ нуқтаи назардан турли-тумандир. Компетенция тушунчаси шахсга нисбатан умумийлик касб этса, компетентлик индивидуаллик характериға эгадир. Компетентликнинг асосий мезони маҳсулдор фаолият, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш натижаси билан белгиланади.

Компетенция лотинча “*compete*” сўзидан олинган бўлиб, “эришаман, мос келаман, тўғри келаман” деган маъноларни ифодалаб, у ёки бу соҳа

бўйича билимдонлик деган маъноларида қўлланади. Шунингдек, “компетенция” тушунчаси кенг маънога эга бўлиб, унинг мазмун ва моҳияти турли соҳа олимлари томонидан турлича талқин этилади [128; 9].

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да “компетенция” латинча *competo* – сўздан келиб чиққанлиги келтирилган бўлиб, эришяпман, муносибман, лойикман деган маъноларни англатади. Муайян давлат органи (махаллий ўз-ўзини бошқариш органи) ёки мансабдор шахснинг қонун, устав ёки бошқа ҳужжати билан белгиланган ваколатлари, ҳуқуқ ва бурчлари доираси, у ёки бу соҳадаги билимлар, тажрибалар деган тушунчаларни ифодалайди” [14; 26].

Мазкур тушунчага “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да – лаёқатли, муносиб бўлмоқ, муайян орган ёки мансабдор шахснинг расмий ҳужжатларда белгиланган ваколатлари доираси, ваколат, шахснинг бирор бир соҳадан хабардорлиги, шу соҳани билиш даражаси”ни ифодалайди деб кўрсатилган [12; 557].

Компетенция терминининг мазмун ва моҳияти педагог, психолог ва методист олимлар томонидан турлича талқин этилади. Талқинлар ҳар бир фаннинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда илгари сурилади. Педагог олим В.И.Байденконинг фикрича “компетенция шахсларнинг билими, ҳаётий кўникма ва малакасига, лаёқатига кўра мутаносибликни ўзида намоён этиш имкониятига эга бўлишидир деб изоҳланади [23; 72]. Компетенция инсоннинг турли соҳаларда фаолият олиб бориши учун зарур бўладиган билим, кўникма, малака ва шахсий фазилатлар йиғиндисини ифодалайди [13].

Шунингдек, компетентлик термини ҳам латинча “*compete*“ сўзи билан ўзакдош бўлиб, “эришяпман”, муносибман” деган маъноларини англатади ҳамда муайян соҳадан хабардорлигини, билишини ва тажрибага эга эканлигини билдиради [14; 26]. “Компетентлик” тушунчаси амалий фаолият билан боғлиқ бўлиб, тажриба орқали компетенция талабларини билим, кўникма, малака орқали намоён этиш даражаси демакдир. “Компетентлик”

инсоннинг билими, интеллектуал ва шахсий тажрибасига асосланадиган ижтимоий-амалий фаолиятидир. Шунингдек, компетентлик – шахс амалий фаолияти билан боғлиқ бўлиб, компетенция меъёрларини жамият талабларидан келиб чиққан ҳолда креативлик асосида иш тажрибасида намоён этиш маҳорати дир.

Тадқиқотчилардан Ю.Ф.Майсуразде компетентлик тушунчасини шахс эгаллаган билимларни кетма-кетликда қўллаш усули сифатида изоҳлайди. Бу ёндашувнинг ўзига хос хусусияти унда билишга нисбатан талабдан ташқари субъект ва объект ўртасидаги муносабатлар ҳам талаб қилинади [83;277-298].

Психолог олим Н.В.Гришина [45;538] ушбу масалага ижтимоий-психологик нуқтаи назардан ёндашиб, компетентликни “қарама-қаршиликлар табиатини тушуниш, муаммоларга нисбатан конструктив қарашни шаклланиши, юзага келаётган вазиятларни таҳлил қилиш, уларни келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ҳамда уларни бошқаришда” деб тушунади.

Л.И.Берестованинг фикрича, ижтимоий-психологик компетентлик англаш, бошқариш, назорат ва баҳолаш, ўзига ўзи баҳо бериш функциясига эгадир (1.2.1-жадвалга қаранг) [31].

1.2.1-жадвал

“Компетенция ва компетентлик” тушунчаларининг тавсифи.

№	Компетенция	Компетентлик
1.	“компетенция” лотинча compete сўзидан олинган бўлиб, “эришаман, мос келаман, тўғри келаман” деган маъноларни ифодалаб, у ёки бу соҳа бўйича билимдонликка эга эканлигини билдиради	компетентлик термини ҳам лотинча “compete” сўзи билан ўзакдош бўлиб, “эришаяпман”, муносибман” деган маъноларини англатади ҳамда муайян соҳадан хабардорлигини, билишини ва тажрибага эга эканлигини билдиради
2.	муайян давлат органи (маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органи) ёки мансабдор шахснинг қонун, устав ёки бошқа ҳужжати билан белгиланган ваколатлари, ҳуқуқ ва бурчлари доираси, у ёки бу соҳадаги билимлари, тажрибалари	“ижтимоий – амалий вазифаларга мослик, шахс билим ва малакаларининг амалий нуқтаи назардан бажарилиши лозим бўлган мақсад ва вазифаларга лойиқлиги, шунингдек, иқтидор ва қобилиятнинг ўзига хос мослигидан иборатдир”

3.	инсоннинг турли соҳаларда фаолият олиб бориши учун зарур бўладиган билим, кўникма, малака ва шахсий фазилатлар йиғиндисини ифодалайди	шахс амалий фаолияти билан боғлиқ бўлиб, компетенция меъёрларини жамият талабларидан келиб чиққан ҳолда креативлик асосида иш тажрибасида намоён этиш маҳоратидир
----	---	---

Коммуникатив компетенция терминига ўрганилаётган чет тил бўйича эгалланган билим, кўникма ва малакаларни оғзаки мулоқот жараёнида қўллаш қобилияти, деган мазмунда таъриф берилган [15]. Ушбу термин таркибидаги асосий тушунчани ифодаловчи competence сўзи дастлаб Н.Чомский томонидан “грамматик компетенция”, яъни гапирувчи ва тингловчининг тил ҳақидаги билими, деган маънода қўлланилган [73; 21]. Д.Хаймс боланинг тил ҳақидаги билими— грамматикани ўзлаштириш жараёнида ундан тўғри фойдаланишни, қачон, қаерда, кимга, қай тарзда ва нима ҳақида гапириш мақбуллигини ўрганиш орқали коммуникатив компетентлигини такомиллаштириб боради, дея коммуникатив компетенция терминининг муаллифига айланди [131; 42-95].

Инглиз тилини ўргатиш бўйича давлат таълим стандартида коммуникатив компетенцияга – ўрганилаётган инглиз тили бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малакаларни оғзаки мулоқот жараёнида қўллаш қобилиятидир деб, тавсиф берилган.

Ўқувчилар коммуникатив компетенциясини ривожлантириш муаммоси нафақат педагог олимлар билан бирга лингвист ва методист олимлар томонидан ҳам унинг турли жиҳатлари тадқиқ этилган. Жумладан, коммуникатив компетенциянинг назарий ва амалий масалалари Н.Н.Доловова, Я.В.Тараскина, О.И.Халупо, И.В.Алехина, Р.С.Арефьев, Т.П.Попова, С.А.Строкова илмий тадқиқотларида ёритиб берилган.

Ҳозирда инглиз тилини ўқитиш амалиётида коммуникатив ёндашув кенг қўлланиб келаётган ёндашувлардан бири ҳисобланади. Тадқиқотчилардан Н.Чомский, И.Л.Бим, Р.Белл, В.М.Вятутнев, А.А.Зимняя, В.Г.Костомаров, О.Д.Митрофанова, М.Бирам, В.Л.Скалкин, Д.Слобин,

А.Д.Швитсер кабилар коммуникатив ёндашув асосида коммуникатив компетенцияни ривожлантириш бўйича қимматли фикрларни баён қилганлар.

Чет тилларни ўқитиш методикасида тадқиқотчилардан И.Л.Бим, Н.Б.Ишханян, М.Р.Коренева, В.В.Красных, В.В.Сафонова, В.Л.Скалкин, М.А.Суворова, М.Канале ва М.Свейнлар коммуникатив компетенция терминининг тарифи бўйича турлича фикр ва мулоҳазалар баён этганлар. Бироқ, барча таърифларда коммуникатив компетенциянинг баъзи муҳим хусусиятларигина ажратиб кўрсатилган холос.

И.Л.Бимнинг фикрига кўра, коммуникатив компетенция– бу “муайян дастур томонидан белгиланган инглиз тилида сўзлашувчилар билан шахслараро ва маданиятлараро мулоқотни амалга ошириш қобилияти ва унга тайёрлигидир” деб таъриф берилган. Бунда инглиз тили коммуникатив компетенцияси - бу шахснинг табиий ёки махсус ташкил этилган тарбиявий мулоқот жараёнида шаклланган инглиз тилида сўзлашувчилар ушбу тилни чет тил сифатида ўрганаётганлар билан шахслараро маданиятлараро мулоқотни онгли равишда амалга ошириш интеллектуал ижодий қобилиятидир дейилган [98; 206].

Тадқиқотчилардан М.Кенейл ва М.Свейннинг фикрига кўра, коммуникатив компетенция– мулоқот учун зарур бўлган билим ва кўникмалар тизимидир. Унда коммуникатив компетенция ва мулоқот тушунчаларини бир-биридан ажралиб туриши муҳимдир.

1980 йилда М.Кенейл ва М.Свейн грамматик, социолингвистик, стратегик ва дискурсив компетенцияларни коммуникатив компетенциянинг таркибий қисми деб, ҳисоблайдилар. Коммуникатив компетенциянинг барча таркибий қисмларига ўзаро боғлиқ ва уларнинг ҳар бири коммуникатив компетенция даражасининг ошишига хизмат қилади. Социолингвистик ва стратегик компетенция даражасининг ўсиши коммуникатив компетенция моҳиятини очиб берадиган грамматик ва дискурсив компетенциялардан анча олдин бошланиши муҳимдир. М.Кенейл ва М.Свейнлар инглиз тилини

ўрганишни бошлаётган ўқувчилар зарур ижтимоий-маданий компетенцияларга эга бўлишлари керак деб ҳисоблашади [147; 11-47].

С.Савингон коммуникатив компетенциянинг таркибий қисми сифатида социолингвистик, нутқий, дискурсив ва грамматик компетенцияларни ажратиб беради, коммуникатив компетенциянинг таълим моделини яратади [152; 272].

Тадқиқотчилар коммуникатив компетенцияни таркибий қисмлари ҳисобланган қатор субкомпетенцияларни ҳам кўрсатиб ўтдилар. Улар орасида социолингвистик компетенция ўз ўрнига эга. Шуни таъкидлаш керакки, Россияда коммуникатив компетенция тузилишини ўрганиш Ғарб олимларининг асарларига асосланган ҳолда тадқиқ этилган.

Тадқиқотчилардан М.Н.Вятутнев Россияда биринчилардан бўлиб коммуникатив компетенция терминига таъриф берди [42; 55-65]. Л.Л.Федорова фикрига кўра коммуникатив компетенция ўзаро боғлиқ иккита компонентни ўз ичига олади: "коммуникатив компетенция" ва "лингвистик компетенция". Бундай ҳолда, биринчиси иккинчисини аниқлайди [130; 25].

П.В.Сысоев инглиз тили коммуникатив компетенция тўрт компонентни ўз ичига олишини таклиф қилди: лингвистик, ижтимоий-маданий, стратегик ва дискурсив [122; 235]. П.В.Сысоев, коммуникатив компетенцияни инглиз тилида мулоқот қилиш истаги ва қизиқиши билан бошланади деб ҳисоблайди. Баъзи ҳолларда стратегик компетенция лингвистикадан кўра эрта ривожланади. Шундай қилиб, тўртта компетенциянинг бирортасига устунлик бериш деярли мумкин эмас, чунки уларнинг ҳар бири маълум бир босқичда инглиз тилидаги коммуникатив компетенцияни шакллантиришга ҳисса қўшади (1.2.2 - жадвалга қаранг).

1.2.2-жадвал

Коммуникатив компетенция бўйича илмий-тадқиқотлардаги қарашлар

1.	И.Л.Бим	коммуникатив компетенция - бу “муайян дастур томонидан белгиланган инглиз тилида сўзлашувчилар билан шахслараро ва маданиятлараро мулоқотни амалга ошириш қобилияти ва унга тайёрлигидир”
----	---------	---

2	М.Кенейл М.Свейн	коммуникатив компетенция - мулоқот учун зарур бўлган билим ва кўникмалар тизимидир
3	Л.Л.Федорова	коммуникатив компетенция ўзаро боғлиқ иккита компонентни ўз ичига олади: "коммуникатив компетенция" ва "лингвистик компетенция". Бундай ҳолда, биринчиси иккинчисини аниқлайди
4	П.В.Сысоев	коммуникатив компетенцияни инглиз тилида мулоқот қилиш истаги ва қизиқиши билан бошланади деб ҳисоблайди.
5	С.Савингон	коммуникатив компетенциянинг таркибий қисми сифатида социолингвистик, нутқий, дискурсив ва грамматик компетенцияларни ажратиб беради, коммуникатив компетенциянинг таълим моделини яратади

Сўнгги тадқиқотларда коммуникатив компетенциянинг таркибий қисмлари ҳисобланган лингвистик, ижтимоий-маданий компетенция [71; 220], лингвокультурологик компетенция [82; 198], социопрагматингвистик компетенция [61], миллий ва маданий компетенция [84] каби субкомпетенциялари бўйича ҳам фикр ва мулоҳазалар билдирилган.

XX асрнинг 90-йиллари бошларида Европа Кенгаши чет тилни ўзлаштиришда амалий мақсад сифатида тилдаги нутқ фаолиятининг барча турларини ўзлаштиришни ўз ичига олади ва уни етакчи сифатида белгилайди. Умуман олганда, инглиз тилини ўқитишнинг мақсади коммуникатив маҳорат ёки компетенцияда амалга оширилади. Чет тилларни билиш бўйича Европанинг умумий компетенцияси ўқувчиларнинг қуйидаги компетенцияларни ўзлаштириши орқали амалга оширилади: лингвистик, социолингвистик, дискурсив, стратегик, ижтимоий-маданий ва ижтимоий [15; 204]. Шундай қилиб, Европа Кенгаши чет тилни билиш даражасини ишлаб чиқишда социолингвистик компетенцияни коммуникатив компетенция таркибига киришини таъкидлайди.

2003 йилда Европа Кенгаши тилларга оид CEFR дастурини ишлаб чиқди, унда умумий ва коммуникатив тил компетенцияларни алоҳида қайд этиб ўтдилар. Коммуникатив тил компетенцияси лингвистик,

социолингвистик ва прагматик таркибий қисмлардан иборатлиги қайд этиб ўтилди.

Лингвистик компетенция тил ҳақида билимлар ва нутқ фаолияти турлари бўйича кўникма ва малакаларни эгаллашни назарда тутди.

Прагматик компетенция ўрганилаётган инглиз тилида коммуникатив вазиятда тушунмовчиликлар пайдо бўлганда такроран сўраш, узр сўраш каби мураккаб вазиятлардан чиқиб кета олиш қобилиятини назарда тутди. Прагматик компетенция деганда, гапирувчи ва гап орасидаги бўшлиқ устига қўйиладиган кўприк тушунилади. Тингловчи гапни эмас, балки гапирувчининг фикр ифодалаш учун сўзлардан фойдаланишдаги кўзлаган мақсади, нияти ва хоҳиш-истагини тушуниши лозим [127; 9]. Шунингдек, инглиз тилида ифодаланадиган фикрни адекват талқин этилишини таъминлаш учун зарурий лексик бирликлардан оқилона фойдалана олиш прагматик компетенция дейилади.

Кейинги йилларда тил коммуникациясининг прагматик жиҳати тадқиқотчилар эътиборини кўпроқ жалб этмоқда, тил белгиларидан амалий мақсадларда фойдаланишни ўргатиш масаласи кенг муҳокама этилмоқда. Тил белгилари ва улардан фойдаланадиган шахслар ўртасидаги прагматик муносабатлар шундан иборатки, бу белгилар, аниқроғи, уларнинг маънолари айна шахслар учун хушҳазм ва тушунарли бўлиши, уларни маълум даражада таъсирлантириши лозим [37; 211].

“Социолингвистика” термини ҳам жамият тараққиётининг ижтимоий талабларига кўра тилшунослик соҳасида пайдо бўлган. Ушбу атама 1952 йилда америкалик социолог олим Г.Карри (Currie 1952) томонидан фанга олиб кирилган. Тадқиқотчилардан В.И.Беликов ва Л.П.Крысинларнинг фикрига кўра социолингвистиканинг пайдо бўлиши XX аср бошларига бориб тақалади. Уларнинг фикрича, аср бошларида Франция, Россия, Чехияда илк бор тилнинг ижтимоий институтлар билан алоқаси масаласи лингвисткадан ажралмаган ҳолда тадқиқотчилар томонидан ўрганилган [28; 8].

Педагогик, психологик ва методик адабиётларда социалингвистика тушунчасига қатор тавсифлар берилган. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида “Социалингвистика латинча “Societas” сўзидан олинган бўлиб, тилшунослик, (жамиятшунослик)социология, ижтимоий психология ва этнография фанлари кесишмасида ривожланувчи, тилнинг ижтимоий табиати, унинг ижтимоий вазифалари ва омилларининг тилга таъсир кўрсатиш механизми ҳамда тилнинг жамият тараққиётида тутган ўрни билан боғлиқ кўплаб муаммолар мажмуини ўрганувчи илмий-назарий соҳа эканлиги таъкидланади” [14].

Тилшунослик атамалари луғатида “социалингвистика”га тилшуносликнинг тилни ижтимоий ҳол ва тараққиёт шароитларини ўрганувчи соҳаси деб тавсиф берилади [136; 93].

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “Социалингвистика - тилнинг ижтимоий табиати, унинг ижтимоий вазифалари, ижтимоий омилларининг тилга таъсир кўрсатиши ҳамда тилнинг жамият ҳаётидаги ўрни билан боғлиқ кўплаб муаммоларни ўрганувчи илмий-назарий соҳа” – деб таъкидланади [12; 557].

XX асрнинг биринчи ярмида таниқли олимлар И.А.Бодуэн де Куртене, Е.Д.Поливанов, Л.П.Якубинский, В.М.Жирмунский, Б.А.Ларин, А.М.Селищев, Г.О.Венокур, Ф.Брюно, А.Мейе, П.Лафарг, М.Коэн, Ш.Балл, А.Сашеэ, Ж.Вандриеслар томонидан социалингвистик компетенция масалалари ўрганилган ва тадқиқ қилинган.

Айниқса, чет тил ўргатишда социалингвистик компетенция (Н.В.Набатова, М.В.Леушкина, Е.А.Костина, Е.С.Нечаева, И.А.Исенко, Л.Ф.Зуева, И.А.Исенко), ижтимоий-маданий компетенция (С.Э.Чехова, С.В.Пахотина, Е.А.Костина, Л.А.Борходоева), методик компетенция (Ю.Ю.Ковалева), лингвистик компетенция (Н.И.Аршинова), маданиятлараро компетенция (Л.П.Павлова), маданий-ўлкашунослик компетенцияси (Н.А.Сухова), умуммаданий компетенция (Т.В.Ежова), матнларни аутентик ўқиш воситасида чет тилларни ўрганиш

(Н.В.Барышников), (Т.В.Ежова) каби масалалар илмий ва назарий жиҳатдан ўрганилган.

Ҳозирги пайтда социолингвистикада тил ва миллатнинг ўзаро алоқаси, тил ва маданиятнинг ўзаро алоқаси, билингвизм (икки тиллилик) ва кўптилилик (полиглоссия) шароитида тил ўргатиш масалалари эътибор қаратилиши лозим бўлган соҳалардан бири ҳисобланади [61].

Тадқиқотларда социолингвистик компетенция-мулоқотнинг мазмуни, характериға кўра тил шаклини танлаш ва ўзгартириш қобилиятидир деб таъриф берилади [54; 288]. Албатта мулоқот мазмуни шахснинг касби, ижтимоий ҳолати, дунёқараши, билим савияси, маълумотлилик даражасига ҳам боғлиқдир.

Социолингвистик компетенция, ижтимоий-маданий компетенцияни ўз ичига олиб, ўзи яшаётган мамлакатнинг урф-одатлари, қадриятлари, маросимлари ва бошқа миллий-маданий хусусиятларини билиш ҳамда тили ўрганилаётган мамлакат билан таққослаган ҳолда тақдим эта олиш қобилиятини кўзда тутати. Яъни мос коммуникатив вазиятда дискурс танлай олиш, юзага келган муаммонинг моҳиятини тушунтира олиш ва мижозга зарурият туғилганда розилик борасидаги хизматни тақдим қилувчи шахсга тушунтира билиш, тил шакллариини танлай билиш ва уларни нутқий мавзу бўйича коммуникатив вазиятлар доирасида социолингвистик матнга мувофиқ тарзда қўллаш ва ўзгартира олиш кабилардир. Шунингдек, социолингвистик компетенция тил эгаларида ҳайратланиш ёки аччиқланишни уйғотмайдиган, улар учун табиий, одатий саналган муомалада мулоқот қила олиш кабилар таҳлил қилиши ҳам кўрсатиб ўтилган. [48; 103-105]

Социолингвистик компетенция – ахборот соҳибини шакллантиришнинг асосий кўрсаткичи бўлиб, у шахснинг ўрганилаётган тилдан коммуникатив фаолият меъёрлари, ўзга лингвоэтномаданий қадриятлар ва ўзга тил дунёсининг миллий манзарасига уйғун тарзда фойдалана олиш компетентлигини назарда тутати [22; 177-182].

Социолингвистик компетенцияни маданиятлараро компетенцияга фикран боғлаш мумкин. Чунки социолингвистик компетенция деганда, кўпроқ таълим шароитида ўқувчиларни маданиятлараро ҳамкорликка тайёрлаш тушунилмоқда. Ўқувчиларга маданиятлараро мулоқотни ўргатиш биринчидан, хорижий тилдаги қоидаларни ўзлаштира олиш учун нутқий фаолият юритишга оид кўникма ва малакаларни шакллантириш, иккинчидан, турли маданиятга мансуб коммуникантлар билан учрашганда, уларнинг маданиятини тушунишлари учун суҳбатдошининг маданияти билан яқиндан таништириш орқали амалга оширилади [79; 248]. Чет тил ва ўзга маданият билан танишиш ўқувчиларнинг дунёкарашини, тил бойлигининг кенгайишига хизмат қилади [74; 21].

И.Л. Бим, В.В. Сафонова, П.В. Сысоев социолингвистик компетенция коммуникатив компетенциянинг таркибий қисми сифатида эътироф этадилар. И.Л. Бим ва В.В. Сафоновалар ижтимоий-маданий компетенцияни таркибига социолингвистик компетенцияни ҳам киритадилар ҳамда инглиз тилини ўқитишда ижтимоий-маданий ёндашувни асослаб берадилар [33;47]. Шундай қилиб, XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб, социолингвистик компетенцияга оид икки нуқтаи назар коммуникатив компетенциянинг бир қисми сифатида вужудга келган. Ғарбий Европа стандартининг муаллифларида автоном компонент сифатида социолингвистик компетенцияни ажратиб кўрсатишга бўлган умумий ёндашув устунлик қилади.

Ю.А.Синица фикрича: “Францияда социолингвистик компетенциянинг коммуникатив компетенциянинг таркибий қисми сифатида, уни лингвистик, социал-маданий ва дискурсив таълим, ижтимоий компетенциялар билан чамбарчас боғлиқ” деб таъкидлайди [115; 337].

Бизнинг фикримизча, ўқувчиларнинг ижтимоий-маданий компетенция доирасида тили ўрганилаётган мамлакат дунёсининг янги кўринишини ўрганган ҳолда, социолингвистик компетенцияни ривожлантириш жараёнида дунёнинг лингвистик манзарасини ўзлаштириши мумкин. Бундан ташқари,

ўрганилаётган инглиз тилини маданий кадриятлар тизимининг ўрганиш асосида, ўзига хос жамиятлар, ҳуқ-атвор моделлари шаклланади ва нутқ хатти-ҳаракатларининг стереотиплари ўрганилади, ўқувчиларнинг маданий, ижтимоий, касбий ва маърифий соҳаларида ўзга маданият вакиллари билан мулоқот жараёнига тайёрлаш, мамлакатимизнинг ривожланишига келажакда барча соҳаларда ҳисса қўшиши учун эътибор беришимиз лозим.

Коммуникатив компетенциянинг мустақил таркибий қисми сифатида социолингвистик компетенцияни мақсадли шакллантириш нафақат инглиз тилидаги нутқ фаолияти турларини ривожлантиришга, балки ўқувчиларнинг тарбияси ва шахс сифатида ривожланишига ҳам бевосита таъсир қилади.

А.А.Миролюбовнинг фикрига кўра социолингвистик компетенция бу нутқнинг махсус ўзгаришларидан, тили ўрганилаётган мамлакатга хос бўлган нутқ мулоқоти қоидаларидан фойдаланиш лаёқати бўлиб, ҳар бир тилда ўзига хос хусусиятларини, тил ва маданият ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ва маданиятдаги анъана ҳамда урф-одатлар таъсирини кўрсатади [88].

Ю.В.Манухина социолингвистик компетенциянинг хусусиятларини ўрганиб, контекстнинг асосий жиҳатларига қараб, социолингвистик компетенцияни шакллантирадиган, маданиятлараро мулоқотга имкон берадиган муайян билим, кўникма ва малакаларнинг умумийлигига эътиборни қаратади [84; 266].

М. Кенейл ва М. Свейнларнинг фикрига кўра, социолингвистик компетенция кўрсатилган ва қабул қилинган сўзларнинг бутун маъносини тегишли социолингвистик контекстда бошқаради, бу эса ўз навбатида мулоқот иштирокчиларининг мақоми, мулоқотлардаги мақсад, меъёр ва тамойиллар каби омилларга боғлиқ [147; 11-47].

Ю.А.Синица тадқиқотида у социолингвистик компетенция маълум бир лисоний воситалар эгаллашга ва ўз танловини танлаш қобилияти, мулоқот содир бўладиган контекстнинг асосий жиҳатлар, маълум бир жамиятнинг анъаналарига мос келадиган тилдан фойдаланишнинг умумий қабул қилинган қоидалари деб талқин қилади. Шунингдек, муайян мулоқот

ҳолатига қараб, коммуникатив мақсад ва ниятлар, мулоқотнинг асосий хусусиятлари, мавзуси ва жойи каби элементлар ҳар қандай мулоқот фаолиятини амалга оширишга ёрдам беради деган фикрни илгари суради [115; 337].

Шундай қилиб, Ю.А.Синица, Ю.В.Манухина ва М.Кенейл ва М.Свейнларнинг коммуникатив ҳаракатнинг социолингвистик контекстини шу тарзда изоҳлайдилар. Бироқ, М. Кенейл ва М. Свейн бу билан мулоқот иштирокчиларининг мақомини, мулоқот мақсадларини, мулоқотдаги меъёр ва тамойилларини асосий тушунча сифатида таъкидлайдилар. Ю.А.Синица контекст ҳодисасини маданиятлараро мулоқот контексти сифатида изоҳлайди.

Ю.В.Манухина ушбу концепцияда маълум бир жамиятда қабул қилинган оғзаки ва ижтимоий контекстларда тил бирликлари ва мулоқотнинг оғзаки бўлмаган таркибий қисмларидан фойдаланишнинг анъанавий қоидаларини таҳлил қилади (1.2.3 –жадвалга қаранг).

1.2.3-жадвал

Социолингвистик компетенция бўйича илмий-тадқиқотлардаги қарашлар

1.	С.Савиньон, М. Кенейл ва М. Свейн, А.А Миролюбов.	Инглиз тилидан фойдаланишнинг ижтимоий, ижтимоий-маданий қоидаларини билиш
2.	С.Савиньон, Э.В.Тихомирова, Н.Б.Ишханян, Э.Олштейн	Коммуникатив мақсадни, нутқий ҳаракатни амалга ошириш, тил соҳибига хос мулоқот жараёнига эришиш
3	Э.В.Тихомирова, М.Кенейл, М.Свейн, Н.Б.Ишханян	Инглиз тилида нутқни ташкил қилиш ва коммуникатив мулоқот техникаси қоидаларини билиш
4	Ю.А.Синица, Ю.В.Манухина, Е.В.Тихомирова, М. Кенейл, М.Свейн ва Е.Олштайн	Инглиз тилида мулоқот жараёнини тушиниш, мулоқотда иштирок этиш, фикрларини билдира олиш
5	С.Савиньон, М.Кенейл, М.Свейн, Ю.А.Синица ва Ю.В.Манухина	Сухбатдошларнинг нутқдаги ўзаро таъсири шароитида ижтимоий ролларини англаш ва нутқда қатнашиш
6	Ю.А.Синица, Н.Б.Ишханян, Ю.В.Манухина	Ўрганилаётган тил мамлакатининг ўзига хос ижтимоий-маданий меъёрларини билиш ва уларга амал қилиш
7	Э.В. Тихомирова	Муайян жамиятнинг муносабатига мувофиқ тинглаб тушинилган нарсаларни идрок этиш қобилиятидан фойдаланиш
8	Ю.В.Манухина	Мулоқотнинг оғзаки бўлмаган таркибий қисмларини ўзлаштириш ва мулоқотда қўллаш

Д.Хаймс ва унинг издошлари биринчилардан бўлиб социолингвистик компетенцияни алоҳида таркибий қисмга ажратишни тадқиқ қилинган. Ҳар қандай чет тилини ўрганишни бошлашдан олдин ўқувчиларнинг мумкин бўлган социолингвистик етуклиги ғояси, бу амалиётда ўқитувчилар томонидан трансференция сифатида ишлатилиши мумкин. Коммуникатив компетенциянинг турли туманлиги, унинг кўплаб таркибий қисмларни бирлаштирган мураккаб тузилиши, уларнинг ҳар бирига эгаллаш бир-бирининг маҳорат даражаси ва умуман олганда уни билиш даражасига таъсир кўрсатиши тушунамиз.

Социолингвистик компетенцияни коммуникатив компетенция таркибида кўриб чиқиш ўқув дастури ва дарслик муаллифларига ушбу ўқув таълим мақсадини изчил амалга ошириш зарурати туғдиради. Дарҳақиқат, тадқиқотчилар томонидан ўрта мактаблар учун инглиз тилидаги баъзи ўқув материалларини таҳлил қилиш бу муаммо мақсадга мувофиқ равишда ҳал қилинмаган ва унинг ечими социолингвистик компетенцияни шакллантириш бўйича машқ ва топшириқлар билан таъминланмаган. Бинобарин, социолингвистик компетенцияни шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган машқлар тизимининг йўқлиги ҳам мазкур тушунчани коммуникатив компетенциянинг қисми сифатида кўриб чиқилишига сабаб бўлди.

Умумий хулосаларга кўра, социолингвистик компетенция коммуникатив компетенциянинг бир қисми бўлиб, мустақиллиги, мулоқотнинг экстралингвистик омиллари ҳар доим мулоқотнинг оғзаки контекстига таъсир қилиши билан ҳам изоҳланади, чунки ҳар бир алоҳида коммуникатив ҳаракат ўзига хос суҳбатдошлар ўртасида, маълум бир тил ва шароитда сўзлашувчиларнинг коммуникатив мақсадларини амалга оширади.

Бундан ташқари, бошқа компетенция турлари орасида социолингвистик компетенцияни таъкидлашимизни сабаби, биз унга амалий инглиз тилидаги муваффақиятли мулоқот сифатида, таълимда бошқа маданият вакиллариغا нисбатан бағрикенглик, хулқ-атвор шакллари билан танишишда ўрганилаётган тил мамлакатига хос бўлган нутқ ҳатти-

ҳаракатларнинг услубларини ўрганишга ва умумий таълим мактабида инглиз тилини ўқитиш мақсадларини ишлаб чиқишга урғу беришни назарда тутди.

Социолингвистик компетенция сўзловчининг муайян, коммуникатив мақсад ва хоҳиш-истагидан келиб чиққан ҳолда керакли лингвистик шакл ҳамда ифода усулини танлаш имконини яратади [98; 104].

Хулоса қиладиган бўлсак, социолингвистик компетенция ижтимоий-маданий компетенцияни ўз ичига олиб, аутентик нутқнинг миллий хусусиятлари ҳисобланган ўзи яшаётган мамлакатнинг урф-одатлари, қадриятлари, маросимлари ва бошқа миллий-маданий хусусиятларни билиш ҳамда тили ўрганилаётган мамлакат билан таққослаган ҳолда ўргана олиш қобилиятини кўзда тутди.

Биринчи боб юзасидан хулосалар

Мазкур боб инглиз тили дарсларида юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини ривожлантириш назарияси ва амалиёти деб номланиб, унда ўрта умумтаълим мактаби юқори синфларида инглиз тили ўқитишнинг илмий-назарий масалалари ҳисобланган - “таълим шароити ва таълим мазмуни” тушунчаларининг илмий-методик тавсифи, юқори синф ўқувчиларининг инглиз тилида социолингвистик компетенциясини ривожлантиришнинг методик асослари масалаларига бағишланган.

Таълим шароитининг таркибий қисмлари ҳисобланган ўқув-тарбия муассасасининг тури (ўрта умумтаълим мактабларининг юқори синфлари 9-10-11-синфлар), ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари (ўспиринлик даври) ва тил ўрганувчининг шахс хусусиятлари (ёши ва умумий савияси - диққат, идрок, хотира, таффакур), тил тажрибаси (она тили (ТТ1), иккинчи тил (ТТ2), чет тил (ТТ3), ўқув режасида инглиз тили ўқув фанига ажратилган дарс соатлари, тил муҳити (дарсларда сунъий нутқий вазиятларни ҳосил қилиш) ҳамда синфдаги ўқувчилар сони каби методик тушунчалар ҳозирги замонавий талаблар асосида илмий нуқтаи назардан ўрганилган ва таҳлил қилинган.

Инглиз тили ўқитиш методикасида “ўқитиш мазмуни” тушунчаси ўқувчилар таълим жараёнида эгаллашлари зарур бўлган назарий билимларни,

амалий компетенция(кўникма ва малака)ларни, шунингдек, дунёқарашга доир ахлоқий-эстетик ғояларни ифодаловчи тушунчалар мажмуи сифатида талқин қилинади.

“Ўқитиш мазмуни” таркибан нутқ мавзулари (topics), нутқ компетенция (speech habits/competences)лари ҳамда тил материали(language material)дан иборатлиги тадқиқотда илмий асосланди.

Юқори синфларда инглиз тили ўқитишда “нутқ мавзулари” таълим мақсадларига асосланиб сараланади, унинг тақсимланиши таълимнинг амалий мақсадига мос тушиши лозим. Юқори синфларда чегараланган “All about me” (Ўқувчи теварак-атрофи), “Uzbekistan is my country” (Ватанимиз-Ўзбекистон) ва “English speaking countries” (Тили ўрганилаётган мамлакатлар) мавзулари тематик минимуми билан таъминланади.

Нутқ малакаларини “инглиз тилида нутқ фаолияти турларини эгаллаганлик даражасига қўйиладиган талаблар” деб қабул қилиш маъқулроқдир. Оғзаки нутқ бўйича монолог (monologue) ва диалог (dialogue), ўқиш (reading) ҳамда тинглаб тушуниш (listening) малакалари кўрсаткичлари ўқитиш методикасида батафсил ёритилган.

Кўникма ва малака ҳақидаги илмий-психологик таълимотни инглиз тили тили ўқитиш амалиётига татбиқ этганда нутқнинг лексик, грамматик, талаффуз кўникмаларини шакллантириш зарурлиги ва автоматлашган лисоний кўникмалардан нутқий малака ҳосил қилиш мумкинлигини эътироф этиш ўринлидир. Инглиз тилида гапириш ва ёзув репродуктив, ўқиш ва тинглаб тушуниш эса рецептив нутқ фаолияти турлари ҳисобланади.

Инглиз тили ўқитиш мазмуни, аввало, ўқув дастурларида ўз аксини топади, нималарга эришиш кераклигини, ўқувчилар нималарни гапиришлари, тинглаб тушунишлари, ўқиш-ёзишлари, уларнинг нутқий кўникма ва малакаларининг сифати, тилнинг лексик, грамматик ва талаффуз минимумини қай даражада ўзлаштириш лозимлиги ўқув дастурида кўрсатиб берилади.

Монографияда “компетенция”, “компетентлик” “коммуникатив

компетенция”, ва “социолингвистик компетенция” тушунчалари ҳам муаллифлик ёндашуви орқали илмий асосланган.

Компетенция латинча “compete” сўзидан олинган бўлиб, шахснинг муайян соҳада фаолият олиб бориши учун зарур бўладиган билим, кўникма, малака ва шахсий фазилатлар йиғиндисини ифодалайди. “Компетентлик” тушунчаси эса “ижтимоий–амалий вазифаларга мослик, шахс билим ва малакаларининг амалий нуқтаи назардан бажарилиши, мақсад ва вазифаларга лойиқлиги.

“Коммуникатив компетенция” терминига ўрганилаётган чет тил бўйича эгалланган билим, кўникма ва малакаларни мулоқот жараёнида қўллаш қобилияти, нутқий мулоқот учун зарур бўлган билим ва кўникмалар тизими мазмунида таъриф берилган.

“Социолингвистик компетенция” эса ўқувчиларни шакллантиришнинг асосий кўрсаткичи бўлиб, у шахснинг ўрганилаётган тилдан коммуникатив фаолият меъёрлари, ўзга лингвоэтномаданий қадриятлар ва ўзга тил дунёсининг миллий манзарасига уйғун тарзда фойдалана олиш компетентлигини назарда тутди.

“Социолингвистик компетенция” нутқнинг миллий хусусиятларини, ўзи яшаётган мамлакатнинг урф-одат, қадрият, маросим ва бошқа миллий-маданий хусусиятларини билиш ҳамда тили ўрганилаётган мамлакат билан таққослаган ҳолда тақдим эта олиш қобилиятини кўзда тутди.

II БОБ. ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ МАМЛАКАТШУНОСЛИККА ОИД МАТНЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

2.1-§. Ўқувчиларга инглиз тилида мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишни ўргатиш методикаси

Юқори синф ўқувчиларига инглиз тилини ўргатиш уларнинг лингвистик ва нутқий соҳаларга оид компетенцияларини ривожлантиришни кўзда тутди. Инглиз тили ўқитишда юқори синф ўқувчиларига мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишни ўргатиш зарурлиги давлат таълим стандарти ва ўқув дастурларида кўрсатиб ўтилган [2].

Ўқишнинг шахс тарбиясидаги ўрни беқиёс бўлиб, маънавий-маърифий озуқа олиш йўлидаги нутқий фаолият, ҳаракат туридир. Рецептив нутқ фаолияти тури ҳисобланган ўқишни ўргатишдан инглиз тилида умумтаълимий мақсад кўзда тутилади.

Ўқиш график коддаги ахборотни ундан бутунлай фарқ қиладиган товуш кодига ўтказиш жараёни, ҳарфий белгиларда ифодаланган ёзма нутқий ахборотни идрок этиш, унинг мазмунини тушуниш, ўзлаштиришга қаратилган нутқий фаолият туридир [89; 156].

Ўқиш мотиви мулоқот қилиш, мақсад эса ахборот/маълумот олишдир. Ўқишнинг инглиз тилидаги бундай мақоми ўқувчиларни унга нутқ фаолиятининг мустақил тури сифатида ёндашишга ундайди, унинг амалий аҳамиятини кучайтиради. Ўқишга нутқ фаолиятининг мустақил тури сифатида тўғри ёндашув унинг коммуникатив вазифасини аниқлашга ҳам ёрдам беради. Лекин ҳалигача инглиз тили ўқитувчилари орасида тилни амалий эгаллаш тушунчасини оғзаки нутқни ўрганиш деб қабул қилиш одатлари мавжуддир, яъни оғзаки нутққа оид компетенцияни ривожлантиришни – тилни амалий мақсадда эгаллаш деб тушунилади. Бундай нотўғри методик ёндашув инглиз тилида ўқишни амалиётдаги ролининг пасайишига оғзаки нутқни шакллантиришда восита сифатида қаралишига олиб келмоқда.

Тадқиқотчилардан М.Уэст, И.М.Берман, В.А.Бухбиндер, З.И.Клычникова, С.К.Фоломкина, Ж.Ж.Жалолов, Н.В.Барышникова ва М.Л.Вайсбурдлар ўқишни ўргатиш бўйича тил таълимшунослигида фундаментал илмий-тадқиқотлар олиб боришган. Мазкур тадқиқотларда инглиз тилида ўқиш нутқ фаолияти турини ўргатишнинг ўзига хос хусусиятлари, инглиз тилида ўқишни ўргатишни ахборотни ўзлаштиришдаги ўрни ва аҳамияти каби методик масалалар атрофлича ўрганилган, уларга доир қимматли фикрлар баён этилган [108; 210].

Инглиз тили ўқитиш методикасида ўқиш мақсад ва восита мақомларида ўргатилиши жорий дастурларда кўрсатиб ўтилган [2]. Ўқишни мақсад ва восита мақомларида ўргатишни тўғри талқин этиш учун унинг таълимнинг айрим босқич ҳамда ташкилий қисмларда тутган ўрнига тўхталиш жоиздир.

Ўрта мактабнинг бошланғич босқичи ҳисобланган 1-4-синфларда инглиз тилида ўқиш бошқа нутқ фаолияти турларини шакллантиришда восита вазифасини бажаради. Бошланғич босқичда асосий эътибор овоз чиқариб ўқишга қаратилади, аста-секин ичда овозсиз ўқиш тури ҳам ўргатиб борилади. Ичда ўқишга кўпроқ вақт ва куч сарфланиши методик жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. Овоз чиқариб ўқиш асосан ўрганилган тил бирликларини узоқ муддатли хотирада сақланиши учун фойдалидир. Инглиз тили таълимининг бошланғич босқичида – овоз чиқариб ва ичда (овозсиз) ўқиш турлари ўргатилади.

Юқори синфларда ўқишни ўргатиш тилни билиш/ўрганиш жараёни сифатида ташкил этилади, матн орқали ўқувчи билишга, ундан ўзи учун янги ва фойдали маълумотлар олиш учун ҳаракат қилади. Ахборот олиш билиш фаолиятини ҳаракатлантирувчи восита эканлиги ҳаммамизга маълумдир. Ўқиш фаолиятининг натижаси эса билишга олиб келувчи восита ҳисобланади. Албатта, ўқилган матн ахборотини ўзлаштириб олиш учун ўқувчи инглиз тилида ўқиш малакасини эгаллаган бўлиши талаб этилади. Ўқиш малакаси уч босқичли фаолият бўлиб, нутқ бирлигининг кўриш, уни

Ўқиш ва маъносини тушуниш босқичларидан ташкил топади. Учала босқични эгаллаш ўқиш компетенциясини ҳосил қилинганлигидан далолат беради [58; 230].

Ўқишга нутқ фаолиятининг мустақил тури сифатида ёндашув унинг амалий-коммуникатив вазифасини аниқлашга ёрдам беради. Юқори синфларда ўқув соатларининг чегараланганлиги, ўқув режасининг ўзига хослиги, тил табиий муҳитининг мавжуд эмаслиги, ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ҳар қандай инглиз тилидаги матнни ўқишга имкон бермайди. Шунинг учун амалиётда мазкур соҳада лозим бўлган мақсад ва вазифаларни тўғри аниқлаб олиш зарурдир. Бу эса инглиз тилида ўқиш фаолиятининг амалий жиҳатдан аҳамиятини кучайтиради. Ахборот олиш мақсадида ўқиш, аввало, амалий мақсад, иккинчидан, таълимий восита эканлиги назария ва амалиётда исботланган. Юқори синфларда ўқишдан ахборот олиш мақсадида унинг танишув, ўрганув, кузатув турлари ўргатилади.

Танишув ўқиш (fluently reading) инглизча матндан ўзи учун фойдали ва қизиқарли маълумотларни олиш ҳамда умумий мазмунини тушунишни назарда тутди. Танишув ўқишда инглизча матн мазмуни юзаки тушуниб ўқиш учун, умумий мазмунни ўқиш учун амалга оширилади. Мазкур ўқишда матн равон, жадал ва юзаки ўқилади. Ўқишнинг мазкур турида ахборотнинг 75 фоизигача тушунарли бўлиши лозим. Бундай матнларнинг ҳажми катта, тили равон бўлиши тавсия этилади.

Танишув ўқишни назорат қилишга қўйиладиган топшириқлар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: (1) матннинг асосий мазмунини баён этинг (Retell the main content of the text); (2) матннинг таянч сўзларини топинг (Find the key word and expressions of the text); (3) муаллиф хулосалари учун асос бўлиб хизмат қиладиган фактларни санаб ўтинг (Say the main facts); (4) матнда акс эттирилган ҳодисаларнинг қайсилари асосий, қайсилари иккинчи даражали эканлигини аниқланг (Find the main facts of the text) ва ҳ.к.

Ўрганув ўқиш (close reading) – матнни, жумладан, тилнинг ифодавий воситаларини ўрганиш, таҳлил қилишни назарда тутди. Ўрганув ўқиш матн

мазмунини мутолаа қилиш, матн мазмунидаги барча тавсилотларни ўрганиб олиш, ахборот/маълумотларни синчиклаб ўрганишни кўзда тутадиган ўқиш тури ҳисобланади. Ўқишнинг ушбу тури ўзлаштирилган ахборотни тўлиқ тушуниш ва кейинчилик уни қайтадан тиклашни тақозо этади. Тушуниш юқори даражага етказилади. Матннинг қийинчилик туғдирган, ўқувчи тушунмаган қисмларини такрор ўқиш мумкин. Ўрганув ўқиш аввал синфда, сўнгра уйда бажарилади. Тушунганликни текшириш усулларида бири сифатида таржимадан фойдаланилади. Одатда, матннинг қийинчилик туғдирадиган қисмларини таржима қилинади. Мазкур ўқишда матннинг хажми унчалик катта бўлмаслиги тавсия этилади. Матн қамровидаги ахборот синчиклаб ўрганилади. Ўрганув ўқишда ўқувчи матн мазмуни бўйича ўз муносабатини билдириши, танқидий фикрлаши, изоҳлай олиши, ахборотларни қиёсий таҳлил қила олиши лозим.

Кузатув ўқиш (Skimming reading) – матн мазмуни ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилишга қаратилган ўқиш туридир. Мазкур ўқиш турига таниқли методист М.Уэст “матн мазмунининг қаймоғини олиш”, “мушоҳадали, муайян мавзунини қидириб ўқиш” деб таъриф берган. Мазкур ўқишда ўқувчи кўпроқ сарлавҳа, кичик сарлавҳачалардан бошлаб, матнни тўлиқ ва тез ўқиб чиқиши талаб этилади. Кузатув ўқишда тил материалини таниш бўлиши, ўқувчи матндан муайян рақам, иқтибос каби ахборотларни қидириши талаб этилади. Кузатув ўқиш матндан қўйилган саволга жавоб топиш, ўқиш жараёнида ўзлаштирилган ахборотни кейинчалик, албатта, ишлатилиши лозим эканлигини тушунишга асосланган ўқиш туридир [16; 84].

Юқоридаги танишув, ўрганув ва танишув ўқиш турларидан юқори синф инглиз тили таълимида мамлакатшуносликка оид фойдали ахборотлар олишда кенг фойдаланилади.

Инглиз тилини амалий мақсадда эгаллаш нафақат ундан келгусида касбий фаолиятда фойдаланиш, балки ўқувчининг умумий маданияти, тафаккурини ривожланиб боришига имкон яратади. Бунинг учун инглиз тили

дарсларини самарадорлигини янада ошириш, ўқувчиларни тили ўрганилаётган мамлакатлар географияси, тарихи, иқтисоди ва сиёсий тузуми, адабиётига оид манбалардан мунтазам бохабар этиб боришни тақозо этади. Юқоридаги вазифалар ҳам инглиз тилида ўқишга ахборот олишда асосий восита сифатида қарашга ундайди.

Ҳаётда юқори синф ўқувчилари кўпроқ мамлакатшуносликка оид ахборотга бой ва қизиқарли матнларни ўқишга эҳтиёж сезадилар. Бироқ, бундай матнларни ўқиш оддий сўзлашув ёки бадиий услубдаги матнларни ўқишга қараганда анча мураккаброқ кечади. Бунинг сабаби мамлакатшуносликка оид матнларда расмий белгилар, жой номлари, географик атамаларнинг кўпроқ учрашидир. Ўқувчи бундай матнларни ўқиганда номаълум сўз маъноси контекстга таянган ҳолда аниқлай олса, таянч сўзларга суянган ҳолда матн асосида берилган топшириқларга жавоб қайтара олади.

Инглиз тили ўқитиш методикасида ўқишга мўлжалланган матн мазмунига қуйидаги талаблар қўйилади: 1) Матннинг тарбиявий аҳамиятига эътибор берилади. Инглиз тили ўргатиш мақсадларидан бири тарбиялашдир, жамият ахлоқ қоидаларини сингдириш, яъни маънавий тарбия беришга қаратилган матнлар танланади; 2) Ўқувчиларнинг ҳаётий билимларини ошириш, яъни дунёқарашини бойитишга хизмат қиладиган матнлар сараланади. Бу ўқувчини билиш фаолиятини ўстиришда муҳим шартлардандир. Ахборотга бой матнни ўқиш ўқувчида жозиба уйғотади. Чунки ўқувчи билишга ошиқади, билишга мойиллиги рағбатлантирилса, ушбу фанга унинг қизиқиши ошади; 3) Ўқишга тавсия этилган матн илмий воқеаликни объектив акс эттирадиган бўлиши талаб этилади; 4) Танланаётган матн ўқувчи ёшига мос тушиши лозим. Ўқувчи эҳтиёжини қондириш инглиз тилида нутқий фаолиятга ундашнинг муҳим чорасидир. Хуллас, матн мазмуни ўқувчининг маънавий савиясига мувофиқ бўлиши, билиш ва ҳиссий талабларига жавоб бериши керак [59; 432].

9-10-11-синфларда ўқиш бўйича қуйидаги дастурий талаблар қўйилади:

1. Юқори синф ўқувчиларининг ижтимоий-сиёсий билимларини чуқурлаштиришга қаратилган илмий-бадий ва ўқув соҳаларидаги матнларни ўқиш;

2. Ўқувчилар манфаатларидан келиб чиқиб, уларнинг умумий билимдонлигини ошириш учун хизмат қиладиган илмий-оммабоп характерга эга бўлган ахборотга бой илмий-оммабоп, бадий ва мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишга қаратилади.

3. Шу куннинг янгиликлари, олим ва ёшларнинг халқаро алоқаларини, янги ихтиро ва технологиялар, экологик масалалардаги маълумотларни ўзида акс эттирувчи ижтимоий-техникавий йўналишдаги матнларни ўқиш [2].

Шундай қилиб, юқори синфларда инглиз тили бўйича олиб бориладиган амалий ишларнинг асосини мамлакатшуносликка оид матнларни ўқиш ташкил этади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, инглиз тили ўрганишда асосий эътибор қўшимча, фойдали ахборот олиш учун ўқиш ва шу асосда лингвистик ҳамда нутқий компетенцияларни ривожлантиришни бош омилга айлантирилсагина, у ижобий натижа беради.

Хуллас, ўқиш амалий мақсаддан ташқари, умумтаълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларни рўёбга чиқишида ҳам катта роль ўйнайди. Бунда ўқувчиларнинг кузатувчанлиги ошади, уларнинг тил материали ва матн мазмунини анализ/синтез қилиш қобилиятлари такомиллашади. Овоз чиқариб ўқиш таллаффузни ўргатишда, тинглаб тушунишда муҳим босқич саналади. Бундан ташқари, ўқиш гапириш малакаларини шакллантиришда ҳам восита саналади. Ўқилган матнлар мазмуни бўйича савол-жавоб машқларини бажариш, ҳикоя қилиб бериш, суҳбат кабилардан кенг кўламда фойдаланилади. Ўқувчи ўқиш орқали гапиришга маълумот-материал тўплайди. Уларни инглизча гапириб беришга тайёрлайди.

Юқори синфларда инглиз тилидан ўқиш малакаларини эгаллаш, биринчидан, ўқувчиларни шу тилда нутқий мулоқот қилишга тайёрласа, иккинчидан, уларнинг тилга оид компетенциясини мукаммал эгаллашни, умумий савиясининг ўсишини таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса қиладиган бўлсак, юқори синфларда ўқишни ўргатишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудки, монографиямизда уларни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир:

1.Юқори синфларда ўқиш материали сифатида ижтимоий-маиший, бадий, сиёсий, маданий, ўқув-таълимий соҳаларга оид матнлар танланади.

2.Юқори синфлар инглиз тили таълимида ўқишнинг ўрни ва роли, унга қўйиладиган дастурий талаблар ўрта мактабнинг қуйи синфларидан юқорироқ - қийинроқ даражада бўлади. Юқори синфларда инглиз тилида ўқиладиган матнларнинг мураккаблик даражаси ортиб боради.

3.Инглиз тилида ўқиш ўқувчиларни шу тилда нутқий мулоқот қилиш, муайян соҳаларда ахборотлар олишни таъминлайди, уларнинг умумий савиясини оширади.

4.Ўқувчилар инглиз тилида тили ўрганилаётган мамлакатлар, балки мамлакатимиз ва дунё мамлакатлари ҳақидаги мамлакатшуносликка оид ахборотлардан мунтазам бохабар бўлиб борадилар.

5.Ўқиш бўйича мавзулар танлаш ўқувчиларнинг умумий савияси ва ўқитиш босқичларига боғлиқ бўлади, инглиз тилида ўқишни ўргатиш амалий мақсад ва таълимий восита сифатида талқин қилинади.

2.2-§. Инглиз тили ўқитиш жараёнида мамлакатшуносликка оид матнларни танлаш ва тузишга қўйиладиган замонавий талаблар

Замонавий тараққиёт асрида фан ва техниканинг ривожланиши, халқаро алоқаларни кенгайтириши, янги дунёвий ахборотларни олиш имконини янада кенгайтирмоқда. Шу сабабли инсоният оламида инглиз тилини билишга ва унда нутқий мулоқот воситаси сифатида фойдаланишга бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда [11].

Айни дамда, “инглиз тили” ўқув предмети ўрнига “инглиз тили ва маданиятини” ўргатиш ўқув предмети таълим дастурида ўз аксини топганлиги юқоридаги бобда таъкидлаб ўтилди. Бундан кўриниб турибдики, юқори синфларда инглиз тили ўқитишдан асосий мақсад тили ўрганилаётган

мамлакатлар тарихи, маданияти ва урф-одатлари каби материаллар билан ўрта умумтаълим мактаби ўқувчиларини яқиндан таништириш, миллатлараро ахборот алмашиш, халқлар ўртасида маданиятлараро мулоқотни ўрнатишдир.

Юқори синфларда инглиз тили ўқитишда замон билан ҳамнафас қизиқарли ва ахборотларга бой мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишни ўргатиш - ўқувчиларнинг умумий дунёкарашини кенгайтиришга, инглиз тилига оид коммуникатив компетенция ҳисобланган тилнинг гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзув турларини ривожланишига, уларнинг диққат, хотира, идрок ва мантикий тафаккур каби психологик қобилиятларини шаклланишига имкон яратади. Бунда юқори синф инглиз тили дарсликларида берилган мамлакатшуносликка оид матнлардан фойдаланишнинг ўрни бекиёсдир.

Ҳозирда инглиз тили ўқитиш методикасида тилнинг мамлакатшунослик, лингвомамлакатшунослик ва лингвокультурология (лингвомаданиятшунослик) соҳалари кенг ўрганилган масалалардан биридир.

Инглиз тилининг “мамлакатшунослик асослари” деганда – тили ўрганилаётган мамлакатнинг тарихи, географияси, иқтисоди ва бошқа соҳалари тўғрисидаги материаллар билан юқори синф ўқувчиларини таништириш тушунилади. Инглиз тилининг мамлакатшунослик соҳаси тил фактларини ўзида тўлиқ қамраб олувчи экстралингвистик ахборотларни таҳлил қилишга қаратилган [65; 180].

“Лингвомамлакатшунослик” деганда – инглиз тили ёрдамида ўқувчиларга тили ўрганилаётган мамлакатнинг миллий тили ва маданиятини ўргатиш ва уларни табиий мулоқотга тайёрлаш орқали ахборот алмашиш малакаларини ривожлантиришни назарда тутади. Унинг мамлакатшуносликдан фарқи шундаки, лингвомамлакатшунослик бир томондан тили ўрганилаётган мамлакатнинг нафақат тарихи, давлат тузилиши, шу билан бирга миллий-маданияти ҳақидаги ахборотларни берса, иккинчи томондан матнларни ўқиш жараёнида тилдаги миллий ўзига хос

сўзлар бўлган - реалиялар, муқобилсиз тил бирликлари, фразеология, афористика каби материалларни таржима қила олиш, нутқ маданиятидан нуткий мулоқотда фойдаланишга ўргатади [53; 180].

Лингвомамлакатшуносликнинг объекти тил ва нутқ бирликларидан иборат бўлиб, тил ва маданият муаммолари билан монографиячилардан Е.М.Верещагин ва В.Г.Костомаровлар [40] томонидан ўрганилган. Г.Д.Томахин [126; 333] тадқиқотларида миллат ва маданият масаласи тадқиқ қилинган.

Тадқиқотлардаги лингвокультурология тушунчаси эса маданият, миллат, миллий маданият, тил, миллий тил, менталитет тушунчаларини ўзаро бир-бирига боғлайдиган соҳа ҳисобланади.

Лингвокультурология – лингвистика ва маданиятшунослик ўртасида вужудга келган янги мустақил фан сифатида халқлар маданиятининг вужудга келиш тарихи, унинг тилда акс этиш жиҳатларини ўрганади [129; 145]. Тадқиқотларда лингвокультурологиянинг ривожланишини иккита даврга бўлиш мумкин. Биринчи давр лингвокультурологиянинг фан сифатида вужудга келиш ва ривожланиш даври. Бу асосан В.Гумбольдт, Я.Гримм, А.А.Потебня, Э.Сэпир тадқиқотларида ўз аксини топган. Иккинчи давр лингвокультурологиянинг мустақил фан сифатида ривожланишидир. Тадқиқотларда “Лингвокуль-турология” термини биринчи бор В.В.Воробьев, В.Н.Телия ва В.А.Маслова каби олимларнинг илмий ишларида қайд этилганлигини кузатиш мумкин [53;120].

Ҳозирда лингвокультурологиянинг қуйидаги йўналишлари вужудга келганлиги ва ривожланганлигини тадқиқотларда кузатиш мумкин:

1.Ижтимоий гуруҳлар, халқлар маданиятига доир материалларни лингвокультурологик вазиятларини тадқиқ қилиш (В.Гумбольд, А.А.Потебня, Э.Сепир, А.Вежбицкая, В.Н.Телия);

2.Қиёсий лингвокультурология. Бу соҳа энди ривожланиб келаётган соҳалардан биридир. Ҳозирги кунга келиб қиёсий лингвокультурология

В.А.Маслова, В.Н.Теля, С.Г.Тер-Минасова, Д.Ў.Ҳошимовалар илмий ишларда кўришимиз мумкин.

3.Диахроник лингвокультурология халқларнинг лингвомаданий ҳолатининг давр ўтиши билан ривожланишини ўрганади (Н.Д.Арутюнова, Э.Бенвенист, Ю. С. Степанов) [82; 195].

Лингвокультурологиянинг тадқиқот объектлари каторига қуйидагиларни киритиш мумкин: 1) лингвомамлакатшунослик лингвокультурологиянинг бир қисми бўлиб, у муқобилсиз лексика ва хос сўзлар (реалия); 2) мифология, урф-одат, анъана, маросимлар; 3) метафора ва тилнинг тасвирий ва образли воситалари; 4) нутқ маданияти ва нутқ одоби кабилар (В.Воробьев, В.Маслова) [129; 145].

Юқорида биз инглиз тилининг мамлакатшунослик, лингвомамлакатшунослик ва лингвокультурология соҳалари бўйича қисқача фикр ва мулоҳазаларимизни билдирдик.

Эндиги монографияимиздаги масалалардан бири юқори синфларда инглиз тилида ўқиш учун қандай мавзулардаги мамлакатшуносликка оид матнлар танланиши лозим деган методик масаладир. Маълумки, ўқиш учун берилган инглиз тилидаги нутқ мавзулари инглиз тили ўқитиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда танланади.

Нутқ мавзулари инглиз тили ўқитиш методикасида ҳозиргача мукамал ўрганилмаган ва тадқиқ қилинмаган соҳалардан биридир. Шунга қарамай, умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари учун ўқув дастурларида инглиз тилида тегишли мавзулар тизими тавсия этилган.

Чет тил ўқув дастури талабларига кўра юқори синф ўқувчиларидан ижтимоий-маиший, бадий, сиёсий, маданий, ўқув-таълимий соҳаларида мулоқот қилиш малакаларини эгаллаш талаб этилади [2]. Мулоқот қилиш нафақат оғзаки нутқ гапириш ва тинглаб тушунишда балки ёзма нутқнинг таркибий қисмлари ҳисобланган ўқиш ва ёзув фаолиятларида ҳам амалга ошиши мумкин. Оғзаки нутқ фаолияти ҳисобланган гапириш ва тинглаб тушуниш учун мавзулар асосан уч ном билан юритилади: (1) Ўқувчи

теварак-атрофи (About myself), (2) Ватанимиз-Ўзбекистон (Uzbekistan is my country), (3) Тили ўрганилаётган мамлакатлар (English Speaking Countries) мавзулари.

Юқоридаги уч турдаги мавзулар ўз ичига қуйидаги кичик мавзуларни қамраб олади:

Time (Вақт) - Соат (hours), ҳафта кунлари (days of week), ойлар (months), сана (dates), йил фасллари (seasons).

Family (Оила) - Таржимаи ҳол (About myself), оила аъзолари (family members), қариндошлик муносабатлари (Relatives), оила яшайдиган уй (My home/house).

Nature (Табиат ҳодисалари) - Об-ҳаво (Temperature), йилнинг тўрт фасли (seasons of the year), табиатнинг асосий ҳодисалари (Nature).

Independent of Uzbekistan (Мустақил Ўзбекистон) - Миллий рамзлар (National symbols): Ўзбекистон герби (Emblem of Uzbekistan), мадҳияси (Anthem), байроғи (flag), Мустақиллик куни (Independence day), Конституция (Constitution Day), Давлат тизими (State Structure)

The life of English Speaking countries (Инглиззабон мамлакатлар ҳаёти) - Инглиззабон мамлакатлар (English speaking countries). Буюк Британия (Great Britain), АҚШ (The USA), Канада (Canada), Австралия (Australia).

Food (Озиқ-овқат) - Овқат турлари (Food), озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш (food shopping), уйда ва ошхонада овқатланиш (Eating at home/office), овқат тайёрлаш (making food).

Home/house (Турар-жой) - Хонадон (Home), ҳовли, (house), хоналар (rooms), уй жиҳозлари (furnitures).

Clothes (Кийим-бош) - Кийим-бош турлари (types of Clothes) ва уларни харид қилиш (Clothes Shopping)

Town/city/village/country (Шаҳар, қишлоқ, шаҳар чети мавзуси бўйича) - Менинг қишлоғим ёки шаҳрим (my village/town/city). Шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари (sightseeing of town/city).

Hobby (Қизиқишлар) - Қизиқишлар (Hobby). Дўстлик (friendship)

Holidays (Байрамлар) - Мамлакатимизда ва инглиззабон мамлакатлардаги байрамлар (Holidays in Uzbekistan and English Speaking countries). Мустақиллик куни (Independence day), Билимлар куни (Knowledge Day), Ўқитувчилар байрами (Teacher's day), Янги йил (New Year), Наврўз байрами (Navruz), Хотира ва Қадрлаш куни (Memory day) ва ҳ. к.

Geography (Географияга оид мавзулар) - Ўзбекистон Республикаси пойтахти ва шаҳарлари (Capital and cities of Uzbekistan), Инглиззабон мамлакатлар пойтахти, уларнинг диққатга сазовор жойлари (Capital and sightseeing of English Speaking countries). Шаҳар транспорти (Transport of Cities)

Travelling (Саёҳатга бориш) - Саёҳат қилиш воситалари (Автобус, поезд, денгиз порти, аэропорт (Traveling by bus/train/sea plane/air).

Sport (Спорт) - Мамлакатимиз ва инглиззабон мамлакатларда спорт (Sports in Uzbekistan and English Speaking Countries). Спорт мусобақалари (Sport Competitions). Саломатлик ва спорт (Health and sport).

Ўрта мактабларда синфдан-синфга ўтган сари инглиз тилида берилган мавзулар доираси кенгайиб боради, чунки нутқ мавзулари мазмуни чуқурлашади ва тил материалининг ҳажми миқдоран ортиб боради.

Мулоқот доирасини белгиловчи нутқий мавзуларда ватанимиз ва инглиззабон мамлакатлар ҳақидаги маътериалларни қиёсий тарзда ўрганиб борилишига эришилади. Масалан, 1.Family: Uzbekistan, Great Britain and the USA (Оила: Ўзбекистон, Буюк Британия ва АҚШда), 2. (Independence: Uzbekistan and the USA (Мустақиллик: Ўзбекистонда (1 сентябр) ва АҚШда (4 июль ва ҳ.к.).

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, юқори синфларда мамлакатшуносликка оид матнларни “тузиш ва танлаш” чет тил ўқитиш методикасидаги долзарб масалалардан бири саналади. Ўрта умумтаълим мактабларининг юқори синфларида, академик лицей ҳамда касб-хунар коллежларида мамлакатшуносликка оид матнларни ўқиш асосий дастурий

талаблардан бири эканлиги ҳамда инглиз тили ўқитишда амалий мақсад мақомига эга эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Методик тадқиқотларни ўрганиш матн “тузиш ва танлаш” тушунчалари ўртасида фарқлар мавжудлигини кўрсатади. Монографиямизда матнларни тузиш ва танлаш методик фаолияти бўйича қисқача тўхталиб ўтамыз.

Методик тадқиқотларда “тузиш” методик тушунчасининг маъновий доираси бугунги кунда турли-туман тортишувларга сабаб бўлмоқда. “Тузиш” тушунчаси инглиз тилида гапириш ва тинглаб тушуниш фаолиятларида ўрганилган тил материали асосида оғзаки нутқ мавзулари доирасида ўқитувчи ёки дарслик муаллифлари томонидан тузилган матнларга тааллуқли бўлади. Шу муносабат билан методикада “тузилган” ва “танланган” матн тушунчалари бир-биридан фарқланади. Ҳар иккала турдаги матнлар ҳам инглиз тили ўқитишда ўқиш учун материал вазифасини ўтайди[57].

Инглиз тили дарсликларидан ўрин олган матнлар аутентик хусусиятга эга бўлмаганлигини ҳисобга олиб, юқори синф ўқувчиларига инглиз тилида матнларни танлаб, уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш ўқитишда зарурий тадбирдир.

Методик адабиётларда “танлаш” деганда, матн мазмунини ёзувчи томонидан шакллантирилган, тил ва ҳажм жиҳатидан инглиз тили ўқитувчиси ёки дарслик муаллифи томонидан юқори синф шароитига мослаштирган матнларни саралаш жараёни ва маҳсули тушунилади. Аслиятдаги матн ёки унинг адаптация қилинган нусхаси инглиз тили дарсликларида ўқиш учун тавсия этилади.

Маълумки, инглиз тилида ўқилган матн мазмунини ролларга кириб ижро этиш, матндаги қаҳрамонлар фикрини ўз сўзлари билан баён этиш мустақил фикрлашга ва ўз фикрини эркин ифодалай олишга ундайди. Шу боис, ўқиш таълим-тарбиянинг муҳим воситаси ҳисобланади. Инглиз тилида мамлакатшуносликка оид матнларни танлашда қуйидаги методик талабларга

амал қилинади: (1) танланган мамлакатшуносликка оид матнлар ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мос келиши; (2) ўқувчиларга тавсия этилаётган матнлар умумий савияни шакллантиришга хизмат қилиши; (3) матнларда тили ўрганилаётган мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий тузилиши, миллий маданияти, урф-одати тўғрисидаги маълумотлар ўз аксини топганлиги; (4) матнларни танлашда илмий-публицистик услубда бўлишига эътибор бериш лозим бўлади.

Мамлакатшуносликка оид матнлар танлашда ўзбек тили ва тили ўрганилаётган мамлакатнинг маданий меъёрлар (саломлашиш, хайрлашиш, маълумот алмашиш, таклиф бериш, конференцияларда нутқ сўзлаш) ва “танлаш манбаи”, “танлаш мезонлари”, “танлаш бирлиги каби методик тушунчаларни ҳисобга олиниши методикага оид адабиётларда тадқиқ қилинган. Танлаш манбаини аниқлашда тил материали актив ва пасив минимумларга ажратилади. Тилни актив билиш деганда, барча асосий нутқ фаолияти турлари ҳисобланган – оғзаки ва ёзма нутқни мукамал билишни назарда тутди. Тилни пасив билиш эса оғзаки ва ёзма матнни тушуна олишни кўрсатади.

Танлаш мезонлари деганда, матннинг қийматини аниқлашда кўмаклашадиган ўлчов ва кўрсаткичлар тушунилади. Инглиз тили дарсликларида ўқиш учун тавсия этилган матнларни танлашда қуйидаги методик мезонларни асос бўлиши тадқиқотларда ўрганилган: ҳисоб-китоб мезонлари, методик мезонлар, тилшунослик мезонлари [98; 102].

Ҳисоб-китоб мезонида сўзларнинг матнда кўп қўлланиши ва кенг тарқалганлик хусусиятлари ҳисобга олинади. Методик мезонларда нутқ мавзулари ва инглиз тили ўқитиш мақсадлари ҳисобга олинади. Маълумки, юқори синфларда инглиз тили ўқитишдан мақсад – ижтимоий-маиший, сиёсий, бадиий, ўқув-таълимий матнларни ўқиш ҳамда дастур доирасида оғзаки нутқ малакаларини шакллантиришдан иборатдир. Мазкур ўқув юрти нутқ мавзулари ва ўқитиш мақсадлари инглиз тили ўқитишда лексик бирликларни танлашда асос вазифасини ўтайди.

Матнларни танлашнинг тилшунослик мезонида эса матнлардаги сўзларнинг бирикиши, сўз ясаш имконияти, кўп маънолилиқ, услуб жиҳатдан чегараланмаганлик, синонимларни чегаралаш (яккалаш) ва гап тузишдаги иштироки кабилар асос қилиб олинади.

Бирикиш мезонига кўра матнларда танланган сўз бошқалари билан имкони борица кўпроқ бирикмага кириша олиши, сўз ясаш мезонида улардан кўпроқ янги бирликлар ясалиши кўзда тутилади.


Услубда чегараланмаганлик деганда, матнларда нутқ фаолиятининг барча турлари ва турли мавзуларда ишлатиладиган сўзларни танлаш мезони тушунилади. Танлаш бирлиги тушунчасига ҳам тегишли методик талаблар қўйилади: 1.Танлаш бирлиги мезонлар ва танлаш манбаига мос тушиши. 2.Матнлар методик мезонлар асосида ажратиб олиниши лозим. Инглиз тили ўқитишда мамлакатшуносликка оид матнларни танлаш мезонлари 2.2.1 жадвалда ўз аксини топган.

Шунингдек, юқори синф ўқувчилари учун инглиз тилида мамлакатшуносликка оид танланган матнлар миллий маданиятимиз ва қадриятларимиз билан хорижий маданият ўртасидаги ўзаро меъёрлар сақланган ҳолда танланиши керак. Инглиз тили дарсликларида берилган мамлакатшуносликка оид матнларни қийинчилик даражасига ҳам бир қанча методик талаблар ҳам қўйилади. Улар қуйидагилар:

Биринчидан, мамлакатшуносликка оид матнлардаги тил материали дастурий ўқув минимумига мувофиқ бўлиши, матнларни тузишда лексик, грамматик ва талаффуз қоидаларининг тегишли синфлар бўйича методик тақсимооти ҳисобга олиниши лозим.

Иккинчидан, юқори синф ўқувчилари ўзлаштирган тил бирликлари заминида ўқиш учун матнлар тавсия қилинади. Матнларни ўқиш олдидан ундаги юзага келадиган лингвистик қийинчиликларнинг бартараф этишга доир зарурий методик тадбирлар ишлаб чиқилади.

2.2.1-жадвал



Учинчидан, матн тилининг услубий томонига қўйиладиган талабларга кўра ҳозирги замон адабий тили меъёрлари сақланиши керак.

Тўртинчидан, юқори синф ўқувчиларига инглиз тилида мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишни ўргатиш амалий, умумтаълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларни кўзда тутди (2.2.1-расмга қаранг).



2.2.1-расм. Чет тили ўқитишнинг мақсадлари

Инглиз тили ўқув дастурига киритилган мамлакатшуносликка оид матнлар жаҳонда рўй бераётган ўзгаришлар таъсирида бўлмай иложи йўқ. Кун сайин ўзгариб, янгиланиб бораётган сиёсат, иқтисод, маданиятни тинимсиз ўзгариб бориши, замон талабларидан келиб чиқиб, ёш авлодни тарбиялаш мақсадида инглиз тили дарсларида ахборот воситаси бўлмиш мамлакатшуносликка оид матнлар ўқишни ўргатиш, ўқувчини дунё ҳамжамиятидаги янгиликларда бохабар бўлиб бориши ҳамда жаҳон маданияти билан танишиш имкониятини беради. Юқори синфларда инглиз тилини ўргатишдан мақсад – ўрганилаётган тилдан фикр алмашиш воситаси сифатида фойдаланиш малакаларини ривожлантириш, ўқувчиларни билиш фаоллигини ошириш, уларда лингвистик ва нутқий компетенцияларни ривожлантиришдан иборатдир. Барча кўзланган мақсадлар ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, таълим жараёнида бир-бирини тақозо этади.

Инглиз тили ўқитиш методикасида амалий мақсад юзасидан мавжуд талқинларда ҳам тадқиқотчиларнинг фикри турличалигини кузатиш мумкин. Баъзи методистлар амалий мақсад тушунчаси ихтисос талаби ёки тил ўрганувчининг қизиқишига қараб, тилни касбий даражага етарли бўлмаган ҳолатда эгаллаш маъносида тушунадилар [111; 191, 87; 9].

Нутқ фаолиятининг асосий - гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзув турларини ўрганиш, нутқ фаолиятининг барча турларини билиш деб талқин қилувчиларни кузатиш мумкин [91; 73]. Бошқа методистларга кўра инглиз тили амалий мақсадини чет тилда гапириш, тинглаб тушуниш (оғзаки нутқ), ўқиш ва ёзув турлари(ёзма нутқ)ни ўргатиш деб тушунувчилар ҳам мавжуд [20;36;120;103].

Баъзи тадқиқотчилар амалий мақсад тушунчасини чет тилда оғзаки ва ёзма шаклда фикр баён этиш ҳамда ўзгалар фикрини тушуниш деб эътироф этганлар [59]. Хатто, амалий мақсад тушунчасини тили ўрганилаётган халқ маданиятини ўргатиш деб қаровчи методистлар ҳам мавжуд [101; 543].

Юқори синф ўқувчиларига инглиз тили ўргатишдан кўзда тутилган якуний амалий мақсад эса – ўқиш, гапириш, тинглаб тушуниш ва ёзув каби нутқий компетенцияларини ривожлантиришдан иборатдир. Қисқаси, инглиз тилини амалий мақсадда ўрганиш ушбу тил ёрдамида керакли ахборотни олиш ва бошқаларга етказиш маъносини билдиради. Инглиз тилини амалий эгаллаш, ўзгалар нутқини тушуниш ва ўз фикрини баён этишдир. Якуний амалий мақсад ҳисобланган ўқиш учун берилган мамлакатшуносликка оид матнлар ўқувчиларни билим савиясини ошириши, уларни тарбиялаши ҳамда ривожлантириш учун хизмат қилиши лозим.

Инглиз тилида амалий мақсад - мулоқот орқали таълим, тарбия ва ўқувчи шахсини ривожлантиришда асос ҳамда шароит вазифасини ўтайди. Мазкур вазифалар инглиз тили ўқитишни ушбу мақсадга бўйсундиришни тақозо этади.

Умумтаълимий ўқув предмети ҳисобланмиш инглиз тили ҳам бошқа фанлар қатори таълим ва тарбия бериш ҳамда ўқувчиларни ҳар томонлама ривожлантиришда ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшади. Юқори синф ўқувчилари инглиз тилини умумтаълимий мақсадда ўрганар эканлар, улар икки турдаги - (1) тил ҳақидаги янги билим ва маълумотларни ўрганади, (2) тил воситасида олинadиган ҳаётий ва дунёни билишга оид кундалик ахборотларни ўзлаштирадилар.

Юқори синфларда тил ҳақидаги қоидалар, тил бирликлари ва матнлар мазмунини билиш инглиз тилида умумтаълим олиш ҳисобланади. Умумтаълимий жиҳатдан инглиз тилини амалий билиш чоғида рўёбга чиқади. Ўқувчининг ҳаётий билимини ошириш, яъни дунёқарашини бойитишга хизмат қиладиган матнлар сараланади. Бу ўқувчининг билиш фаолиятини ўстиришда муҳим шартлардандир. Аниқ маълумотларни акс

этирувчи мамлакатшуносликка оид матнларни ўқиш умумий таълим олишнинг ажралмас қисмидир. Ахборотга бой матнни ўқиш ҳар қандай кишида жозиба уйғотиши муқаррар. Чунки инсон боласи билишга ошиқади. Билишга мойиллиги рағбатлантирилса, ушбу ўқув предметида унинг қизиқиши ошади.

Биринчи турдаги маълумотлар сирасига инглиз тили материали ҳисобланган лексика, грамматика ва талаффуз материални билиш билан боғлиқ қоида ҳамда тушунчалар киради. Инглиз тили ўрганиш жараёнида қўлланадиган бирликлар, янги ҳодисалар юқори синф ўқувчилари учун қизиқарли бўлиб, уларнинг тил тажрибасини бойитади.

Иккинчи турдаги маълумотлар - ҳаётий ва дунёни билишга оид кундалик ахборотлар инглизча мамлакатшуносликка оид матнларда ўз аксини топади. Улар Ўқувчи теварак-атрофи (About myself), Ватанимиз - Ўзбекистон (Geographical position of Uzbekistan, History of Uzbekistan ва ҳ.к.) ва тили ўрганилаётган мамлакатлар (Great Britain, Political system of the USA, Holidays of the USA and Great Britain, etc.) каби мавзудаги матнларда берилишини кузатишимиз мумкин. Юқоридаги мамлакатшуносликка оид матнларни ўқиш, биринчидан, ўқувчиларнинг умумий билимларини, мазкур мамлакатлар маданияти, санъати, тарихи, адабиёти, урф-одатлари, анъаналари каби янги маълумотлар билан бойитса, иккинчидан, инглиз тилида ижтимоий-сиёсий ва илмий-оммабоп мавзуларидаги мамлакатшуносликка оид матнларни ўқиш ўқувчиларнинг дунёни билишга оид билимларини янада бойитишга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Инглиз тилида умумтаълимий мақсад тилни амалий эгаллаш чоғида рўёбга чиқади.

Инглиз тилида мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишни ўргатиш, биринчидан, газета, журнал, китоб ва интернет материалларидаги маълумот, ахборот ва билимларни ўқиб тушунишга имкон берса, иккинчидан, чет тилда тўғри, саводли гапириш ва ёзишга ёрдамлашади.

Монографиядаги навбатдаги мақсад инглиз тили ўқитишнинг тарбиявий мақсади ҳисобланади. Инглиз тили ўқитиш жараёнида ўқувчиларда интизом, маъсулият билан ўз ишига, мамлакат равнақи йўлида садоқат билан меҳнат қилиш туйғуларини камол топтириш ҳам талаб этилади.

Ўқувчиларга ғоявий-сиёсий тарбия бериш, уларда ақлий меҳнат кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш, шунингдек, ўқувчиларни билиш фаоллигини ошириш тарбиявий мақсадга қисқача таърифдир[97; 450].

Ҳозирги куннинг асосий мақсади – ҳар томонлама ривожланган, комил инсонни тарбиялаш ўрта умумтаълим мактаби таълими концепциясида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилгандир. Тарбиявий мақсадга эришишга инглиз тили фани ҳам муносиб ҳисса қўшади [5].

Тарбиявий мақсад инглиз тили предметининг тарбиявий аҳамияти билан ифодаланади. Ўрта мактабларда ўқувчилар инглиз тилидан лингвистик ва нутқий компетенцияларни эгаллаб бориш жараёнида уларда меҳнатга муҳаббат, меҳнат аҳлига ҳурмат, Она Ватан ифтихори, дўстлик, ўртоқлик туйғулари камол топади, шу билан бирга, ахлоқий, эстетик, байналмилал тарбия беришни кўзда тутди.

Инглиз тили дарсларида ўқувчиларни инглиззабон мамлакатлар халқларнинг миллий маданияти, анъаналари, урф-одатларини ифода этувчи матнлар ёрдамида инглиз маданияти билан яқиндан таништириб борилди. Маълумки, юқори синф инглиз тили таълимида ижтимоий-маиший, бадий, сиёсий, маданий, ўқув-таълимий мавзуларга оид матнлар ўқиш учун берилади ҳамда улардан олинadиган маълумотлар ўқувчи тарбиясига бевосита дахлдор ва фойдали бўлиши талаб этилади [52; 176].

Мактаб ўқувчиларининг Ватанимизнинг машҳур кишилари (Outstanding people of Uzbekistan: Amir Temur, Khoja Ahmad Yassawi, Bahouddin Naqshband, Alisher Navoi ва б.), давлатимиз раҳматлари, тарихий обидалари, маданияти, санъати, тарихи, урф-одат ва анъаналарини ўзида акс эттирган инглиз тилидаги матнлар (Symbols of Uzbekistan: National anthem,

flag, state emblem of Uzbekistan, Famous cities of Uzbekistan: Samarkand, Bukhara, Khiva, Tashkent va б.)ни ўқиши уларда Она Ватан ифтихори, ўз юрти ва аجدодлари билан фахрланиш туйғуларини камол топишига кўмаклашади.

Бундан ташқари, инглиз тилини ўқитишда тарбиявий мақсад тили ўрганилаётган халқлар нутқий муомала маданияти, ахлоқи, турмуш тарзи кабиларни ўрганиш орқали ҳам амалга оширилади.

Юқори синфлар инглиз тили таълимида ўқувчилар таълим-тарбиясига муносиб эътибор берилиб, юқоридаги мақсадларга эришиш орқали ўқувчиларнинг шахси шаклланади, ривожлантирувчи мақсадга эришилади.

Ривожлантирувчи мақсад инглиз тилини ўрганиш жараёнида ўқувчилар дунёқарашининг кенгайиб бориши билан белгиланади. Инглиз тилини ўрганиш ўқувчилар мантиқий тафаккури ҳисобланган - фикрлаш, фаҳмлаш, таҳлил, умумлаштириш каби психик қобилиятларни ўстиради, мустақил ишлаш малакаларини ривожлантиради.

Инглиз тили ўқитишда ўқувчиларнинг ақлий савиясини қуйидан юқorigа кўтариш, ақлий жиҳатдан равнақ топтириш, мазмунан юксалтириш, ижобий маънода ақлан янада улғайишини таъминлаш, ўқувчиларнинг ҳис-туйғуларини камол топтириш, ташқи таъсирни сезгилар ва анализаторлар ёрдамида идрок этиб тушунишни равнақ топтиришни назарда тутувчи ривожлантирувчи мақсаддир [59; 364].

Ривожлантирувчи мақсад тил материалларини таҳлил қилиш, умумлаштириш, хулосалар чиқариш, сўзлар маъносини мустақил фаҳмлаш малакаларини ўстиришда намоён бўлади. Демакки, инглиз тили ўқитишда ўқувчилар савиясини қуйидан юқorigа кўтариш, ақлий жиҳатдан равнақ топтириш, мазмунан юксалтириш, ақлан янада улғайишини таъминлаш ушбу мақсаднинг рўёбга чиқишидан кўзланадиган биринчи вазифадир. Иккинчи вазифа, инглиз тили ўрганишда ўқувчиларнинг ҳис-туйғуларини камол топтириш, ташқи таъсирни сезгилар ва анализаторлар ёрдамида идрок этиб тушунишни равнақ топтиришни назарда тутати. Учинчидан,

ривожлантирувчи мақсад фаолият кўрсатиш, таълим олишга бўлган ички туртки(мотивация)ни кучайтиришни тақозо этади.

Хулоса қиладиган бўлсак, юқори синфларда мамлакатшуносликка оид матнларни ўқиш инглиз тилини амалий, умумтаълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларини юзага чиқишида восита вазифасини бажаради (2.2.2-жадвалга қаранг).

2.2.2-жадвал

Мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишнинг амалий, умумтаълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари

№	Матнларни ўқишнинг амалий мақсади	Матнларни ўқишнинг умумтаълимий мақсади	Матнларнинг ўқишнинг тарбиявий мақсади	Матнларни ўқишнинг ривожлантирувчи мақсади
1	инглиз тилида мулоқот қилиш (ахборот олиш ёки бериш), нутқ фаолиятининг - гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзув турларини ўрганиш	матнлар мамлакатшуносликка доир қизиқарли ва фойдали ахборотларга бой бўлиши лозим	матнлар ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мос келиши лозим	Нутқий компетенциялар - гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзув турларини ривожлантириш учун хизмат қилиши лозим
2	иختисос талаби ёки тил ўрганувчининг қизиқишига қараб, тилни касбий даражага етарли бўлмаган ҳолатда эгаллаш	Инглиз тилидаги матн ўқувчилар ҳаёт тажрибасига яқин бўлиши керак.	матнлар ўқувчиларнинг маънавий савиясини шакллантиришга хизмат қилиши керак	Матнларни ўқитишда таълим шароити ва имкониятлари мавжуд бўлиши лозим

Юқори синфларда мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишни ўргатиш ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишларини оширади, инглиз тилда ўқувчилар келгусида танлайдиган касблари бўйича яқин ва узоқ хориж мамлакатларида юз бераётган сўнги ўзгаришлар ҳақида маълумот оладилар. Ватанимиз ва инглиззабон мамлакатлар тарихи, ҳозирги кунги ҳаёти ва келажаги ҳақидаги ахборотларга эга бўладилар, сўнги янгиликлардан хабардор бўладилар. Бу ўз навбатида юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини ривожланишига туртки бўлади.

2.3-§. Юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишни ўргатиш асосида ривожлантириш технологияси

Ҳар бир чет тил фани ўқитувчисидан таълим-тарбия жараёнида замонавий ахборот ва педагогик технологияларини қўллаш бўйича изланишни, доимий равишда ўз устида ишлашни талаб этади. Инглиз тили ўқитувчиси таълим бериш жараёнида мунтазам ижодкор бўлиши, замонавий ўқитиш технологияларини ўрганиб бориши лозим. Шунинг таъкидлаш жоизки, инглиз тили дарсларида қўлланаётган дарслик ва қўлланмалардаги машқ ҳамда топшириқлар юқори синф ўқувчилари учун етарли даражада эмаслиги, ўқитувчининг инглиз тили дарсларида етарли даражада замонавий педагогик технологиялардан фойдаланмаслиги ўқув жараёнига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Натижада, ўқувчининг инглиз тилидаги лингвистик ва нутқий компетенцияларини ривожлантириш жуда қийин кечмоқда [126;9].

Айнан шу мақсадда, биз тадқиқотимиз жараёнида юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишни ўргатиш орқали ривожлантиришга доир инглизча машқ ва топшириқлар мажмуи тилнинг номинатив, коммуникатив ва куммулятив функциясидан фойдаланиш орқали такомиллаштирдик. Тилнинг номинатив функцияси борлиқдаги нарсаларни номлаш бўлса, коммуникатив - мулоқотни амалга ошириш, куммулятив эса миллий-маданий меъёрларни сақлаган ҳолда мулоқот жараёнини амалга оширишдир. Мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишни ўргатишга доир инглизча машқ ва топшириқларда замонавий педагогик технологиялар қўлланилган..

Замонавий педагогик технологиялар таълим самарадорлигини оширувчи, шу билан бирга, ўқувчининг фаоллигини таъминловчи воситадир. Бундай усуллар дарс сифатини оширади, ўқувчиларни матнлар мазмуни орқали суҳбат қуришга ундайди, инглиз тилидаги нотаниш сўз ва ибораларни пухта ўзлаштиришда ёрдам беради, уни жонли ва қизиқарли бўлишини таъминлайди.

Ҳозирги пайтда инглиз тили ўқитиш методикасида хилма-хил ноанъанавий усуллардан фойдаланилмоқда. Уларга турли-туман ролли ўйинлар, компьютердаги инглиз тили ўқув машғулоти, матн мазмунини тез ўзлаштиришга ёрдам берадиган усул ва стратегиялар, оғзаки нутқни ўстиришга йўналтирилган қизиқарли машқлар, тез айтишлар шулар жумласидандир. Инглиз тилида мамлакатшуносликка оид матнлар ўқитиш жараёнида “case study”, инсерт, кластер, зигзаг, аклий ҳужум, муаммони ҳал этиш каби замонавий педагогик технологиялар асосида дарс ўтилганда, ўқувчининг тилга бўлган қизиқиши янада ортишига сабаб бўлади.

Инглиз тили ўқитувчисидан таълим жараёнида “case study”, ҳамкорликда ўқитиш, кичик гуруҳларда мунозара, “амалий ўйин” каби замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиши инглиз таълими самарадорлигини оширувчи мезонлардан биридир. Инглиз тили дарсларида замонавий ахборот технологиялари, электрон таълим ресурслари, мультимедия тақдиротлари, медиа-технологиялар, замонавий ўқув услубий материаллар, аудиовизуал воситалардан унумли фойдаланиши юқори синф ўқувчиларининг инглиз тили ўрганишга бўлган қизиқишларини ортиши ва ўқувчилар билиш фаолигини ўсишига туртки бўлади.

Монографиямизда инглиз тилида матнлар, жумладан мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишда қўл келадиган ва яхши самара берадиган замонавий педагогик технологиялар ҳақида тўхталиб ўтишни жоиз деб топдик.

Улардан бири “Инсерт” стратегиясидир. “Инсерт” стратегияси – (инглизча - “Interactive noting system effective reading thinking”) – таълимда кенг қўлланилаётган ўқув стратегияси бўлиб, матнни ўқиш самарадорлигини оширишда яхши самара берадиган инновацион тизимдир.

Инсерт методи – матнни ўқиб идрок этиш жараёнидаги тўрт таркибий қисмдан иборат бўлади. Унда матн ҳошияларига қуйидагиларни билдирувчи белгилар қўйиб чиқилади ва шу белгилар асосида жадвал тузилади:

1. Ўқувчи томонидан идрок этилаётган материал (ўқилаётган матн) унинг билганларига мослиги; 2. Ўқилаётган матн ўқувчининг билганларига зидлиги (ёки ўқувчи “буни биламан”, деб ўйлайди); 3) Ўқилаётган матн ўқувчи учун янгилик эканлиги; 4) Ўтилаётган матн тушунарсиз ёки шу масала юзасидан ўқувчи батафсилроқ маълумот олмоқчи эканлиги [16].

Жадвалда қайси белги кўпроқ бўлса, ўқитувчи ўқувчилар билан ўша йўналишда кўпроқ ишлаши лозим. Ўқув материални матн ўқиш орқали ўзлаштиришга йўналтирилган мазкур метод ўқувчиларнинг матн билан ишлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади, уларда фаол ўқиш малакаларини таркиб топтиради, мавжуд билимларни мантиқий такомиллаштириб боришга ўргатади.

Инсерт жадвали мустақил ўқиш жараёнида олинадиган маълумотларни бир тизимга келтиришга имконият беради. Олдиндан олинган маълумотни янгиси билан ўзаро боғлаш қобилиятини шакллантиришга имкон беради. Ўқувчилар жадвал таркиби ва уни тўлдириш қондаси билан танишишади ва уни шахсан уни расмийлаштиришади.

Матнни белгилаш тизими:

(В) – мен билган нарсани тасдиқлайди.

(+) – янги маълумот.

(-) – мен билган нарсага зид.

(?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур. [105]

Ушбу усулдан фойдаланишда ўқитувчи ўқувчининг ўзлаштириш даражасини қуйидаги топшириқлар орқали назорат қилиши ва баҳолаб бориши мумкин: қисқа жавобни кўзда тутувчи саволлар бериш; қиёсий таҳлил топшириқлари; матндаги бўш жойларни калитда келтирилган муқобил сўзлар билан тўлдириш; жадвал, крассворд, диаграммаларни тўлдириш; матнга амуқобил сарлавҳа танлаш; чалкаш берилган сўзлар, гапларни мантиқий кетма-кетликда жойлаштириш; сўзларда берилган орфографик ва имловий хатоларни аниқлаш; сўзлар ва ибораларнинг ўз ва кўчма маъноларини, синоним, антоним ва омонимларини топиш.

“Инсерт” методида юқори синф ўқувчилари гуруҳларга бўлинади, гуруҳлар номланади. Ўқитувчи ҳар бир гуруҳ ўқувчиларидан мавзуга оид иккитадан фикр билдиришларини сўрайди. Гуруҳлар навбати билан фикр билдиради. Баён этилган фикрлар ёзув тахтасига ёзиб борилади. Фаолият якунлангач, ўқитувчи мавзунинг ёритишга хизмат қилувчи матнни ўқувчиларга тарқатади. Матнда шундай топшириқ берилган бўлади: а) матн билан инглизча танишиб чиқинг; б) матннинг бир қаторига Z, S, D, ? белгиларни қўйиб чиқинг.

Z – матнда гуруҳлар томонидан билдирилган фикр ўз аксини топган бўлса;

S – матнда гуруҳлар томонидан билдирилмаган фикр ёритилган бўлса;

D – матнда бир-бирига зид фикрлар мавжуд бўлса;

? – матн билан танишиш жараёнида тушунмовчиликлар юзага келса.

Сўнгра гуруҳ аъзолари шахсий қарашларини ўзаро ўртоқлашади, гуруҳ белгисининг миқдори баён этилади ва изоҳланади. Ўқитувчи гуруҳлар томонидан қайд этилган сонларни уларнинг номлари ёзилган устунга ёзиб боради. Ҳар бир гуруҳ етакчиси фикрини тугатгач, юзага келган қарама-қаршилик ва тушунмовчиликларни ўқувчилар томонидан тўғри ҳал этиш ҳамда тушуниб олишларига ёрдам беради.

Инглиз тили дарсларида ижобий самара берадиган усуллардан яна бири “Синквейн” усули ҳисобланади. У 5 қатор сўзлардан иборат бўлиб, сон жиҳатдан ҳар бир қатор битта сўз билан кўпайиб боради. Сўз ўрганилаётган матннинг асосий негизини, муҳим қоидаларини, бош ғоясини тўлиқ қамраб олмағи лозим.

Ўрганилган матннинг мазмун ва моҳиятини бир нечта сўзлар билан баён қилади. Синквейнлар дарс жараёнида ёки уйда бажарилиши, шунингдек, ўқувчилар гуруҳи ёки якка тартибда ҳам ташкил этилиши мумкин. Синквейн усули тилларни ўрганишда қуйидагича бўлиши мумкин:

1-қатор-матн мавзуси (битта отдан иборат); 2-қатор-предметнинг ифодаси (иккита сифат) 3- қатор-матндаги ҳаракат ифодаси (учта феъл); 4-

қатор-мавзу предметига муносабатни билдирувчи 4 та сўз; 5-қатор-мавзу моҳиятини кенгайтирувчи, тўлдирувчи ва умумлаштирувчи 1 та синоним сўз.

Масалан: Uzbekistan sovereign independent country (Ўзбекистон-суверен мустақил давлат)мавзуси бўйича синквейн қуйидагича тузилиши мумкин:

Юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини ривожлантириш самарадорлиги таълим жараёнини инновацион таълим технологиялари асосида ташкил этишни талаб этади. Тажрибали инглиз тили ўқитувчиларнинг дарсларни кузатиш “Танлов” методи, “The half class lecture” (ярим гуруҳ маърузаси) техникаси, “Cubing” техникаси, “Drama” (оғзаки нутқни ривожлантирувчи) техникаси, “Concept Mapping” техникаси, “Трамп” режаси, “Пинг-понг” атамашунослик стратегияси, маҳорат дарслари, MOODLE платформасида яратилган дарс ишланмалари, тренинг технологияси, “Жадаллаштирилган таълим” технологияси, “Консенсус ва конфронтация” каби умумдидактик интерфаол методлар сифатида қўлланаётганлигини кузатиш мумкин.

Монографиямизда матн билан ишлашни методикада маълум матнолди, матнни ўқиш жараёни ва матндан кейинги босқичлар доирасида ўргандик. Матнолди ва матндан кейинги босқичларда фаолиятнинг интерактив шаклидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ [151; 68].

Матнолди машқлари асосий билимларни фаоллаштиради, ўқувчиларни ахборотни идрок этишга тайёрлайди, диққатни ва фикрлаш фаоллигини оширади. Ўқувчиларни ҳаёлан ўзлари тасаввур этган фаолият, прагматик матн муҳитига олиб киради. Инглиз тили дарсларида ўқувчилар ўзаро ҳамкорлик қилиш, ўзларини қулай ҳис этиш, эркин фикр алмашиш малакаларини эгаллайди. Бу эса антиципация қобилиятини ривожлантиради. Кейинги фаолиятга қулай шароит яратиш учун матнолди босқичидаги барча йўл-йўриқлар ижобий бўлиши керак, бу ўқув фаолиятининг ижобий муҳитни яратади. Жамоавий фикрлаш давомида «бирга ишлаш кўникмалари» юзага келади, бу интеллектуал қийинчиликларни енгишга кўмаклашади [150].

Матнолди босқичида ўқувчига тадқиқотчилик роли берилади. Ўқувчилар инглизча матнни ўқишда дуч келадиган муаммоларга кенгрок ёндашишнинг турли усулларида фойдаланишни таклиф этилади: 1. Ўқувчиларда инглизча матн қизиқиш уйғотиши лозим; 2. Уларга кейинги фаолият учун «фикрлаш харитаси», коммуникатив ёки ижтимоий вазиятда кутилаётган ўзгаришларга тайёрлайди, уларни ўқувчи бугунги ва аввалги тажрибаси билан солиштиради; 3. Бир муаммонинг бир неча ечимини кўриб чиқиш имконига эга бўлади; 4. Ўқувчини машқ бажариш жараёнида атрофдагиларни фикрлашини кузатиб, назорат қилиб боради; 5. Кейинги ахборотларга эътибор қаратади.

Биринчи матн олди босқичи мазмунини «My family» мавзуси билан ишлаш мисолида кўрсатиб бермоқчимиз. Ўқувчиларга шарҳлаш учун тавсия этилган мавзуларга қараб, уларга таниш бўлган кишиларни тасаввур этадилар: ўз қизчаси билан ўйнаётган ота, болаларига китоб ўқиб бераётган амаки, фарзандлари билан бирор масалани муҳокама қилаётган ота-оналар. Демак, ўқувчилар мавжуд одамлар, ота-оналар ва болаларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида гапиради. (Talk about the parents and children.). Кейинги топшириқда ўқувчиларга яхши ота-она бўлиш учун зарур ҳислатлар ҳақида фикр ёзиш таклиф этилади (Make a list of the things parents should do to be good).

Матнолди босқичининг таклиф этилган мазмунли компоненти анъанавийсидан шуниси билан фарқ қиладики, унда реал ҳаётий, баъзида тўлқинлантирадиган ва жиддий, баъзида қизиқарли, матндаги кейинги ахборот билан боғлиқ бўлган муаммо муҳокама этилади. Бу босқичда анъанавий тарзда талаффуз, грамматик ва лексик қийинчиликларни бартараф этилиши керак.

Матн билан ишлаш босқичи. “Юқоридан қуйига” тамойили бўйича тушунишнинг моделидан фойдаланиб, ахборотни тушуниш механизмларини келтириб ўтамиз. Матнолди фаолияти ўз моҳиятига кўра ситуатив ахборот ёки контекстуал мақсадни кўзда тутди, мамлакатшуносликка оид матнларни


ўқишни ўргатиб, нутқий фаолиятга билиш характери бахш этишга, нутқий қийинчиликларни бартараф этиш, когнитив маъно яширинган лингвомамлакатшунослик бирликларини, маданий маълумотларни тушуниш малакасини ривожлантиришга, энг асосийси, мамлакатшуносликка оид матнларни мақсадга мувофиқ танлаб, инглиз тилига нисбатан муҳаббат уйғотишга интилдик[16; 65].

Монографиямиз давомида, матнни ўқиб тушуниш босқичида Б.Блум томонидан яратилган “Савол ва топшириқларни лойиҳалаш ғилдираги” деб номланган усулдан фойдаландик. Унинг характерли хусусияти ўқувчини фикрлашга ўргатишга қаратилган бўлиб, юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини ривожлантиришда ижтимоий характердаги матнни билиши, тушуниши, таҳлил қилиши, умумлаштириши ва баҳолаш босқичларини амалга оширишдан иборатдир[105; 62].

Билиш – матн мазмунида олға сурилган ижтимоий ғояларнинг таълим-тарбиявий аҳамиятини билиш ҳисобланади. Тушуниш эса – олдин ўзлаштирилган билимлар билан янги билимлар ўртасидаги тафовутни англаш, тушуниш демакдир. Таҳлил қилиш – янги маълумотларни қисмларга ажратиш, уларнинг ўзаро боғлиқлигини тушуниш. Умумлаштириш – матнни ижодий давом эттириш, ҳаётий воқеалар билан тўлдириш, тартибга солишни назарда тутати. Баҳолаш – матнни тўғри баҳолай олиш учун матн мазмунини таълимий-тарбиявий аҳамиятини тўла тушуниб етиш ва тўғри хулоса чиқариш. (2.3.1-расмга қаранг).

Ушбу усулнинг афзаллик томонлари қуйидагилардан иборат:

1. Ўқувчиларни мантиқий, танқидий ва ижодий фикрлашга ундаш, дарс жараёнида ўрганилаётган матнни ўқишга қўйилган талаблар ҳисобланган - таълимий-тарбиявий ғояларни ажрата олиш, билиш, англаш, уларни ўз ҳаётларига татбиқ этиш;
2. Хулосалар чиқариш, ижодий ҳикоя қилиб бериш ва баҳолашни интеграллашган уйғун ҳолда олиб бориш имконини беради;
3. Кичик гуруҳларда ишлаш орқали жамоавий хулосалар чиқариш;
4. Ўқувчилар ўртасида соғлом рақобатни вужудга келтириш имконини беради.



2.3.1-расм. Савол ва топшириқларни лойиҳаси ғилдирағи

Матн билан ишлашнинг учинчи босқичида қуйидаги ўзига хос машқлар бажарилади: 1. Монолог ёки диалогда ушбу матн ва олдин ўтилган материаллардан фойдаланиб, гапириш машқ қилинади. 2. Янги ўқув нутқий вазият бўйича матндан фойдаланиб унинг мазмунини гапириш. 3. Диалог машқларини бажариш.

Матн хусусиятига кўра қуйидаги тушунганликни текшириш машқлари бажарилди:

1. **“Scanning”** машқлари-матндан кейинги фойдаланиш учун ўзига хос конкрет ахборотни топиш.


2. **“Finding the facts”** - кейинчалик ўз нуқтаи назарини асослашда қўлланадиган ўзига хос фактларни топиш.

3. **“Comprehension”** - фикрларни мазмунли хусусиятига кўра танлаш - бу ахборотларни бир йўналишли қайта ишлаш, изчил когнитив амалларни бажариш.

4. **“Making Differences”** машқи матнни ўқиб чиққандан кейин бажарилади. Бунда ахборотни қайта ишлашда ўқувчининг бир йўналишдаги фикрлаши амалга оширилади, бу эса фикрлаш мантиғига, вербал хотира ривожланишига кўмаклашади.

Инглиз тилида матнни ўқиш ва тушуниш билан боғлиқ яна бир технология ҳақида гапириб ўтиш мумкин.

1. “Кластер” методи (Cluster” technique). Ушбу метод хорижий мамлакатларда кенг татбиқ қилинган метод тури бўлиб, айнан инглиз тили ўқитишда кўп қўлланилади. Ушбу методдан матнни ўқиш жараёнида дуч келадиган кенг маънодаги жумлаларнинг мазмунини аниқлашда самарали натижа беради (2.3.2-расмга қаранг).



2.3.2-расм. “Кластер” технологияси (“Cluster” technique)

Юқори синф ўқувчиларининг матндан кейинги машқларни бажаришда “Икки қисмли кундалик” инновацион педагогик услубидан фойдаланиш самарали натижа беради. Ушбу услуб ўқувчига ўрганилаётган мавзунинг моҳиятини тадқиқ этиш, ўқилган мавзунинг мазмунини ўз дунёқараши, ҳаётий тажрибалари асосида бойитилган ҳолда ёзма ифодалаш имконини беради. Ушбу услубнинг қўлланиш тартиби қуйидагича бўлади: Услубни қўллашдан мақсад ўқувчиларда ўрганилаётган социолингвистик мавзудаги матннинг моҳиятига онгли равишда ижодий қизиқишини ўстиришдан иборат бўлади. Матнни ўқиб бўлгач ёзув дафтарини вертикал тарзда икки қисмга бўлиш тавсия этилади. Чап томонга ўқувчида қизиқиш уйғотган матнда берилган муаллифнинг ижобий ёки салбий фикрлари ва ғояларидан иборат фикрлар ёзиш талаб қилинади. Ўнг томонга эса ўқувчилардан матндан кўчириб олинган фикрларга ўзларининг нуқтаи назарларини асослаб ёзишлари сўралади.

Кейинги босқичда ҳар бир ўқувчи ўзи бажарган топшириқни навбат билан ўқийди ва гапириб беради. Синф ўқувчилари томонидан саволлар ҳам берилиши мумкин, жавоблар тўлдирилиши ҳамда чиқиш қилувчи ўқувчининг ушбу цитата юзасидан ўзининг ёзма вариантыни тақдим этиши ҳам керак.

Шунингдек, ўқувчилар кичик гуруҳларга бўлиниб, гуруҳдошларидан эшитганларини ўзаро муҳокама қилишлари, жавобларнинг тўғри ёки нотўғрилигини, маъқул ёки номаъқул жиҳатларини асослаган ҳолда ҳамкорларини баҳолашлари лозим.

Монографиямиз жараёнида матн билан ишлашнинг тайёрлов, ўқиб тушуниш, матндан кейинги босқичларидан сўнг ўқиш кўникмасини бошқа нуқт фаолият турлари гапириш ва тинглаш орқали текшириладиган машқларни ишлаб чиқдик.

Тадқиқотларда тинглаб тушунишга мўлжалланган машқлар системаси мақсадга кўра махсус ва махсус бўлмаган машқларга бўлинади. Махсус бўлмаган машқларда тинглаб тушуниш йўл-йўлакай ўргатилади. Масалан: 1.

Дарс бошланишидаги нутқий вазият тингланади. 2.Сўз маъносини очиш чоғида муаллим гапларини эшитади 3. Ўқувчиларнинг суҳбат чоғида бир-бирларини тинглашади.

Юқори синф ўқувчиларининг ўқиш кўникмасини тинглашнинг махсус машқларидан фойдаланиб текширдик. 1.Устундаги сўзларни эшитиш ва такрорлаш; 2.Таниш ўзаклардан янги сўзларни тинглаш ва таржима қилиш; 3.Тайёр жумлаларни тинглаш ва қандай нутқий вазиятларда айтиб бериш; 4.Матнни тинглаб, ёзма шаклдаги бўш қолдирилган жойларни тўлдириш; 5.Икки-учта қисқа жумлаларни тинглаш ва улардан гап тузиб айтиш; 6.Матнни тинглаш ва шарҳлаб бериш;

Демак, ўқиш кўникмасини тинглаб тушуниш орқали текширилганда ўқувчиларда қуйидаги кўникмалар ҳосил бўлади: 1.Матн мавзусини билиш; 2.Иштирокчиларни билиш; 3. Матнни қисқача баён қилиш; 4. Асосий ғояни билиш; 5. Тингланган мазмунга баҳо бериш.

Ўқувчилар ўқиган матн ҳақидаги фикрларини оғзаки шаклда монолог ёки диалогда ифодалаш мумкин. Монологда ўқувчилар шахсий ҳаёт тажрибасини ишга солиб, фикр мулоҳазаларини изчил баён қиладилар, ўз муносабатини билдирадилар. Диалогда эса суҳбатдошлар турли хабарларни бир-бирларига етказадилар, фикрларини исботлайди, танқидий ёндашадилар ва суҳбатдошни ишонтира олишлари керак бўлади.

Тайёрланган диалог ўргатиш машқларига: 1.Саволларга жавоб қайтариш; 2.Турли саволлар бериш; 3.Мавзу бўйича диалог тузиш; 4. Монолог шаклидаги матнни ўқиб, диалога айлантириш.

Тайёрланмаган диалог ўргатиш машқларига: 1.Саволларга асосли жавоб қайтариш; 2.Бошқа ўқувчилар ҳам аралашиб турадиган диалог яратиш; 3.Савол-жавоб ўйини (викторина) ўтказиш; 4.Мунозара ва тортишув шаклидаги диалог ўтказиш.

Тайёрланмаган гапириш машқларининг тайёрланганлардан фарқи шундаки, биринчидан, уларда нутқий эҳтиёжни қондиришга мўлжалланган янги ахборот мавжуд, иккинчидан, ахборот алмашиш, мустақил фикр баён

этиш, муносабат билдириш, баҳолаш, изоҳлаш каби фаолият турлари мавжуд.

Нутқ фаолиятининг гапириш турида асосан “Баҳс – мунозара” усули самарали натижа беради. “Баҳс – мунозара” усул машғулотларда аниқ муаммо бўйича фикр алмашиш, муҳокама шаклида амалга оширилиши билан тавсифланади.

Бу усулда қуйидагилар назарда тутилади:

- Матн юзасидан саволларга чуқур ўйлаб кўриб, уларни моҳиятини тушунишни таъминлаш;
- Ўқувчилар далиллар ва уларга асосланган хулосалар орасидаги фарқни тушуниб етишга ўргатиш;
- Ўзаро фикр алмашинув кўникмаларини шакллантириш;
- Ўқувчиларнинг шахсий фикрида мустаҳкам туришига ва уни ҳимоя қилишига ўргатиш;

Қуйидаги юқори синф дарсликларида берилган мамлакатшуносликка оид матнларни ўқиш ва уларни тушунганликни турли замонавий педагогик технологияларни қўлаш орқали текшириб кўрдик.


Muhammad Al-Khwarizm

Algebra, algorithm, quadratic equation, sine function just some of the terms which would not be known to us but for Al-Khwarizmi, an astronomer, geographer and founder several branches and basic concepts of mathematics. The terms Algebra and Algorithm are familiar to all of us but how many have heard of their originator Muhammad Al-Khwarizm. In Geography he revised and corrected Ptolomey's view and produced the first map of known world in 830 CE. He worked on measuring the volume and circumference of the earth, and contributed to work related to clocks, sundials and astrolabels. His full name is Abu Abdallah Muhammad ibn Musa Al-Khwarizm. The last- mentioned name (his nisba) refers to this birthplace, Khwarizm , south the Aral Sea. He was born around 780 in the town of Kath part of Khwarizm. Kath is now buried in the sand. He died around 850. He was summoned to Baghdad by Caliph Al-Ma'mun and appointed court

astronomer. From the title of his work, Hisab Al-Jabr wal Muqabalah (Book of Calculations, Restoration and Reduction), Algebra (Al-Jabr) derived its name.

Al-Khwarizm emphasized that he had written his algebra book to serve the practical needs of the people concerning the matters of inheritance, legacies, partition, law suits and commerce. He considered his work as worship to God.

Инглиз тилида ўқувчиларнинг матни тушунганлигини “Cluster” технологияси орқали текшириб кўрдик (2.3.3-расмга қаранг).



2.3.3-расм. “Cluster” технологияси

In the following text, each sentence has three underlined words or phrases marked A, B, or C. Find the word or the phrase which has a mistake and must be changed in order for the sentence to be correct. If there is no mistake in the sentence, choose D (no mistake).

Q1	The last- <u>mentioned</u> (A) name (his nisba) <u>referring</u> (B) to this birthplace, Khwarizm , south <u>the</u> (C) Aral Sea.	D – no mistake
Q2	<u>From</u> (A) the title of his work, Hisab Al-Jabr wal Muqabalah (Book <u>of</u> (B) Calculations, Restoration and Reduction), Algebra (Al-Jabr) <u>derived</u> (C) its name.	D – no mistake
Q3	The terms Algebra and Algorithm <u>are</u> (A) familiar <u>in</u> (B) all of us but how many have <u>heard</u> (C) of their originator Muhammad Al-Khwarizm	D – no mistake
Q4	<u>In</u> (A) Geography he <u>revise</u> (B) and corrected Ptolomey`s	D – no mistake

	view and <u>produced</u> (C) the first map of known world in 830 CE.	
Q5	Al-Khwarizm emphasized that he had <u>writing</u> (A)his algebra book to serve the practical <u>needs</u> (B) of the people concerning <u>the</u> (C) matters of inheritance, legacies, partition, law suits and commerce.	D – no mistake

Мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишни ўргатишда қуйидаги машқлар бажарилди. Ушбу машқларда ўқувчилар матн ичидаги жумлаларни тўғри, нотўғри ёки умуман бундай жумла берилмаганлигини аниқлайдилар.

Do the following statements agree with the information in the text?

Choose:

A) T (True) if the statement agrees with the information in the text.

B) F (False) if the statement contradicts the information in the text.

C) NI (No Information) if there is no information on this.

1. In the 830 CE, Ptolomey's view of the first map was rectified by Bukhariy.

A) True B) False C) No Information

2. Ptolemy worked on measuring the volume and contributed to work related to clocks, sundials.

A) True B) False C) No Information

3. Al-Khwarizm wrote his algebra book for valid wants, heritages, principles, marketing and others.

A) True B) False C) No Information

4. Al-Khwarizm wrote his biography in his "Hisab Al-Jabr wal Muqobalah" book.

A) True B) False C) No Information

5. Khwarizm's birthplace is recessed in the sand now.


A) True B) False C) No Information

Мазкур машқдан кейин муаллим ўқувчиларга “Double entry journal” ўқиш техникасини тушунтиради. Бунинг учун ўқувчилар берилган матндаги иқтибосларни топиб жадвални чап томонига, ўзларининг жавобларини эса ўнг томонига ёзади.

2.3.1-жадвал

Quotes, reading or information	Response or reaction to the information
Muhammad Al-Khwarizm produced the first map of known world in 830 CE.	
From the title of his work, Hisab Al-Jabr wal Muqabalah (Book of Calculations, Restoration and Reduction), Algebra (Al-Jabr) derived its name.	
Al-Khwarizm emphasized that he had written his algebra book to serve the practical needs of the people concerning the matters of inheritance, legacies, partition, law suits and commerce.	

Матнни тушунганлигини мустаҳкамлаш учун оғзака нутқни ривожлантирувчи “**Bloom’s taxonomy**” технологиясидан ҳам фойдаландик (2.3.4-расмга қаранг).



2.3.4 - расм. “Bloom’s taxonomy” технологияси

“**Contextual guessing**” технологияси матн ичидаги номаълум сўзни маъносини матн мазмунидан келиб чиқиб аниқлаш учун самарали натижа беради. Мисол учун “Muhammad Al-Khwarizm” матнидан олинган “branch” ҳар бар соҳага тегишли бўлиши мумкин, лекин матн мазмунидан келиб чиқиб қайси соҳа ҳақида тегишли эканлигини билиб олишимиз мумкин.

1. In paragraph 1 the word “branch” means:
 - a) a part of a tree
 - b) one part of a large subject of study or knowledge
 - c) a local business, shop that is part of a large business
 - d) a major part of a government
2. In paragraph 2 the word “title” means:
 - a) label
 - b) name
 - c) appellation
 - d) companionship
3. In paragraph 3 the word “view” means:
 - a) scene
 - b) prospect
 - c) sight
 - d) survey
4. In paragraph 4 the word “matter” means:
 - a) subject
 - b) content
 - c) problem
 - d) question

Thomas Alva Edison

Thomas Alva Edison was probably the greatest inventor. His first job was selling newspaper on trains and later, at the age of 16, he got a job working telegraph office. Not all of Edison's inventions were successful. In fact his first one was a failure. Many that followed, however, were bright successes and Edison became famous. Most people regard him as a genius. Edison worked hard all his life, often working in his laboratory, and would not come home for days sometimes. When asked what makes a genius he said: “Genius 99 % perspiration and 1% inspiration.” Although most of the inventions which made Edison famous in the first half of his life, Edison continued to work and invent till he was over 70, often working 16 hours a day. During his long and productive life, Edison made 1300 inventions.

One of the most important inventions is light bulb. Thomas Edison tried two thousand different materials in search of a filament for the light bulb. When none worked satisfactorily, his assistant complained, “All our work is in vain we have learned nothing”

Edison replied very confidently, “Oh we have come a long way and we have learned a lot. We know that there are two thousand elements which we cannot use to make a light bulb”. Edison died on October 18, 1931, at the age of 84.

Берилган матн ичидаги лексик бирликларни мустахкамлаш мақсадида сўзларни тўғри танлаш машқидан фойдаланамиз.

In the following text, fill in the gaps (21-30) with an appropriate word from the list (A-L).

A) fruitful, B) considered, C) motivation, D) detections, E) intelligent person, F) all-right, G) originator, H) endeavor, I) referred, J) unsuccussful, K) fortunate.

Some of Edison's (Q1) were unsuccessful. Edison is (Q2) as a(n) (Q3) by many people. As Edison said for being genius one percent (Q4) is needed. In Edison's (Q5) life, he made more than one thousand inventions. Unfortunately his 2000 various materials acted(Q6). Edison was the most prominent (Q7). Edison (Q8) that genius is ninety percent (Q9). Edison's first invention was (Q10).

Do the following statements agree with the information in the text?

Choose: A) T (True) if the statement agrees with the information in the text.

B) F (False) if the statement contradicts the information in the text.

1.	Thomas Alva Edison was appointed court astronomer.	
2.	Edison's failures' measures are determined as the fact.	
3.	Edison 's the most important invention is light blub.	
4.	Thomas Edison tried two thousand different materials in search of a filament for the light bulb	
5.	Edison died on October 18, 1931	


For Questions 1-10, read the text below and choose which answer A, B, C or D best fits each space.

Thomas Alva Edision was probably the (Q1) inventor. His first job was selling newspaper (Q2) trains and later, at the age of 16, he got a job working telegraph office. Not all of Edison`s inventions were (Q3). In fact his first one was a (Q4). Many that followed, however, were bright successes and Edison became famous. Most people regard him as a genius. Edison worked (Q5) all his life, (Q6) working in his laboratory, and would not come home for days sometimes. When asks what (Q7) a genius he said: "Genius 99 % perspiration and 1% inspiration." Although most of the inventions which made Edison famous in

the first half of his life, Edison (Q8) to work and (Q9) till he was over 70, often working 16 hours a day. During his long and (Q10) life, Edison made 1300 inventions.

Q1	A)	Greatest	B)	most famous	C)	biggest	D)	Highest
Q2	A)	In	B)	On	C)	From	D)	By
Q3	A)	Effective	B)	Productive	C)	happy	D)	Successful
Q4	A)	Lack	B)	Breakdown	C)	failure	D)	Default
Q5	A)	Hard	B)	Heavy	C)	difficult	D)	Cruel
Q6	A)	Often	B)	Frequently	C)	usually	D)	Repeatedly
Q7	A)	Produces	B)	Performs	C)	makes	D)	Draws
Q8	A)	Remained	B)	Continued	C)	persisted	D)	Extended
Q9	A)	make up	B)	Invent	C)	produce	D)	Create
Q10	A)	Productive	B)	Constructive	C)	Rich	D)	Rewarding

Матн мазмунини тушунгунлигини нутқ фаолият турларидан гапириш кўникмаси орқали текшириш мақсадга мувофиқ. Гапириш кўникмасини ташкил этишда диққатимизни “Ақлий ҳужум” методига қаратдикъ (2.3.5-расмга қаранг).



2.3.5-расм. “Ақлий ҳужум” методи

“Contextual guessing” технологияси матн ичидаги номаълум сўзни маъносини матн мазмунидан келиб чиқиб аниқлаш учун самарали натижа беради. Ушбу технология ҳам ўқувчиларнинг матнни тушунганлигини текшириш учун хизмат қилади.

1. To what the word “productive” in the line 11 in the 1st paragraph refer?

a) relating to the production of things that can be sold b) achieving good results. c) causing or producing something d) working hard and producing or achieving a lot

2. To what the phrase “in vain” in the line 16 in the 2nd paragraph refer?

a) without success or a result b) in an improper or irreverent manner
c) to no avail d) with failure

3. To what the word “make” in the line 19 in the 3rd paragraph refer?

a) to produce something b) to cook or prepare food/drink
c) to cause sth. to happen d) to create build sth. by work/effort

Venice

Venice is the most beautiful city in the world, and the only one that can truly be described as unique. Each building is a work of art, with their beauty enhanced when reflected on the canals that cross the city. Its magical scenery is fascinating and breathtaking at first sight, evoking the feeling of entering the setting of a real-life fairy tale.


Prague is known as the city of the thousand spires because of its profusion of grand, beautifully-preserved historical monuments dating from practically every period in history. Those spires are best admired from bridges that cross the Vltava River, especially from the magnificent Charles Bridge, or standing in stunningly beautiful Old Town Square.

The city standing on seven hills by the Tiber River is a treasure-trove of monuments among the some of the most gorgeous squares and classical architecture in the world. Because everyone visits Rome for its landmarks, its quaint streets are often overcrowded, such as those of the Trastevere district, filled

with delightful lanes and exquisite homes decorated with flower boxes. It is on streets like those that Rome proves itself to really be eternal.

2. Do the following statements agree with the information given in the text. True False

1. In Prague each building is related to the art.
 2. The cause of visiting to Rome is its landmarks.
 3. The city standing on light hills by the Tiber river is a treasure trove of monuments.
 4. Those spires are best admired from bridges that cross the Vltava River
- (2.3.6-расмга қаранг).



(V)the information I know already


(+)the new information for me

(-)totally different from the information I know

(?) cannot analyze and understand the plot

2.3.6-расм. Инсерт методи

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалар асосида инглиз тилида мамлакатшуносликка оид матнларни ўқиш орқали юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини ривожлантириш технологияси қуйидагича ишлаб чиқилди (2.3.7-расмга қаранг).



2.3.7-расм.Юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини ривожлантириш технологияси

Юқорида монографиямизда юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини инглиз тилида мамлакатшуносликка оид матнларни ўқиш орқали ривожлантириш технологиясини кўриб чиқдик. Мазкур технологияни ўрта умумтаълим мактаблари инглиз тили таълими жараёнида қўллаш мумкин.

Иккинчи боб юзасидан хулосалар

Ушбу бобда юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини инглиз тилида мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишни ўргатиш илмий-методик муаммо сифатидаги тадқиқи, инглиз тили ўқитишда мамлакатшуносликка оид матнларни танлаш ва тузишга қўйиладиган замонавий методик талаблар, юқори синф ўқувчиларининг инглиз тилида социолингвистик компетенциясини мамлакатшуносликка оид матнларни ўқиш орқали ривожлантириш технологияси каби масалалар ўрганилган.

Юқори синфларда инглиз тили ўқитишда замон билан ҳамнафас қизиқарли ва ахборотларга бой мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишни ўргатиш - ўқувчиларнинг коммуникатив компетенциясини ривожланишига, уларнинг диққат, хотира, идрок ва мантиқий тафаккур каби психологик қобилиятларини шаклланишига имкон яратади. Бунда юқори синф дарсликларида берилган мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишни ўргатишни ўрни беқиёсдир.

Юқори синфларда мамлакатшуносликка оид матнларни “тузиш ва танлаш” инглиз тили ўқитиш методикасидаги долзарб масалалардан бири саналади. Матн “тузиш ва танлаш” тушунчалари ўртасидаги методик фарқларни ўзаро бир-биридан фарқлаш лозим. “Тузиш” методик тушунчаси инглиз тилида гапириш (speaking) ва тинглаб тушуниш (listening) фаолиятларида ўрганилган тил материали асосида оғзаки нутқ мавзулари доирасида ўқитувчи ёки дарслик муаллифлари томонидан тузилган матнларга тааллуқли бўлади.

Методик адабиётларда “танлаш” деганда, матн мазмунини ёзувчи томонидан шакллантирилган, тил ва ҳажм жиҳатидан ўқитувчи ёки дарслик муаллифи томонидан юқори синфлар инглиз тили ўқитиш шароитига мослаштирган матнларни саралаш жараёни ва маҳсули тушунилади. Аслиятдаги матн ёки унинг адаптация қилинган нусхаси инглиз тили дарсликларида ўқиш учун тавсия этилади. Шу муносабат билан методикада “тузилган” ва “танланган” матн тушунчалари бир-биридан фарқланади. Ҳар иккала турдаги матнлар ҳам инглиз тили ўқитишда ўқиш учун материал вазифасини ўтайди.

Мамлакатшуносликка оид матнлар танланганда “танлаш манбаи”, “танлаш мезонлари”, “танлаш бирлиги” каби тушунчаларни ҳисобга олиниши методик адабиётларда тадқиқ қилинган. Танлаш манбаини аниқлашда тил материалини актив ва пассив минимумларга ажратилиши, танлаш мезонларида ҳисоб-китоб, методик, тилшунослик мезонлари каби тушунчалар таҳлил қилинади.

Ҳисоб-китоб мезонида сўзларнинг матнда кўп қўлланиши ва кенг тарқалганлик хусусиятлари, методик мезонларда эса нутқ мавзулари ва чет тил ўқитиш мақсадлари ҳисобга олинади. Матнларни танлашнинг тилшунослик мезонида эса матнлардаги сўзларнинг бирикиши, сўз яшаш имконияти, кўп маънолилиқ, услуб жиҳатдан чегараланмаганлик, синонимларни чегаралаш (яккалаш) ва гап тузишдаги иштироки кабилар асос қилиб олинади.

Монографиямизда мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишни ўргатишни методикада ишлаб чиқилган матнолди, матнни ўқиш жараёни ва матндан кейинги босқичлари таҳлил қилинди. Матнолди ва матндан кейинги босқичларда фаолиятнинг замонавий интерактив шаклларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги монографияда ўзининг илмий тасдиғини топди.

Матнолди машқлари асосий билимларни фаоллаштиради, ўқувчиларни ахборотни идрок этишга тайёрлайди, диққат ва фикрлаш фаоллигини

оширади. Матнларни тушунишда ўқувчилар ўзаро ҳамкорлик қилиши, эркин фикр алмашиши муҳим жараён ҳисобланади.

Матн билан ишлаш босқичида мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишни ўргатиш орқали нутқий қийинчиликларни бартараф этиш, лингво-мамлакатшунослик ва маданий маълумотларни тушуниш малакаларини ривожлантиришга интилдик. Матнни ўқиб тушуниш босқичида юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини ривожлантиришда ижтимоий характердаги матнни билиши, тушуниши, таҳлил қилиши, умумлаштириши ва баҳолаш босқичларини амалга ошириши муҳим саналади.

Матн билан ишлашнинг учинчи босқичида қуйидаги ўзига хос машқлар бажарилади: 1. Монолог ёки диалогда ушбу матн ва олдин ўтилган материаллардан фойдаланиб, гапириш машқ қилинади. 2. Янги ўқув нутқий вазият бўйича матндан фойдаланиб унинг мазмунини гапириш. 3. Диалог машқларини бажарилади.

Мамлакатшуносликка оид матнларни тушунганликни текшириш машқлари (1) “Scanning” машқлари-матндан кейинги фойдаланиш учун ўзига хос конкрет ахборотни топиш, (2) “Finding the facts” - кейинчалик ўз нуқтаи назарини асослашда қўлланадиган ўзига хос фактларни топиш, (3) “Comprehension” - фикрларни мазмунли хусусиятига кўра танлаш - бу ахборотларни бир йўналишли қайта ишлаш, изчил когнитив амалларни бажариш, (4) “Making Differences” машқи матнни ўқиб чиққандан кейин бажарилади. Бунда ахборотни қайта ишлашда ўқувчининг бир йўналишдаги фикрлаши амалга оширилади, бу эса фикрлаш мантиғига, вербал хотира ривожланишига кўмаклашади.

III БОБ. ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТАЖРИБА– СИНОВ ИШЛАРИ

3.1-§. Тажриба-синов ишларининг мақсад ва вазифалари

Тажриба-синов жараёнида юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини инглиз тилида мамлакатшуносликка оид матнлар ўқиш орқали ривожлантириш самарадорлигини оширишга асосий эътибор қаратилди.

Олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган тавсиялар республикамиздаги ўрта умумтаълим мактаблари юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенцияси ривожлантириш технологияси ва натижаларини баҳолаш кўрсаткичларини такомиллаштиришга хизмат қилди.

Юқори синф ўқувчиларининг инглиз тили дарсларида социолингвистик компетенциясини мамлакатшуносликка оид матнларни ўқиш орқали ривожлантириш юзасидан монография ишлари уч босқичда - аниқловчи тажриба-синов ишлари (2017-2018 йиллар), шакллантирувчи тажриба-синов ишлари (2018- 2019 йиллар), яқунловчи тажриба-синов ишлари (2019-2020 йиллар) босқичларида олиб борилди.

Аниқловчи босқичда инглиз тили ўқитувчиларининг педагогик фаолиятини кузатиш қатор ютуқлар мавжудлигини кўрсатди. Тажрибали инглиз тили ўқитувчилари дарсларда замонавий педагогик ва ахборот технологиялари, ўйин-топширик, стратегиялар, интерактив метод, компьютер техникаси каби усуллардан фойдаланиб дарс ўтишмоқда.

Таълим жараёнида ўйин-топширик ва стратегиялардан фойдаланиш ўқувчиларни зерикишдан сақлайди, уларни мустақил тарзда эркин фикр юритиш ва ўқитувчи билан ҳамкор сифатида ишлашларига олиб келади.

Интерактив методлар билан ўтилган инглиз тили дарсларида ўқувчиларнинг тилга бўлган қизиқишларининг кучайиши, хотира мустаҳкамланиши, ўқувчилар нутқидаги хатоларни бартараф этишда

кўшимча имкониятлар пайдо бўлди.

Юқори синфларда замонавий компьютер техникасидан фойдаланиш инглиз тили ўқитиш жараёнида таълим самарадорлигини оширишда кенг имкониятлар очмоқда. Баъзи тажрибали инглиз тили ўқитувчилари ўқитиш жараёнида мазкур техник воситалардан унумли фойдаланмоқдалар.

Тест жараёнида ўқувчилар мустақил ишлайдилар, ўзини баҳолай оладилар. Тестнинг компьютер ёрдамида ўтказилиши мактаб инглиз тили таълимида ижобий натижалар бериши яна бир бор ўз тасдиғини топди. Айниқса, юқори синф ўқувчиларининг инглиз тилида нутқий компетенциясини ривожланганлик даражасини компьютер ёрдамида тест орқали назорат қилиниши вақтни тежаш ва холисликни таъминлашда ёрдам берди.

Тажрибали ўқитувчилар фаолиятида инглиззабон мамлакатлар маданияти, санъати ва урф-одатларига оид билимларни ўз ичига қамраб олган мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишни ўргатиш фаолиятига риоя қилиниши кузатилди.

Инглиз тили дарсларида мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишни ўргатиш ўқувчиларнинг социолингвистик компетенциясини ривожланишига туртки бўлди.

Юқори синфларда инглиз тили таълимининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш, таҳлил этиш ва умумлаштириш инглиз тили ўқитувчилари фаолиятида қайд этилган қатор ютуқлар билан бирга жиддий камчиликлар ҳам мавжудлигини кўрсатди.

Дарсларни кузатиш жараёнида шунинг гувоҳи бўлдикки, фақат баъзи ўқитувчиларгина инглиз тили ўқув материални синчковлик билан танлайдилар. Юқори синф инглиз тили ўқитувчиларининг аксарияти ўзлари ва ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини олдиндан режалаштириш тажрибасига тўла эга эмаслар. Инглиз тили ўқитувчиларининг кўпчилиги юқори синф ўқувчиларининг реал имкониятларини ўрганиш бўйича махсус иш олиб боришмайди. Ўқитувчиларнинг ўқув материали устида олиб борадиган

ишнинг шакли, тури ва услублари анъанавий – матнни ўқиш, таржима қилиш, гапириб бериш, дуч келган саволга жавоб бериш каби характериға эгадир.

Дарс жараёнларини таҳлил қилиш ўқитувчиларнинг ўқув жараёнини режалаштиришға етарли эътибор бермасликларини кўрсатди. Хусусан, ўқув машғулотининг мақсад ва вазифаларини аниқ белгилашмайди. Маълумки, дарс режасини тузиш шунчаки расмийатчилик эмас, балки ижодий педагогик меҳнатдир. Турли режалар қўлланилади, дарснинг босқичлари турлича белгиланади. Баъзи режаларда дарс мавзуси, унинг ўтказилиш санасини белгилаш билан чекланилса, айримларида дарснинг жиҳозланиши кўрсатилмаган, яна бошқаларида ўқувчилар мустақил ишининг ҳажми ва унинг ташкил этилишида ўтилган дарсни ҳисобға олиш ҳамда назорат қилиш белгиланмаган. Кўп ҳолатларда инглиз тили ўқитиш босқичлари янгилашиши муносабати билан режаға ўзгартириш киритилмайди, таълимнинг айни ҳозирги шароити ҳисобға олинмайди. Пухта тайёргарлик кўрилмаганлиги сабабли таълимнинг техник воситалари қўлланилган дарслар ҳамиша ҳам кутилган натижаларни беравермайди.

Ўқувчилар фаолиятини мунтазам ва асосли равишда назорат қилиб бориш уларға қийинчиликларни енгишда ўз вақтида ёрдам бериш учун зарурдир, акс ҳолда ўқувчиларда салбий ҳис-туйғулар пайдо бўлади, яъни тил ўрганишдан кўнғил совиши, ўз имкониятларига ишонмаслик, охир-оқибатда инглиз тили ўрганишға бўлган қизиқишнинг сўниб бориши кабиларға дуч келинади.

Юқори синфларда таълимнинг техник воситаларидан кам фойдаланиш ёки мақсадға мувофиқ фойдаланмаслик туфайли таълимнинг сифати, ўқувчиларға пухта билим, кўникма ва малакалар бериш ҳозирги талаблар даражасида эмаслиги ачинарли ҳолдир. Ваҳоланки, таълимнинг техник воситалари тил ўрганувчиларға аудио-видео материалларига ёзилган диктор нутқини тинглаб тушуниш, фикрни оғзаки баён қилиш, ўқиш ва қисман ёзув машқларида қўл келадиган аудиовизуал воситалардир. Улардан инглиз тили

таълимида кенг кўламда фойдаланиш таълим жараёнини жадаллаштиришга хизмат қилиши далил талаб эмасдир. Таълимнинг техник воситалари ёрдамида тест ўтказишга, муаммоли ўқитишга, афсуски, етарли даражада эътибор берилмай келиняпти.

Юқори синфларда инглиз тили таълимининг дастлабки кунлариданок ўқитувчи раҳбарлигида, мазкур фанни ўрганиш усулларини ўқувчиларга ўқитиб, уларга ақлий меҳнат малакасини сингдириб бориш зарур. Лекин, кузатишнинг турли усулларини қўллаш натижасида ўқувчиларнинг мустақил ишлашлари илмий асосда ташкил қилинмайди.

Ўқитувчилар кундалик педагогик фаолиятларида инглиз тилининг она тили, рус тили ва бошқа умумтаълимий фанлар билан интеграциялашга аҳамият бермайдилар. Фикримизча, ўқувчиларга она тили, рус тили ва инглиз тилини ўқитишда фанлараро интеграциядан фойдаланиш тиллар таълимини такомиллаштиришнинг энг муҳим омиллари қаторида туради.

Юқори синфларда инглиз тилини умумтаълимий фан сифатида ўқитишнинг ҳозирги аҳволдан аён бўлган камчиликлар ва ижобий томонлар монографияни давом эттириш учун самарали туртки бўлди.

Тажриба-синов ишларининг дастлабки аниқловчи босқичида илмий-методологик, психологик манбалар ўрганилди, таҳлил қилинди, юқори синф ўқувчиларининг инглиз тили дарсларида мамлакатшуносликка оид матнларни ўқиш орқали уларнинг социолингвистик компетенциясини ривожлантириш бўйича амалиётдаги мавжуд ҳолат ўрганилди.

Аввало, чет тилларини ўқитиш бўйича давлат таълим стандарти, 9-10-11-синфларнинг инглиз тили ўқув фани бўйича ўқув дастурлари, ўқувчи китоби, ўқитувчи китоби, ўқиш китоблари ўрганилди ва таҳлил этилди.

Ўқув дастури ва дарслик инглиз тили ўргатишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Дастур мамлакатимиз Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланадиган методистлар томонидан тузилган давлат ҳужжатидир. Дарслик ҳам вазирлик тасдиқлайдиган, бироқ муаллифлар номидан нашр этиладиган ўқув воситасидир.

Методик адабиётларда келтирилган дастурнинг тўлиқ номи “Ўрта мактаблар учун чет тиллар (инглиз, испан, немис, француз тиллари) бўйича дастур” тарзида қабул қилинган.

Дастур “Уқтириш хати” билан бошланиб, унда инглиз тили ўқитишнинг амалий, умумтаълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларининг ўқув жараёнида рўёбга чиқишига доир методик кўрсатмалар берилган. Ҳар бир синф ва таълим босқичларида қўйиладиган ўқув вазифалари изоҳланган. Дастурда оғзаки нутқнинг илгарилаши принципига кўра инглиз тили ўқитилиши тушунтирилган. Дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда таълимнинг техникавий воситаларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар берилган.

Тиллар ва умумтаълимий фанларнинг ўзаро интеграциясининг аҳамияти таъкидлаб ўтилган. Она тили, рус тили, инглиз тили, тарих, география, табиий фанлар орасидаги интеграция зарурлиги уқтирилган.

Ўқув режасида синфлар бўйича инглиз тилига ажратилган соатлар кўрсатилган. Улар синфлар бўйича тақсим қилиб берилган. Ҳафталик шунингдек, йиллик соатлар миқдори турли ташкилий сабабларга кўра ўзгариши мумкинлиги таъкидланган.

Хуллас, дастур уқтириш хати, асосий дастур ва илова қисмларидан тузилган бўлиб, унда таълим мақсадлари ва мазмуни баён этилган. Уқтириш хатида инглиз тили таълими мазмуни ва унинг таркибий қисмлари берилган. Ўрта мактаб курси якунида ўзлаштириш талаб қилинадиган ўқитиш мазмуни - нутқ фаолият турларини эгаллаш кўрсаткичлари (компетенция-қўникма ва малакалар), нутқ мавзулари, тил материали умумлаштирилган ҳолда санаб ўтилган. Буларнинг қисқача таҳлили дастурнинг асосий қисмида синфлар бўйича кенгайтирилиб, аниқ-равшан баён этилган.

Нутқ фаолияти турлари кўрсаткичлари, нутқ мавзулари ва тил материали синфма-синф санаб ўтилган. Тил материалида лексик, грамматик ва талаффуз қоидалари, тил техникаси – ўқиш ва ёзув ҳамда типовой ва тайёр жумлалар қатори келтирилган.

Дастур иловасида аудиовизуал воситалар, кўникма ва малакаларни назорат қилишга доир тавсиялар, баъзи адабиётлар рўйхати келтирилган.

Ўқитиш методлари ва методик тавсиялар “Ўқитувчи китоби”дан жой олган. Дастур дарслик тузиш ва ўқув-тарбия ишларини ташкил қилишда асос бўлиб хизмат қилади. Дастурни ўқитувчи бажаради, ўқувчилар эса уни ўзлаштирадilar.

Ўзбек мактаблари учун дастур тайёрлашнинг ўз тарихи бор. 1968 йил илк бор дастур лойиҳаси эълон қилинган. Лойиҳа 1970/71 ўқув йилидан мактабларда жорий қилинди. Ҳозирда чет тиллар бўйича янги дастурлар тузилган бўлиб, мазкур дастур асосида тузилган янги дарсликлар қўлланилмоқда, дастур мазмунига замонавий ўзгартиришлар киритиб келинмоқда.

Ҳозирги даврда “дарслик” тушунчаси ифодаладиган маъно доираси бирмунча кенгайиб, ўқувчи китоби (дарслик), ўқитувчи китоби, грамматик ва лексик материалларнинг ўзлаштирилишига мўлжалланган машқ дафтарлари, ўқиш китоби, мультимедия иловалари ва Интернет веб-сайтидан иборат бўлиши лозимлиги тавсия этилмоқда. Монографияимизда мазкур ўқув воситалари ҳақида ҳам тўхталишни жоиз деб топдик.

Ўқувчи китоби дарсликнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, унинг асосини машқлар ташкил қилади. Китобда турли иловалар берилиши мумкин. Машқлар ҳақида ушбу китоб бошланишида материал берилган. Машқ таркибига тил материали, мавзу, матн, тил техникаси, тил қоидалари ва тасвирий безаклар киради. Машқ кўникма ва малака ҳосил қилишда барча таркибий қисмларни ўз ичига олади. Тасвирий безак материали машқдан ажралган ҳолда бўлиши мумкин эмас. Қоида ушбу машқдаги тил ҳодисаси билан узвий боғлаб ўрганилади.

Машқнинг талаби ва материали бор. Талаб шартлари тўлиқ машқда берилади. Материал эса очиқ ёки яширин тарзда бўлиши мумкин. Ўқувчи китобини ҳозиргача дарслик деб келинади. Ўқувчи китобида дарсларнинг

биринчи соатидан охиргисигача мажмуа тарзда берилади. Дарслар чоракларга ажратилган бўлади.

Ҳар бир дарс икки турдаги – синф ва уй машқларини ўз ичига олади. Синф машқлари имкон борида тўртта асосий нутқ фаолияти турида, уй машқларини деярли ҳаммаси ёзма ва қисман оғзаки бажаришга мўлжалланади.

Ўқув йилининг бошида ўқитувчи ўқувчиларга ўқувчи китоби юзасидан “топшириқларни бажариб боришни” тавсия этиб боради. Таништириш даврида асосий қисм ва иловаларнинг тафсилоти баён этилади. Китобдан фойдаланиш йўллари тушунтирилади. Рақамлар, ҳарфий белгилар, босма ҳарфлар турлари ифодаладиган тушунчаларни ўқувчилар ўрганиб олишлари керак. Дарс ўтиш йўл-йўриқлари ҳақида ўқитувчи китобидан батафсил маълумот олинади.

Ўқитувчи китоби юқорида кўриб чиқилган ўқувчи китоби асосида тузилади ва тил ўрганувчи фаолиятни кўрсатади, ўқитувчи китоби эса ўргатувчи томонидан ўқувчи фаолиятини бошқаришни ташкил этишга мўлжалланади. Ўқитувчи китоби икки ёки уч бўлимдан ташкил топади. Авваламбор, ўқувчи китоби илмий асосланади, дарсларнинг методик ишланмалари берилади, чорак ва йиллик режалар, тил материали рўйхатлари илова қилиниши мумкин.

Дарс ўтиш бўйича методик тавсиялар маслаҳат тариқасида берилади. Амалда ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражалари фарқланиши муносабати билан дарсдаги машқлар миқдори ва сифати қисман қайта кўриб чиқилиши ўқитувчига ҳавола этилади. Ўқитувчи киритадиган ўзгартириш тил материалининг янги бирликларини қўшиш эмас, балки тақдим этилган тил ҳодисаларини ўргатиш усуллари алмаштириш билан боғлиқ.

Ўқиш китоби ҳам монографияларда атама сифатида икки маънода қўлланилишини кузатиш мумкин: 1) ўқувчилар дарсдан ташқари ўқийдиган китоби, 2) ўқувчи китобининг давоми сифатида тузилган ўқиш китоби. Ҳар иккаласи ҳам ахборот олиш мақсадида ўқилади. Асосий ўқиш китоби уйда

мутолаа қилинади. Мутолаа натижаси дарсда текширилади. Ўқилган материални дарсда гапириб бериш, у ҳақда савол – жавоб қилиш, мазмунини ёзма ифода этиш каби назорат усулларидадан фойдаланилади.

Ўқитувчи ёрдамида ўқувчилар ўқиш китобидан фойдаланиш малакасини эгаллайдилар. Матндаги янги ва фойдали ахборот йиғиш, ўқиш даврида луғатдан фойдалана олиш каби йўл-йўриқлар ўқувчига олдиндан ўргатилади. Амалий мақсад сари интилишда ўқиш китобининг аҳамияти бекиёсдир. Чунки дарсликдаги матнлар ўқувчи учун етарли бўлмайди.

Республикамизда ўрта таълим юқори синфларида инглиз тилини ўқитишда қуйидаги дарсликлардан фойдаланилади: Л.Жўраев, С.Хан ва Ф.Рашидова муаллифлар жамоаси томонидан яратилган “Fly High English” 9-синф дарслиги, Ф. Рашидова, Н.Тиллаева, З.Каримова муаллифлар гуруҳи томонидан яратилган “English” 10-синф дарслиги, Ф. Рашидова, Н.Тиллаева, М.Хамзаева, Г.Риситбоева муаллифлар гуруҳи томонидан яратилган “English” 11-синф дарслик-мажмуаларидан фойдаланилмоқда.

Мазкур дарслик-мажмуаларнинг юқори даражадаги эстетик жозибадорлиги ўқувчиларнинг инглиз тилини ўрганишга мотивация уйғотиш ва ўқув-билиш фаоллигини ошириши мумкинлиги, изчиллик тамойилига амал қилинганлиги каби қатор ютуқларини эътироф этиш мумкин.

Fly High English 9-синф дарслиги 2014 йил Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги таълим барча тилларда олиб бориладиган мактаблар учун дарслик сифатида тасдиқланган. Дарслик 9 боб, 122 та дарсдан иборат. Ушбу дарсликда нутқ фаолияти турларидан тинглаб тушуниш (listening), гапириш (speaking), ўқиш (reading) ва ёзув (writing) турларига доир материллар етарли миқдорда берилган. Fly High English 9-синф дарслигида 18та “Тили ўрганилаётган мамлакат” ва 11 та Ватанимиз-Ўзбекистонга доир мамлакатшуносликка оид матнлар берилган.

“English” 10-синф дарслиги Халқ таълими вазирлиги томонидан 2017 йилда тасдиқланган. “English” 10-синф дарслиги 10 бобдан иборат бўлиб, ҳар бир боб лексика (vocabulary), грамматика (grammar), тинглаб тушуниш

(listening), ўқиш (reading), гапириш (speaking) ва ёзув (writing) бўлимларидан ташкил топган. 10-синф дарслигида ҳам 5та тили ўрганилаётган мамлакат ва 2та Ватанимиз-Ўзбекистон ҳақида матнлар берилган.

“English” 11-синф дарслиги Ф. Рашидова, Н.Тиллаева, М.Хамзаева, Г.Риситбоева муаллифлар гуруҳи томонидан дарслик сифатида Халқ таълими вазирлиги томонидан 2018 йилда тасдиқланган. “English” 11-синф дарслиги 10 бобдан иборат бўлиб, ҳар бир боб лексика (vocabulary), грамматика (grammar), тинглаб тушуниш (listening), ўқиш (reading), гапириш (speaking), ёзув (writing) бўлимларидан ташкил топган. Дарсликда юқори синфларнинг социолингвистик компетенциясини ривожлантирувчи 22 та тили ўрганилаётган мамлакат ва Ватанимиз- Ўзбекистонга доир 14та матнлар берилган.

Монографияимиз мақсадидан келиб чиқиб, социолингвистик компетенцияни ривожлантирувчи юқори синф дарсликларидаги малакатшуносликка оид матнлар ўқиб тушуниш орқали бошқа нутқ фаолият турлари: гапириш, тинглаш, ёзиш кўникмалари ривожлантирувчи интерфаол методларни тавсия қилинди.

Зикр этилган дарсликларни таҳлили келгусида яратиладиган ўқитиш воситаларини тузиш бўйича қуйидаги тавсияларни инобатга олиш таълим муваффақиятини таъминловчи омиллардан бири, деб ҳисоблаймиз:

1. Дарсликларда асосан эътибор юқори синф ўқувчиларнинг лингвистик ва коммуникатив компетенцияларини ривожлантиришга қаратилганлигини кузатиш мумкин. Дарсликда инглиззабон мамлакатлар маданияти, урф-одати ва санъатига оид мамлакатшуносликка оид матнларни ўқиш орқали юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини ривожлантириш фаолияти эътибордан четда қолганлигини кузатиш мумкин.

2. Келгусида инглиз тилидан қўлланма ва дарсликлар яратишда инглиз тили ўқитишнинг қуйи, ўрта ва юқори босқичлари орасидаги изчиллик тамойилига амал қилиш зарур. Шунингдек, уларда машқларнинг

изчиллигига, яъни оғзаки ва ёзма, бир тилли ва икки тилли машқларнинг қандай тартибда жойлашуви ёки изчиллигига қатъи риоя қилиниши лозим.

3. Юқори синф инглиз тили таълимининг амалий мақсади ҳисобланган ўқиш, фойдали ва қизиқарли ахборот олиш учун турли ижтимоий-маиший, бадий, сиёсий, ўқув-таълимий йўналишдаги мамлакатшуносликка оид матнлар етарли миқдорда берилиши мақсадга мувофиқдир.

4. Инглиз тили қўлланма ва дарсликларини безашда расмлар катта роль ўйнайди. Тили ўрганилаётган мамлакат(лар) шаҳарлари, ландшафти ва кишиларининг турмуш тарзини намойиш этувчи кўплаб фотосуратлардан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Тажриба-синов базаси сифатида Наманган, Андижон ва Фарғона вилояти халқ таълими бўлимларига қарашли 5та ўрта умумтаълим мактабларининг 9-10-11-синфлари танлаб олинди.

Ушбу босқичда илмий-методологик манбалар ва амалиётдаги аҳволни ўрганиш асосида тажриба-синов ишлари дастури мазмуни аниқланди. Тажриба-синов жараёни қуйидаги 3 босқич ўтказилди:

1. Юқори синф ўқувчиларининг инглиз тили фанига бўлган қизиқиш ва мотивациялари ўрганилди;

2. Ўқувчиларнинг социолингвистик компетенциясини инглиз тилида мамлакатшуносликка оид матнларни ўқиш орқали ривожлантиришнинг ҳозирги аҳволи таҳлил этилди;

3. Инглиз тили ўқитувчиларининг касбий коммуникатив компетенцияси шаклланганлик даражасини аниқлаш бўйича сўровномалар ўтказилди.

Инглиз тили дарсларида юқори синф ўқувчиларининг тажриба-синов ўтказиш жараёнида мамлакатшуносликка оид матнларни ўқиш орқали социолингвистик компетенциясининг ривожлантириш мезонлари, ривожланганлик даражаси аниқланди, монография мавзуси доирасида инглиз тили дарсларида ўқувчиларнинг социолингвистик компетенциясини ривожлантириш технологияси ишлаб чиқилди.

Инглиз тили дарсларини мақсадли кузатиш билан бир пайтда, монография мавзуси юзасидан ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида сўровномалар ҳам ўтказдик. Ўқитувчилар фаолиятини кузатиш ва улар билан суҳбат чоғида эътиборни асосан қуйидагиларга қаратдик:

1. Инглиз тили дарсларида юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенцияни ривожлантиришга хизмат қиладиган ўқув материални замонавий методик талаблар асосида танланиши;

2. Инглиз тили дарсларида юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенцияни ривожлантиришда ўқитишнинг замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш;

3. Мамлакатшуносликка оид матнларни ўқиш орқали социолингвистик компетенциясини ривожлантиришда ўқувчиларнинг аудиториядаги машғулотлари ва мустақил ишларини режалаштирилиши;

4. Инглиз тили дарсларида юқори синф ўқувчиларининг нутқий коммуникатив компетенциясини ривожлантиришни назорат қилиниши ва баҳоланиши;

5. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантиришга қаратилган муаммоли-изланувчан характердаги топшириқларнинг ва социолингвистик компетенцияни ривожлантиришга хизмат қиладиган машқларнинг бажарилиши;

6. Инглизбабон мамлакатлар маданияти, урф-одати ва санъатига оид мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишни ўргатиш орқали ўқувчиларнинг инглиз тилини ўрганишга бўлган мотивациясининг рағбатлантирилиши;

7. Социолингвистик компетенцияни ривожлантириш жараёнида она тили, рус тили, инглиз тили ва бошқа умумтаълимий ўқув фанлари ўртасидаги интеграциянинг таъминланиши.

Мақсадли кузатувлардан ташқари юқори синф ўқувчиларининг инглиз тили дарсларида мамлакатшуносликка оид матнларни ўқиш орқали социолингвистик компетенциясини ривожлантиришга доир анкета

саволларини бериш ва уларга жавоб олиш орқали мазкур фанга бўлган ўқувчиларнинг муносабатларини аниқлашга эришдик. Анкета саволлари икки босқичда ўтказилди. Биринчи босқичда юқори синф ўқувчиларининг инглиз тили фанига бўлган қизиқиш ва мотивациялари аниқланди. Анкета сўровномасида 440 нафар юқори синф ўқувчилари иштирок этдилар. Қуйида ушбу саволларни келтирамиз:

1.Шахсий ҳаётингизда инглиз тилини ўрганиш зарур, деб ҳисоблайсизми?

А. ҳа Б. унчалик эмас В. Йўқ

2.Замонавий билим, кўникма ва малакаларни эгаллашингизда инглиз тилининг ўрнига бўлган муносабатингиз?

А. яхши Б. унчалик эмас В. жавоб бериш қийин

3.Инглиз тили дарсларида инглиззабон мамлакатлар маданияти, адабиёти, урф-одати ва санъатини ўрганишга бўлган муносабатингиз?

А. Яхши Б. унчалик эмас В. жавоб бериш қийин

4. Мамлакатшуносликка оид инглиз тилидаги қўшимча ва фойдали ахборотларни ўрганиб боришни ҳаётий зарурият, деб ҳисоблайсизми?

А. Ҳа Б. унчалик эмас В. Йўқ

5. Инглиз тили дарсларида мамлакатшуносликка оид матнларни ўқиб тушуна оласизми?

А. ҳа Б. унчалик эмас В. Йўқ

Юқоридаги биринчи босқич анкета сўровномаси бўйича олинган жавоблардан шуларни хулоса қилиш мумкинки, ижобий жавоблар сони 75%ни ташкил қилади. Уларнинг синфлар бўйича ўсиб боришини кузатиш мумкин. Бундан шу нарса аён бўладики, ўқувчилар юқори синфларга ўтган сари чет тил, жумладан, инглиз тилига муносабатларининг ижобийлашганлиги кузатилди. Юқори синфда аксарият ўқувчилар ўзларининг келгуси фаолиятларида “Инглиз тили таълимини муҳим эканлиги”ни таъкидлашади.

Анкета сўровномасининг иккинчи босқичи юқори синф инглиз тили дарсларида социолингвистик компетенцияни ривожлантириш билан боғлиқ инглиз тилини ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари, мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишда ўқувчилар дуч келаётган қийинчиликларни аниқлашга мўлжалланган. Мазкур сўровнома саволлари қуйидагилардан иборат бўлди:

1. Нима учун инглиз тилини ўрганмоқчисиз?

а) инглиз тилидаги мамлакатшуносликка оид манбалардан хабардор бўлиб бориш учун;

б) хорижлик кишилар билан мулоқот қилиш учун;

в) олий ўқув юртида ўқишни давом эттириш учун.

2. Инглиз тилида қандай матнларни мунтазам ўқиб борасиз?

а) адаптация қилинган бадиий адабиётларни;

б) адаптация қилинган саргузаштга бой адабиётларни;

в) мамлакатшуносликка оид адаптация қилинган илмий-оммабоп адабиётларни.

3. Инглиз тили билан шуғулланишга вақт ажратасизми? Вақтингизни кўпроқ нималарга сарфлайсиз?

а) инглиз тили грамматик қоидаларини ўрганишга;

б) инглиз тили лексика материални ўргатиш;

в) инглиз тили талаффузини ўрганишга.

4. Инглиз тилида мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишингизга нималар тўсқинлик қилади?

а) инглиз тили грамматикасидан етарли билимга эга эмаслик;

б) луғат захирасининг етарли эмаслиги;

в) инглиз тилидаги луғатлардан фойдалана билмаслик.

5. Социолингвистик компетенция деганда нимани тушунасиз?

а) тилга оид лексик, грамматик ва талаффуз компетенцияларини;

б) гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзувга оид нутқий компетенцияларни;

в) нутқнинг миллий хусусиятлари - мамлакатларнинг урф-одат, қадрият, маросим ва бошқа миллий-маданий билимларини ўз ичига олган компетенция

Анкета саволларига олинган жавоблар тажриба-синов ишларининг кейинги босқичида ҳисобга олинди.

Ушбу босқичда олинган дастлабки натижалар умумлаштирилди, таҳлил қилинди, навбатдаги босқич тажриба-синов ишлари учун илмий-методик материаллар тайёрланди. Ишлаб чиқилган дастур бўйича инглизчабон мамлакатлар маданияти, санъати, урф-одатларини ифодаловчи ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий характердаги мамлакатшуносликка оид матнлар, таълимнинг инновацион технологиялари, мустақил таълим учун мамлакатшуносликка оид социолингвистик мавзулар базаси, монография учун танланган юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини шакллантирувчи даражасини белгиловчи индикаторлар ишлаб чиқилди. Юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенцияси типологияси, таълим методлари тизими, социолингвистик компетенцияга қўйиладиган малака талаблари, дидактик шарт-шароитлари ва бошқалар ўрганилди.

Монография ишларининг шакллантирувчи босқичида биз аниқлаган ўқувчиларнинг социолингвистик компетентциясини ривожлантириш самарадорлигини оширишга йўналтирилган методика синовдан ўтказилди.

Биз аниқлаган индикаторларни учала тоифа респондентларида ривожлантириш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди:

тажриба-синов ишлари лойиҳалаштирилди, тадқиқот олиб бориш дастури, сўровномалар, дарс ишланмалари; таълимнинг технологиялари, усуллари, дидактик материаллар, натижани математик-статистик таҳлил қилиш усуллари, медиа, аудио-видео матнлар аниқланди;

тажриба-синов ишлари олиб борилган Наманган, Андижон ва Фарғона вилояти халқ таълими бўлимларига қарашли ўрта умумтаълим мактабларининг юқори синфлари ҳисобланган 9-10-11- синф ўқувчиларининг

инглиз тили фанига бўлган қизиқишлари бўйича сўровномалар ўтказилди;

9-10-11-синфлар бўйича инглиз тили фанидан давлат таълим стандартлари, ўрта мактаб инглиз тили ўқитувчиларига қўйиладиган малака талаблари ўрганилди;

тил ўрганиш бўйича Европа стандарти ва унинг Ўзбекистондаги миллий талқини CEFR ва унинг моҳияти ўрганилди ва таҳлил қилинди;

9-10-11-синфларнинг “English” (Инглиз тили) дарслигидаги фанининг мазмунида социолингвистик компетенцияни ривожлантириш имконият нуқтаи назаридан ўрганилди ва таҳлил этилди, сифат ва самарадорликка йўналтирилган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тажриба-синов ишлари методикасини ишлаб чиқишда замонавий инглиз тилини билиш даражасига қўйиладиган талаблар бўйича миллий ҳамда халқаро малака талабларининг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинди.

Тажриба-синов ишларига жами 440 нафар респондент жалб қилинган бўлиб, шулардан 140 нафари 9-синф ўқувчилари, 140 нафари 10-синф ўқувчилари, 160 нафари 11-синф ўқувчиларини ташкил этди.

Шундай қилиб, педагогик тажриба-синов ишлари самарадорлиги уни махсус лойиҳалаштириш асосида олиб борилганлиги, таълим-тарбиявий ишларнинг компетенциявий ёндашув, замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологиялари ва интерфаол методлар билан олиб борилганлиги, педагогик-методик шарт-шароитларнинг мақбуллиги, олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлили, тажриба-синов майдончаларининг географик жойлашуви, социолингвистик компетенцияни ривожланганлик даражасини белгиловчи мезонларнинг ишлаб чиқилиши ва натижанинг баҳоланиши, танланган мавзулар ва методик материалларнинг изчиллиги, ижтимоий-лингвистик мазмунни таъминлашга боғлиқлиги юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясининг ривожланганлиги билан далилланди.

3.2-§. Тажриба-синов ишларининг миқдор, сифат кўрсаткичлари ва статистик таҳлили

Махсус ташкил этилган тажриба-синов ишлари ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ҳар томонлама ўрганиш ҳамда инглиз тили таълими самарадорлигини ошириш бўйича илмий хулосалар чиқаришни назарда тутди. Тажриба-синов ишлари табиий шароитда ўтказилди. Тажриба-синов жараёнида қатнашувчи академик гуруҳлар таркиби - тажриба ва назорат гуруҳлари белгиланди. Тажриба-синов ўтказиш учун юқорида кўрсатилган мактаблардан тажриба гуруҳи(қуйида ТГ)да 220нафар ва назорат гуруҳи(қуйида НГ)да 220нафар ўқувчи иштирок этди. Шунинг билан таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳар иккала гуруҳда ҳам соатлар миқдори тенг, инглиз тили ўрганиш дастури, ўқувчиларнинг лисоний жиҳатдан тайёргарлиги, гуруҳдаги ўқувчилар сони ҳамда ўқув материалларига ўзгариш киритилмади.

Инглиз тили дарсларида юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини мамлакатшуносликка оид матнларни ўқиш орқали қай даражада шакллانганлиги бўйича тажриба-синов ишлари ўтказилди. Ўқиш бўйича қуйидаги кўникма ва малакалар текширилди: тўғри ўқиш кўникмасини(инглиз тилида талаффуз ва ўқиш техникаси)ни эгаллаш; матнни ўқиб, унинг мазмунини луғат ёрдамида ва луғатсиз тушуниш малакалари.

Ҳозирда жорий мактаб дарсликларининг асосан коммуникатив нутқий компетенцияларни ривожлантиришни назарда тутганлигини ҳисобга олиб, мамлакатшуносликка оид матнларни биз ўқувчиларга қўшимча тарзда бериб берилади.

Мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишни ўргатишда инглиз тили ўқитиш методикасида қабул қилинган матн билан ишлаш тамойилларига амал қилинди. Матн билан ишлашнинг уч босқичи амалиётга татбиқ қилинган: (1) тайёрлов, (2) ўқиб тушуниш, (3) матндан кейинги босқич.

1. Тайёрлов босқичида ўқувчилар матн таркибидаги лексик, грамматик ва талаффуз материали ҳамда ўқиш техникасига оид машқларни бажаришга эътибор қаратилди. Лексик бирликлар бўйича машқлар қуйидаги амалларни бажаришни талаб этди: 1. Correct reading of words in order to reinforce lexical units within the text (Матн ичидаги янги лексик бирликларни мустаҳкамлаш мақсадида сўзларни тўғри ўқиш); 2. Translate the words marked/highlighted in the text into the native language (Матнда белгиланган/ажратиб кўрсатилган сўзларни она тилига таржима қилиш); 3. Find unknown words in the text (Матндаги нотаниш/янги сўзларни топиш); 4. Fill in the blanks in the text (Матндаги бўш қолдирилган жойларни тўлдириш); 5. Make up questions for underlined/highlighted words in the text (Матнда тагига чизилган/ажратиб кўрсатилган сўзлар бўйича саволлар тузиш); 6. Speaking about the text in the presence of new words and phrases (Ўқилган матнни янги сўз ва сўз иборалари иштирокида гапириб бериш).

Грамматик бирликлар қуйидаги амаллар орқали бажарилади.

1. Recognize the grammatical phenomenon in the text (Матндаги грамматик қоида ва амалларни таниб олиш); 2. It is possible to predict the grammatical phenomenon (for example, to find/say/write the omitted part of the text) (Грамматик қоидани тахминий билиш имконияти мавжуд (масалан, матнни ўқиб тушириб қолдирилган қисмини топиб айтиш/ёзиш); 3. Mutual differentiation of similar grammatical phenomena. For example: Read texts, clarifying regular and irregular verbs, finding the difference between verb tenses in different sentences (Ўхшаш грамматик қоидаларни ўзаро фарқлаш. Масалан: Матнларни ўқиб, тўғри ва нотўғри феълларни аниқлаш, турли жумлалардаги феъл замонларини фарқини топиш); 4. The grammatical phenomenon support understanding the text, pupils should read the text and pay attention to the grammatical phenomenon and tell the content of the text. (Ўрганилаётган грамматик қоида ўқилаётган матнни тушинишга имкон яратиши, ўқувчилар матнни ўқиши ва грамматик ҳодисаларга эътибор бериб, матн мазмунини гапириб бериши лозим).

2. Матн билан ишлашнинг иккинчи босқичи - ўқиб тушуниш босқичида эса қуйидаги машқлар бажарилади: 1. Getting acquainted with the content of the text (Матн мазмуни билан танишиш); 2. Read the paragraph of the text sentence by sentence (Матн абзацини гапма-гап ўқиш); 3. Speaking the content of text turn by turn (Матн мазмунини навбатма-навбат гапириш); 4. Speaking the text according to the plan (Матнни режа асосида гапириб бериш); 5. Pupils answer the questions to each other about the text (Матн юзасидан ўқувчилар бир-бирлари билан савол-жавоб қилиш); 6. Re-read the text to complete various tasks (Турли топшириқларни бажариш учун матнни қайта ўқиш).

3. Матн билан ишлашнинг учунчи босқичида эса қуйидаги машқлар бажарилади: 1. Monologue or dialogue (якканутқ ёки жуфтнутқда ушбу матн ва олдин ўтилган материаллардан фойдаланиб гапириш машқи); 2. Pair work exercises (жуфтнутқ машқларини бажариш); 3. Check up understanding the text by oral speech.

Юқори синфларда мамлакатшуносликка оид матнлар ўқишни ўргатишда матнда учрайдиган нутқий қийинчиликларни бартараф этиш, мамлакатшуносликка оид янги сўзларни тушуниш малакасини ривожлантириш мазкур матнларда учрайдиган лингвистик қийинчиликларни бартараф этишга интилдик. Инглиз тили дарсларида юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини ривожлантириш жараёнида юзага келадиган лексик, грамматик, фонетик қийинчилик ва типик хатолар типологияси аниқланган.

Инглиз тилида отларнинг кўплик шакли аффиксал усулда: -s ёки -es аффикслари ёрдамида ва супплевит усулда: ўзакнинг ўзгариши, баъзи отларнинг бирлик ва кўплик шаклларининг бир хиллиги, баъзи сўзларнинг охирги ҳарфининг ўзгариши орқали ясалади. Ўқувчилар асосан отларнинг кўплик қўшимчаларини ҳосил қилувчи имло қоидаларида кўпгина хатоликларга йўл қўйдилар. Инглиз тилида отларнинг кўплик қўшимчасини ҳосил қилувчи имло қоидалари қуйидагилардир: 1. Агар сўз охири -s, -ss, -o, -

х, -ch, -sh, -tch ҳарфларига тугаса, отнинг кўплик шакли -es қўшимчаси ёрдамида ҳосил бўлади. Қиёсланг: Hero-heroes // қаҳрамон - қаҳрамонлар Box - boxes // қути - қутилар Match - matches // гугурт - гугуртлар 2. Агар сўз охири ундош + -у ҳарфига тугаса, у ҳарфи i ҳарфига айланиб, сўнгра -es қўшимчаси қўшилади. Қиёсланг: baby - babies // чақалоқ – чақалоқлар.

Ҳар бир унли товуш талаффузини ўқувчилар она тилидаги унли товушлар билан қиёслаб тушунтириш орқали ўқитувчилар учун инглиз тилидаги унли товушлар талаффузи бўйича қуйидаги тавсиялар берилиши мақсадга мувофиқ: 1. Инглиз тилидаги унли товушларни 3 гуруҳга ажратган ҳолда талаффуз қилишга ўргатиш: а) чўзиқ унли товушлар: [i:, α:, э:, u:, ə:]. Икки нукта унли товуш чўзиқлигининг белгиси эканлиги тушунтирилади; б) қисқа унли товушлар: [i, e, æ, ə, u, ʌ, ə]; в) икки элементли унли товушлар: [ei, әu, ai, oi, iә, eә, uә, au]. а) Монофтонглар талаффузи. 1-сон [i:] унли товуши чўзиқ талаффуз қилинади: ['i:t], ['mi:t], ['ti:], ['ri:d]. 2-сон [i] унли товуши қисқа талаффуз қилинади: [it], [iz], [in], [hiz], ['mis]. 3-сон [e] унли товуши очик [э] деб номланади. Бу товушни талаффуз қилганда лаблар икки ёнга ҳаракат қилади: ['pen], ['hen], ['ten], ['men], ['bed], ['bet]. 4-сон [æ] унли товуши ёпиқ [æ] деб номланади. Бу товушни талаффуз қилганда жағ иштирок этади. Тил пастки олд тишлар остига қўйилиб, жағ пастга ҳаракат қилади: ['bæd], ['bæt], ['bæg], ['flæg], ['ræt], ['hæt], ['hænd].

Амалга оширилган тажриба-синов ишлари давомида ўқувчиларнинг социолингвистик компетенциясини ривожланганлик даражаси аниқланди. Ўқувчиларнинг социолингвистик компетенция ривожланганлик кўрсаткичлари қуйидаги жадвалларда келтирилди (3.3.1-жадвалга қаранг).

3.3.1-жадвал.

НГ ўқувчиларининг тажриба-синов олди ўзлаштириш кўрсаткичлари

Топширик Тури	Баҳо	9- синфлар бўйича ўқувчи сони	%	10- синфлар бўйича	%	11- синфлар бўйича	%
Социоллингвистик компетенцияни ривожланганлиги бўйича	юқори	18	25,7	20	28,8	21	26,2
	ўрта	21	30,0	23	32,8	27	33,8
	қуйи	31	44,3	27	38,4	32	40,0
Жами:		70		70		80	

3.3.2-жадвал

ТГ ўқувчиларининг тажриба-синов олди ўзлаштириш кўрсаткичлари

Топширик тури	Баҳо	9-синф бўйича ўқувчи сони	%	10- синфлар бўйича ўқувчилар сони	%	11- синфлар бўйича ўқувчилар сони	%
Социоллингвистик компетенцияни ривожланганлиги бўйича	юқори	18	25,7	16	22,9	20	25,0
	ўрта	22	31,4	22	31,4	27	33,8
	қуйи	30	42,9	32	45,7	33	41,2
Жами:		70		70		80	

III.1 ва III.2 жадваллардаги кўрсаткичлардан хулоса қилиш мумкинки, НГ ва ТГда тажриба-синов олди натижалари деярли бир хил миқдорий кўрсаткичларга эгадир (3.3.3-жадвалга қаранг).

3.3.3-жадвал.

НГ ўқувчиларининг тажриба-синов ишларидан кейинги ўзлаштириш кўрсаткичлари

Топширик тури	Баҳо	9-синфлар бўйича ўқувчилар сони	%	10- синфлар бўйича ўқувчилар сони	%	11- синфлар бўйича ўқувчилар сони	%
Социоллингвистик компетенцияни ривожланганлиги бўйича	юқори	3	4,3	5	7,1	5	6,2
	ўрта	24	34,3	25	35,7	30	37,5
	қуйи	43	61,4	40	57,2	45	56,3
Жами		70		70		80	

3.3.4-жадвал.

**ТГ ўқувчиларининг тажриба-синов ишларидан кейинги
ўзлаштириш кўрсаткичлари**

Топшириқ тури	Баҳо	9-синфлар бўйича ўқувчилар сони	%	10- синфлар бўйича ўқувчилар сони	%	11- синфлар бўйича ўқувчилар сони	%
Социолингвистик компетенцияни ривожланганлиги бўйича	юқори	32	45,7	30	42,9	35	43,8
	ўрта	25	35,7	26	37,1	28	35,0
	қуйи	13	18,6	14	20,0	17	21,2
Жами		70		70		80	

Тажриба-синов натижалари таҳлилининг кўрсатишича, инглиз тили таълимида юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини ривожланганлик жараёнида иккала гуруҳда ҳам сезиларли натижалар бўлишига қарамай, ТГ ўқувчиларининг фаоллиги, билим даражасининг ўсганлиги, уларда инглиз тилидан социолингвистик компетенциянинг шаклланиши даражаси НГга нисбатан сезиларли фарқ қилади. Инглиз тили фани бўйича ҳам ТГ ўқувчиларининг олдинга силжиганлигига гувоҳ бўлдик.

Ўқувчиларга инглиз тилида мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишни ўргатиш ўқитишда самарали натижалар берди. Хусусан, мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишни ўргатиш, уларнинг дастурий билимларини янада бойитишга ва социолингвистик компетенциясини ривожланишига пухта ўзлаштиришга хизмат қилди. Инглиз тилида дастурий таълимга қўшимча замонавий янги, қизиқарли ахборотга бой матнларни ўқишни ўргатиб борилди.

Тажриба-синов ишларининг якунловчи босқичида “Инглиз тили” фани мазмуни инглизчабон мамлакатлар ва Ватанимиз Ўзбекистон мавзусидаги мамлакатшуносликка оид матнлар билан бойитилди, тажриба-синов ишлари бўйича махсус дастур ишлаб чиқилди ҳамда улар асосида махсус дарс ишланмалари тайёрланиб, инновацион таълим шаклларида фойдаланган ҳолда ўқув машғулоти ташкил этилди, монография мавзуси доирасида мустақил таълимни ташкил этиш мазмуни ишлаб чиқилди.

Тажриба-синов жараёнида иштирок этган тажриба ва назорат гуруҳлари ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясининг шаклланганлик даражаси юқори, ўрта ва қуйи даражаларда баҳоланди.

Юқори даража - Мамлакатимизда чет тилларини ўрганишда CEFR – чет тиллар бўйича умумевропа тавсиялари мазмуни, чет тилларни интегратив ёндашув асосида ўрганишда халқаро стандартларда кўзда тутилган тўртта кўникмага – инглиз тилида ўқиш, ёзув, тинглаб тушуниш ва гапириш даражалари ҳақидаги билимга эга. Дарслик ва қўшимча манбалардаги грамматик, лексик, талаффуз материалларни тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзиш фаолиятларида буни қўллай олади. Мазмунли, хатосиз гапиради, моҳиятини чуқур англаб етади, талаффузда хатога йўл қўймайди, таржимани қоидага кўра амалга оширади, грамматик тўғри ёзади. Ижтимоий масалалар моҳиятини ўзгаларга нутқ техникасига риоя этган ҳолда етказиб бера олади. Ижодий фикрлайди, мустақил ва эркин мушоҳада юритади.

Ўзбекистонда ва бутун дунёда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ахборотларни тез қабул қила олади ва мушоҳада юрита олади ҳамда уларнинг мазмун ва моҳиятини ижтимоий-ғоявий жиҳатдан социолингвистик қоидалар асосида дарс ва дарсдан ташқари вақтда ўртоқларига оғзаки ва ёзма тарзда етказиб бериш малакасига эга. Инглиз тилини чуқур ўрганишда мавзуга оид ижтимоий воқеа ва ходисалар ҳақидаги материаллардан кенг фойдаланади. Социолингвистика ва унинг ўзига хос хусусиятларини яхши билади ва унга амал қилади. Тили ўрганилаётган миллат, мамлакат ижтимоий ҳаёти ҳақида етарлича маълумот олиш учун интилувчан. Ўтиладиган мавзу доирасида қўшимча маълумотларни мустақил ўрганишга қизиқиши кучли. Эслаб қолиш қобилияти юқори. Лингвистик, психологик, миллий-маданий, геронтологик, гендер ҳамда ижтимоий соҳаларининг узвий боғлаб тил соҳиблари билан мулоқотга кириша олади. Дарсдан сўнг ОАВ, матбуот материаллари, методик қўлланма ва рисоалар, интернет манбалари устида мустақил ишлаш қобилияти кучли. Ўз-ўзини доимий назорат қилади. Таълим

жараёнида олган назарий билимларини ўз ҳаётида қўллай олиш кўникмаларига эга.

Ўрта даража - юқори даражада инглиз тилининг лингвистик ва нутқий қонун-қоидаларини билади. Лекин ўзида ижодкорлик, қўшимча манбалар билан ишлашга шахсий интилиши етишмайди. Дарслик материалларини билиш билан чегараланади. Социолингвистикага оид, ОАВ, АКТ, матбуот материаллари, бадий-оммабоп асарлардан доимий, мақсадли фойдаланмайди. Юқори даражага хос барча таълим-тарбиявий мезонларни билишни уларга амал қилишни хоҳлайди, лекин амалиётда қийналади. Ушбу даражадаги ўқувчиларда фақат инглиз тилини ўрганишга қизиқиши мавжуд. Ўзбекистон ва тили ўрганиладиган мамлакат ижтимоий ҳаёти, ижтимоий-иқтисодий янгиликлар, ўзгаришларни билишга қизиқади лекин унда мустақил изланиш, ўрганиш кўникмаси етишмайди. Фақат ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни мустақил бажаради. Ўз устида доимий изланмайди, ижодий ишлаш кўникмасига тўлиқ эга эмас. Социолингвистик тушунчага эга, лекин ундан мақсадга йўналтирилган тарзда фойдаланмайди.

Қуйи даража – Социолингвистика тушунчасининг моҳиятини инглиз тилида коммуникатив компетенцияси турларидан бири эканлигини билади, лекин унинг мазмуни, таркибий тузилмасини мукамал билмайди. Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ахборотлар, ОАВ материаллари, методик қўлланма ва рисоалар, интернет манбалари билан қизиқиши тизимли эмас.

Тажриба-синов ишларининг аниқловчи ва якунловчи босқичларида ўтказилган назорат сўровномаларининг қиёсий таҳлиллари биз олиб борган тажриба ишларининг натижалилигини ҳамда самарадорлигини исботлади. Буни биз юқори синф ўқувчилари социолингвистик компетенцияси ривожланганлик индикаторларининг сифат ва сон жиҳатидан динамик ўсганлигида кўрдик.

Жумладан, 9-10-11-синф ўқувчилари билан тажриба-синов гуруҳларида ўтказилган сўровномалар натижаси шуни кўрсатадики,

респондентларнинг кўпчилиги тажриба бошида саволларга аниқ ва тўғри жавоб бера олмадилар. Шакллантирувчи монографиялардан сўнг эса уларга берилган саволларга аниқ ва тўғри берилган жавоблар кўрсаткичлари ўсганлигини гувоҳи бўлдик.

Ўқувчиларда социолингвистик компетенцияни ривожланганлик даражасининг мезонлар бўйича кўрсаткичлари (сон ва фоизларда)

Т/Р	Мезонлар	Назорат гуруҳи Н=220			Тажриба гуруҳи Т-220		
		юқори	ўрта	қуйи	юқори	ўрта	қуйи
1.	Ватанимиз Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакат ҳақидаги билимларга эгаллик	13/6	79/36	128/58	97/44	79/36	44/20
2.	Социолингвистик компетенцияни намоён бўлиши	14/6	78/35	125/57	98/45	81/37	45/20
3.	Ўзга миллат вакили билан самарали биргаликдаги ҳамкорликни ўрнатиш	12/5	77/35	126/57	97/44	74/34	42/19
4.	Тил соҳиблари билан маданиятлараро мулоқот ўрнатиш	15/7	80/36	130/59	99/45	82/37	40/18
5.	Ўзга миллат вакили билан суҳбат жараёнида чет тил бўйича етарлича билимларга эга бўлиш	13/6	81/37	132/60	96/44	81/37	48/21
Ўртача		13/6	79/36	128/58	97/44	79/36	44/20

Жадвалдаги натижалар таҳлил қилиниб, синов ва назорат гуруҳлари таққосланди (3.3.5 жадвалга қаранг).

3.3.5- жадвал

Юқори синфларда мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишни ўргатиш бўйича тажриба ва назорат гуруҳларидаги маълумотларнинг солиштирма жадвали

Тажриба гуруҳи	Тажриба ва синов объектлари	қуйи	ўрта	юқори	Жами
	9-синфлар бўйича ўқувчилар сони	13	25	32	70
	10-синфлар бўйича ўқувчилар сони	14	26	30	70
	11-синфлар бўйича ўқувчилар сони	17	28	35	80
	Жами	44	79	97	220
Назорат гуруҳи	Тажриба ва синов объектлари	қуйи	ўрта	юқори	Жами
	9-синфлар бўйича ўқувчилар сони	43	24	3	70
	10-синфлар бўйича ўқувчилар сони	40	25	5	70
	11-синфлар бўйича ўқувчилар сони	45	30	5	80
	Жами	128	79	13	220

Юқоридаги жадваллардан кўриниб турибдики, тадқиқот жараёнига жалб этилган тажриба синфидаги ўқувчиларда назорат синфидаги ўқувчиларга нисбатан билим, кўникма ва малакалар самарали шаклланишида сезиларли ўзгаришлар кузатилган.

Бу жадваллар асосида юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини мамлакатшуносликка оид матнларни ўқиш орқали ривожлантириш технологияси бўйича тажриба-синов натижаларини келтирамиз(3.2.6-жадвал).


3.2.6-жадвал

Юқори синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини мамлакатшуносликка оид матнларни ўқиш орқали ривожланганлигини якуний таҳлили (сон ва фоизларда)

Гуруҳлар	Талабалар сони	Ўзлаштириш натижалари (% да)		
		қуйи	ўрта	юқори
Тажриба синфлари	220	44 20	79 36	97 44
Назорат синфлари	220	128 58	79 36	13 6

Тажриба-синов натижалари таҳлиliga кўра, тадқиқот жараёнига жалб этилган тажриба гуруҳидаги ўқувчиларнинг назорат гуруҳи ўқувчиларига нисбатан билим, кўникма ва малакалари самарали эканлиги аниқланди. Бу ҳолатни объектив баҳолаш учун статистик таҳлил амалга оширилди, аниқланган хулосалар тажриба-синов ишларининг илмий, педагогик, технологик ва методик жиҳатдан тўғри самарали олиб борилганини тасдиқлади. Таъкидловчи тажриба-синов даврида ҳам статистик таҳлилни амалга ошириш учун Стьюдент ва Пирсон методлари танланди. Мазкур метод икки гуруҳда қайд этилган кўрсаткичларни аниқлаш ва объектив баҳолаш имконига эга.

Юқоридаги жадвал маълумотларини таққослаш мақсадида қуйидаги диаграммани ҳосил қиламиз (3.3.1-расмга қаранг).



3.3.1-расм. Педагогик тажриба-с иновнинг умумий статистик таҳлили диаграммаси.

Диаграммадан кўриниб турибдики, тажриба гуруҳи кўрсаткичлари назорат гуруҳи кўрсаткичларидан юқори экан.

Энди 3.2.6-жадвал маълумотларини математик статистик таҳлил қиламиз. Назорат гуруҳидаги баҳолаш кўрсаткичларини мос равишда X_i ва уларнинг такрорланишларини эса n_i лар ва шу каби тажриба гуруҳидаги баҳолаш кўрсаткичларини мос равишда эса Y_j , уларнинг такрорланишларини эса m_j лар орқали белгилаб олиб, вариацион қаторлар ҳосил қилинади. Шунингдек, юқори кўрсаткични 5 балл билан, ўрта кўрсаткични эса 4 балл билан ва паст кўрсаткични 3 балл билан белгилаймиз.

Тажриба-синов ишларида назорат гуруҳларидаги ўқувчилар сони $n=220$, тажриба ўқувчилар сони $m=220$ та бўлиб, бу сонларни X_i ва Y_i вариантларга мос статистик танланмаларни ҳажмлари деб қараймиз. Демак, 1-,2-жадваллардаги маълумотлардан қуйидаги икки вариацион қаторларни тузиб оламиз: ($n = n_1 + n_2 + n_3$ ва $m = m_1 + m_2 + m_3$)

Назорат гуруҳининг ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$(1) \begin{cases} X_i & 3 & 4 & 5 \\ n_i & 128 & 79 & 13 \end{cases} \quad n = \sum_{i=1}^3 n_i = 220$$

Тажриба гуруҳининг ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$(2) \begin{cases} Y_j & 3 & 4 & 5 \\ m_j & 44 & 79 & 97 \end{cases} \quad m = \sum_{j=1}^3 m_j = 220$$

Статистик таҳлил ўтказишни қулайлаштириш мақсадида юқоридаги вариацион қаторлардан n_i ва m_j такрорийлик (частота)ларни мос статистик эҳтимоллик формулалари $p_i = \frac{n_i}{n}$ ва $q_j = \frac{m_j}{m}$ асосида ҳисоблаймиз.

$$(3) \begin{cases} X_i & 3 & 4 & 5 \\ p_i & 0,58 & 0,36 & 0,06 \end{cases} \quad \sum_{i=1}^3 p_i = 1$$

$$(4) \begin{cases} Y_j & 3 & 4 & 5 \\ q_j & 0,20 & 0,36 & 0,44 \end{cases} \quad \sum_{j=1}^3 q_j = 1$$

Статистик таҳлилни ҳар икки танланма бўйича ўртача ўзлаштириш кўрсаткичларини ҳисоблашдан бошлаймиз:

$$\bar{X} = \sum_{i=1}^3 p_i X_i = 0,58 \cdot 3 + 0,36 \cdot 4 + 0,06 \cdot 5 = 3,48$$

$$\bar{Y} = \sum_{i=1}^3 q_i Y_i = 0,20 \cdot 3 + 0,36 \cdot 4 + 0,44 \cdot 5 = 4,24$$

$$\text{Фоизда } \bar{X}\% = \frac{3,48 \cdot 100\%}{5} = 69,6\% \quad \bar{Y}\% = \frac{4,24 \cdot 100\%}{5} = 84,8\%$$

$$\text{Ўсиш} - \bar{Y}\% - \bar{X}\% = 15,2\%$$

Демак, тажриба-синов гуруҳларида ўқувчилар билимларининг кўрсаткичлари ўрта ҳисобда 15,2% га ошган.

Энди тажриба-синов ишлари хатоликларини баҳолаймиз. Дастлаб, танланмалар дисперсияларини ҳисоблаймиз:

$$S_X^2 = \sum_{i=1}^3 p_i \cdot X_i^2 - (\bar{X})^2 = 0,58 \cdot 9 + 0,36 \cdot 16 + 0,06 \cdot 25 - (3,48)^2 = 0,3696 .$$

$$\text{Стандарт хатолик: } S_X = \sqrt{0,3696} = 0,61 .$$

$$S_Y^2 = \sum_{i=1}^3 q_i \cdot Y_i^2 - (\bar{Y})^2 = 0,20 \cdot 9 + 0,36 \cdot 16 + 0,44 \cdot 25 - (4,24)^2 = 0,5824 .$$

$$\text{Стандарт хатолик: } S_Y = \sqrt{0,5824} = 0,76 .$$

Бу хатоликларнинг ўрта қийматларга нисбатан оғиш фоизларини вариация коэффицентлари орқали ҳисоблаймиз:

Буни янада аниқроқ кўрсатиш мақсадида ҳар икки статистик танланма бўйича ўрта қиймат аниқликларини биз вариация коэффицентлари орқали, яъни C_x ва C_y формула орқали ҳисоблаймиз:

$$C_x = \frac{S_x}{\sqrt{n} \cdot \bar{x}} \cdot 100\% = \frac{0,61 \cdot 100\%}{\sqrt{220} \cdot 3,48} = \frac{61\%}{14,83 \cdot 3,48} = \frac{61\%}{51,6084} \approx 1,18\%$$

$$C_y = \frac{S_y}{\sqrt{m} \cdot \bar{y}} \cdot 100\% = \frac{0,76 \cdot 100\%}{\sqrt{220} \cdot 4,24} = \frac{76\%}{14,83 \cdot 4,24} = \frac{76\%}{62,8792} \approx 1,21\%$$

Ҳар икки хатолик кўрсаткичлари мумкин ҳисобланган 5% лик чегарадан етарли даражада кам экан. Бу эса тажриба-синов ишлари қониқарли ўтганлигини билдиради.

Энди биз ҳар икки статистик танланмаларни назарий ўрта қийматлари тенглиги ҳақидаги $H_0: a_x = a_y$ гипотезани Стъюдент мезони ёрдамида текширамиз. Шу мақсадда, мос статистикани ҳисоблаймиз:

$$T_{n,m} = \frac{|\bar{X} - \bar{Y}|}{\sqrt{\frac{S_x^2}{n} + \frac{S_y^2}{m}}} = \frac{|3,48 - 4,24|}{\sqrt{\frac{0,3696}{220} + \frac{0,5824}{220}}} \approx \frac{0,76}{0,06} = 12,7$$

Стъюдент мезонининг 95% лик критик нуқтаси $t_{kp}(0,95) = 1,96$ бўлиб, статистиканинг ҳақиқий қиймати ундан етарлича каттадир:

$$T_{n,m} = 12,7 > 1,96 = t_{kp}(0,95)$$

Демак, биз H_0 гипотезани рад этиб, $\bar{Y} > \bar{X}$ ҳамда (1) муносабатларни эътиборга олган ҳолда $a_x > a_y$, яъни синов гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари, доимо ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи олдинги ўзлаштириш кўрсаткичидан катта бўлар экан, деган хулоса қила оламиз.

Стъюдент мезони асосида эркинлик даражасини қуйидаги формула орқали ҳисоблаймиз:

